

80



„O'QITUVCHI“

86 266  
0-39

Норсид Ойдинов

# ЎЗБЕКИСТОН

ТАСВИРИЙ  
САНЪАТИ  
ТАРИХИДАН  
ЛАВҲАЛАР



„O‘QITUVCHI“

Тузатиш

| Бет |                         |
|-----|-------------------------|
| 79  | Амир Темур<br>инишарган |

ЎБ 266  
0-39

НОРСАИД ОЙДИНОВ

# ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Урта махсус мактабларнинг  
ўқитувчилари ва махсус билим  
юртларининг талабалари учун  
уқув қўлланма

*Республика таълим маркази  
нашрга тавсия этган*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1997



Тақризчилар: Санъатшунослик номзоди, доцент  
Н. У. Абдуллаев

Тарих фанлари номзоди, доцент  
Н. Норқулов

Қўлланмада тасвирий санъатнинг тур, жанрлари ва Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган ўзига хос тарихдан лавҳалар ҳикоя қилинади. Бир қатор деворий суратлар, ҳайкаллар каби тасвирий санъат намуналари таҳлил қилиниб берилган. Бундан ташқари талайгина рассомларнинг ижоди, ҳаёти ҳақидаги маълумотлар билан ҳам танишасиз.


Ушбу ўқув қўлланма ўрта махсус мактабларининг ўқитувчилари ва махсус билим юртларининг талабалари учун мулжалланган. Шунингдек китобдан ўрта умумтаълим мактабларининг тасвирий санъат ўқитувчилари ва барча тасвирий санъат ихлосмандлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

0—39

Ойдинов Норсанд.

Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар: Ўрта махсус мактабларининг ўқитувчилари ва махсус билим юрт-нинг талабалари учун ўқув қўлл.— Т.: Ўқитувчи, 1997.—96 б.

ББК 74.266.4



4908000000—227 ахбороти 96 © «Ўқитувчи» нашриёти, 1997 й.  
0 353(04)—87

ISBN 5-645-02960-7

## МУҚАДДИМА

Ўзбек халқининг ўтмиши Марказий Осиё халқлари тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, санъат тарихи манзусида ҳам узвий муштаракликни кўрамиз. Ушбу қўлланма умумтурк маънавиятининг ана шундай улкан бир бўлаги—Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи ва назариясини ўрганишга қаратилган. Бу мавзунини ўрганишдан асосий мақсад ўқувчиларни тасвирий санъат сирлари билан таништириш, ёшлар онгида ўша ўтмиш санъатига ҳурмат тушунчаларини шакллантиришдан иборатдир. Зотан, аждодларимиз яратган тасвирий, амалий безак санъати, шунингдек, меъморчилик ёдгорликлари тарихнинг жонли ва ишончли кўзгуси саналади. Санъатнинг мўъжизали сирлари шундаки, санъаткорлар яратган ижод намуналари сарҳад танламайди. Шунинг учун ҳам одамлар қайси миллатга мансуб бўлмасин, қайси ҳудудда яшамасин санъат оламидан бирдек баҳраманд бўлишади. Санъаткорнинг эзгулик тарқатувчилик вазифаси эса ҳамма минтақаларда ўзгармасдир.

Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи — жаҳон тасвирий санъати тарихининг ажралмас қисми. Бироқ, Ўзбекистон ҳудудига мансуб бўлган тасвирий санъат тарихи бир қатор алоҳида кўринишларга ҳам эга. Биз ўша ўзига хослик ва фарқланиш жиҳатларини қуйидаги босқичлар асосида ўрганишни мақсадга мувофиқ деб топдик:

1. Форлар, қадимги тошлар ва турли қояларда сақланиб қолган ибтидоий тасвирлар;

2. Лой, ганч, тош ва ёғочдан ишланган қадимги ҳайкалларнинг сақланиб қолган ижод намуналари, турли хунарымандчилик буюмларидаги тасвирлар;

3. Шоҳ саройлари, ибодатхона ҳамда шу кабиларга оид деворий расмлар;

4. Ислом маданияти давридаги китоб ва альбомларга ишланган миниатюра ва тасвирлар, меъморчилик обидалари ҳамда бошқа ёдгорликлардаги расмлар;

5. Оврупо санъати таъсирида янгича шаклланган

ХІХ аср охири ва ХХ аср бошларидаги тасвирий санъат;

6. Собиқ Совет даври—тотолитар тузум тасвирий санъати;

7. Уйғониш даври тасвирий санъатидаги оқимлар.

Араблар истилосигача бўлган тасвирий санъат намуналарини замонамизга нисбатан энг қадимгилари, деб аташ мумкин. Тасвирий санъат тарихининг иккинчи босқичи эса ислом маданияти даврида вужудга келган. Бу даврда инсон сувратлари, турфа хил ҳайкаллар ўрнини кўпроқ безаклар ва нақшлар эгаллай бошлаган. Чунки, инсон сувратларининг кенг тарғиб этилиши ислом ақидаларига унчалик монанд келмаган. Худди шу жиҳатдан ҳам икки даврни қиёслаб ўрганиш қизиқарли машғулотдир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи фанини юқоридаги еттига босқич ва учта асосий катта даврларга бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Ушбу китобда сиз тасвирий санъат тарихи ва турли даврларда яратилган ноёб асарлар, уларнинг мазмуни билан танишасиз. Бугунги Уйғониш даврида ўтмиш санъатимиз тарихини ўрганиш, жаҳон санъат дурдоналари билан санъатимиз муштарақлигини текшириш жараёнлари беқиёс аҳамиятга эгадир. Демак, тасвирий санъат тарихини ўрганишни ажралмас қисми бўлмиш санъатшуносликка оид билимлардан бошламоқ лозим. Тасвирий санъат ўзи нима? Унинг қандай тур ва жанрлари мавжуд. Бу соҳани тушуниш ва мушоҳада қила билишнинг қандай қонуниятлари бор? деган саволларга жавоб бериш зарур. Мазкур қўлланма ана шу саволларга жавоб тариқасида яратилди.

## 1 БОБ. ТАСВИРИЙ САЊЪАТ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ТУР ВА ЖАНРЛАРИ

### Санъат ўзи нима?

Одамлар томонидан бирор-бир иш, нарса, буюм ва ҳолатлар моҳирлик билан бажарилиши ва маромига етказилиб ишланиши инсоннинг санъаткорлик даражасини билдиради. Шу билан ҳам рассом, ҳайкалтарош, меъмор, кулол, бастакор, ёзувчи ва бошқа ижодкорлар яратган асарларни санъат асари деймиз. Санъат қийин кўринишда бўлмасин кишиларнинг ҳис-туйғусига, руҳиятига таъсир этувчи восита сифатида намоён бўлади. Ҳар бир ижодкор ўз-ўзича изланади, ўз-ўзича меҳнат қилади. Ана шунинг учун ҳам санъат ўзига хос турларига эга.

Адабиёт, мусиқа, театр, кино, цирк, меъморчилик, тасвирий ва амалий безак каби бошқа санъат турлари ҳам мавжуддир. Биз сиз билан ушбу китобда асосан Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи ва унинг намуналари билан танишамиз.

**Тасвирий санъат** — энг қадимий ва кенг тарқалган санъат турларидан биридир. Уйғониш даврининг буюк рассоми Леонардо да Винчи «Табиат яратган шакллarning барча сифатларига ўз санъатинг билан тақлид қилишда устаси фаранг бўлмасанг, яхши мусаввир бўлмаганинг даргумон» деб таъкидлаш баробарида тасвирий санъатни эгаллаш табиатни ўрганиш, уни севиш билан нақадар боғлиқлигини кўрсатиб, бу соҳани ўта мураккаб соҳа эканлигини уқтирган эди.

Тасвирий санъат ўз ўрнида ҳайкалтарошлик, ранг-тасвир ва графика каби турларга бўлинади. Тасвирий санъатда ноқеълик, бөрлик шакллар, чизиқлар, ранглар орқили тасвирланади.

Тасвирий санъат монументал ва дастгоҳ кўринишларига ҳам эга. Монументал дейилганда ҳажм жиҳатидан катта, меъморчилик, парк, боғ санъатига, шунингдек, бирор-бир бадий муҳитга мўлжалланган тасвирий санъат асарлари тушунилади. Дастгоҳ асари асосан эркин ижодий фаолият туфайли яратилади. Улар-

ни хоҳлаган жойга қўйиш; намоиш қилиш мумкин бўлади. Масалан: Ўзбекистон миллий боғидаги буюк бобомиз Алишер Навоийнинг ҳайкали монументал асардир. Агар ҳайкал ижодкорнинг ўз хоҳиши ва ижодий изланиши миқёсида ишланса ҳамда шу йўсидаги асарларга хос жиҳатлар амалга оширилса, бу дастгоҳ асари бўлиб уни музейга ёки ўқув дарсхоналарига қўйиш мумкиндир.

Тасвирий санъатнинг миниатюра йўналиши характери ва услублари билан алоҳида ажралиб туради. Миниатюра асарларида ранг-тасвир ва графика турлари унсурлари ҳам иштирок этади. Миниатюра санъатидаги асарлар тўғри уч ўлчамли чизиқли перспективага асосланган тасвирий санъат турларидан маълум даражада фарқланади. Аммо шу нарса ҳам маълумки, ўтмиш миниатюра санъатининг ўзига хос сир-асрорлари бўлиб, бу соҳада ўрганилмаган бадиий муаммолар жуда кўп. Миниатюра санъатининг сиру асрорлари ва муаммолари хусусида ушбу китобнинг миниатюрачи рассомлар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мавзуларида батафсилроқ тўхталишга ҳаракат қиламиз.

### Тасвирий санъат турлари

1. **Ҳайкалтарошлик.** Бу санъат кўринишига қараб, думалоқ ва қавариқ (рельф) ҳайкаллар яратиш турига бўлинади. Думалоқ ҳайкалларни ҳамма томондан кўриш мумкин. Агар бу санъатда инсон образининг бош қисми ёки белигача тасвирланса бундай ҳайкаллар бюст деб аталади. Рельф (қавариқ) ҳайкаллар эса юзага бўрттириб ишлангани учун фақат бир томондан кўришга мўлжалланган бўлади. Рельфлар ўз ўрнида Горельф ва Барельф гуруҳига бўлинади. Горельф—юзага ёпишган ҳолда нисбатан бўртиб кўринади. Гоҳо бирор-бир бўлагини думалоқ ҳайкал даражасида ҳам бўлади. Барельфлар юзага нисбатан кам бўртиб тасвирланади, бу ўрнида танга ва тақинчоқларни мисол келтириш мумкин. Ҳайкалтарошлик санъати асосан қаттиқ жисмлардан — тош, ёғоч, мармар, гранит, бронза, гипс ва бошқа шу каби материаллардан тайёрланади.

Ҳайкалтарошлик санъатининг қадимги намуналари халқларимизнинг тарихини, эътиқодларини, эстетик дунёқарашларини, турмуш тарзини ўзида акс эттиргани билан қадрлидир.

Қадимги мисрликларнинг фиръавн Тутанхмон, Эх-

натан ҳамда гўзал ва ақлли малика Нефрететлар сий-  
мослари акс эттирилган ҳайкаллари нафислиги, тўла-  
қонлилиги билан энг қадимги ҳайкаллар ичида бутун  
жаҳонга машҳурдир. Айниқса, малика Нефрететнинг  
бюстида ўзига хос гўзаллиги; ички маънавий олами,  
хотин-қизларга хос назокати бирмунча мукаммал тас-  
вирланган. Бу портрет-ҳайкал ўз замонасининг машҳур  
ҳайкалтароши Тутмес томонидан маҳорат билан яра-  
тилган. Нефретети бюстининг қиммати рангли қиммат-  
бахш тошлардан меъёрида қўлланилганлиги билан ҳам  
инҳилоқчи. Юз тузилиши, бош кийим, бўйиндаги та-  
қинчоқлар тасвирида рангли тошлар жуда усталик би-  
лини ишлатилганки, ҳайкалтарошлик санъатида бу хил-  
даги намуналар кам учрайди. Нефретети бюсти тимсо-  
лида рангли ҳайкалтарошликнинг ўта санъаткорона ба-  
жарилганини гувоҳи бўламиз. Қадимги юнонларнинг  
ва римликларнинг бу борадаги изданишлари ҳам эъти-  
борга молик. Чунинчи, машҳур юнон ҳайкалтароши Ми-  
роннинг «Диск отувчи» асари ҳар томонлама маҳорат  
билан яратилган. Юнон асотирларида келтирилишича,  
Афродита гўзаллик ва муҳаббат рамзидир. Буни Афро-  
дитага бағишланган ҳайкалларда кўрамиз. Улар на-  
фислиги, гўзаллиги билан кишини ўзига ром қилади.  
Бу ўрнида айниқса «Мплос Афродитаси» ҳайкали ало-  
ҳида диққатга сазовор. Энг қадим халқлардан ҳиндлар  
ҳалининг диний эътиқоди бўлмиш Буддага онд минг-  
лаб ҳайкаллар яратишган.

Ўлкампизнинг Сурхондарё вилоятидан қадим кушон-  
лар даврига онд буддизмга хос ҳайкалтарошлик наму-  
наларини ҳам кўплаб учратиш мумкин. Ўзбекистон ҳу-  
дудидagi қадим Самарқанднинг ўрни — Афросиёбдан  
бир қанча ҳайкалчалар топилган. Бу ҳайкалчаларда  
гўзаллик, садоқат, инсонийлик ва диний эътиқодлар акс  
эттирилган.

Ҳайкалтарошлик санъати асарлари ҳам мазмуни ва  
назифасига қараб монументал, декоратив ва дастгоҳ  
турларига бўлинади. Монументал ҳайкалтарошлик маъ-  
лум бир муҳит, меъморлик бинолари ҳамда табиатга  
уйғунлаштирилиб ишланган бўлади. Тошкент шаҳри-  
даги Ўзбекистон мудофаа вазирлигининг биноси қар-  
нисидаги «Жангчи солдат», шимолий темир йўл вок-  
зали ёнида ўрилатилган Туркистонлик 14 комиссарнинг  
гранитдан ишланган ҳайкаллари, соҳибқирон Амир Те-  
мур, Алишер Навоий ҳайкаллари шу турга мансуб.

Мустақил мазмунга эга бўлган, воқеликни борлигича акс эттирган ҳамда инсон ички руҳий оламини ўзига хос тарзда очиб берадиган эркин ижодий асарлар, шу жумладан, музейлар, кўرғазма заллари, ҳатто хонадонларга қўйишга мўлжалланган ҳайкаллар дастгоҳ ҳайкалтарошлиги деб юритилади. Дамир Рўзибоев, Эйнулла Алиев, Абдумўмин Бойматов, Улугбек Мардиев, Илҳом Жабборов каби ҳайкалтарошлар шу соҳада самарали ижод қилишмоқда.

**Графика санъати** — тасвирий санъатнинг энг кенг тарқалган ҳозиржавоб ва жанговар туридир. Графика санъатида воқелик асосан чизиқлар, шакллар ва оққора ранглар орқали тасвирланади. Бу санъат турида ҳар доим ҳам турли ранглар ишлатилавермайди, ишлатилганида ҳам асар мазмунини очиб беришда асосий вазифани ўтамайди. Бўёқлар кишиларни жалб қилиши ёки чақириқ вазифасини бажариши мумкин. Шунинг учун ҳам, бу соҳада икки, уч хилдан ортиқ бўёқ деярли ишлатилмайди. Графика санъати ўз ўрнида қуйидаги турларга бўлинади. Масалан: дастгоҳ графикаси турига ижодкорнинг мустақил бадиий фаолиятини аниқлаш билан бирга янги фикр ва гояларни илгари сурадиган асарлар киради. Китоб графикаси санъатида эса китобнинг турига қараб муқова, титул муқова кабилар ҳисобга олинади. Китоб графикаси шу китобнинг мазмунини очиб беришга хизмат қилади. Китоб, газета-журнал графикаси ва булардан ташқари, ана шу китоб графикасининг ўзига хос бир тури гравюра санъати дейилади. Гравюра ҳам ўз ўрнида қуйидаги турларга бўлинади.

1. Литографика — асосан тошга ўйиб ишланади.
2. Линогравюра — линонумга ўйиб ишланади.
3. Ксилография — ёғочга ўйиб ишланади.
4. Офорт — алюминий ва бошқа металлларга ўйиб ишланади.

Графика санъатининг яна бир тури плакатлар ясашидир. Сийсий плакатлар, реклама (тижорат) афишалар, сатира ва юмористик асарлар шулар жумласидандир. Плакатлар маълум бир мавзуга (тинчлик, экология, пахта кабилар) қаратилган бўлади. Саноат графикасига эса ёрлиқ, рамз ва бошқалар киради. Археграфикада лойиҳа, режа, уй схемаси, манзил бўйича йўналиш кабилар тасвирланади.

Графика санъатининг машҳур усталари Султон Али

Мунҳаддий, Камолиддин Беҳзод, Леонардо да Винчи, Алберхт Дюрер ўз замонасида самарали ижод қилишган. Ўзбекистоннинг XX аср графикачи рассомларидан Иккандар Икромов, Кутлуг Башаров, Телман Муҳамедов, Николай Тен, Неймат Ҳакимов ва бошқалар ижодли раёсборга молик.

**Рангтасвир** — асосан бўёқлар воситасида матога, лаворга шунингдек, текислик ва юзаларга ишланадиган санъат туридир. Тасвир мазмуни, характери ва шунга ўхшаш барча хусусиятлари бўёқлар орқали ифода-лаб берилса рангтасвир санъати деб аталади. Тасвирий санъатнинг бу турида ижодкорнинг ички кечинмалари рангларни бир-бирига меъёрида қўшиб ишлатиш натижасида намоён бўлади. Масалан, қизил ва қора бўёқлар қўшиб ишлатилиши фожиавийликни акс эттирса, оч мовий ва яшил рангларни ўзига хос боғлашлар натижасида тинч ва осойишталик ҳолатлари тасвирланиши мумкин. Рангтасвир санъати жозибали ва қизиқарлилиги билан нафақат ўзлаштиришда, ҳатто уни идрок қила билишда ҳам ўқувчидан муайян тайёргарликни талаб этади.

Тасвирий санъатнинг ўзига хос нафис бу тури инсоният тафаккурининг ноёб намунаси сифатида кишиларни неча асрлардан бери ўзига ром қилиб келмоқда. Ўзбекистон ҳудудида ҳам қадимдан рангтасвир санъати тараққий этганлигини Афросиёбдаги деворий расмлар, Варахша ва Болаликтепа тасвирий намуналари билан билиш мумкин. Бу ўтмиш рангтасвир санъати ижодларимизнинг гўзаллик борасида эришган ютуқларини ҳикоя қилибгина қолмасдан тарих сирларини очиб берувчи кўзгу вазифасини бажара олади. Рангтасвир санъатининг машҳур вакилларида Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Рембранд, Карл Брюлов, Анри Матисс, XX аср ўзбек рангтасвир санъати усталаридан Урол Тансиқбоев, Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Малик Набиев, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Алишер Мирзаев, Акмал Икромжоновлар ижодли диққат-эътиборга молик. Рангтасвир санъати ўз ўрнида монументал, дастгоҳ, декоратив безак кўринишларга ажралади. Монументаллик кўринишида ижтимоий ҳаёт воқеалари акс эттирилади ва тасвир узоқ масофадан кўришга мўлжалланади. Монументал кўринишдаги рангтасвир санъати — тўғри девор юзасига ишлаш (фреска), турли рангли тошлар, шишалар, сир-

ли сополларнинг деворда ишлатилиши (мозаика), махсус туртбурчак ва рамкалар ичида тасвирлаш (панно) йуналишларини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Декоратив рангтасвир санъати эса безаш вазифасини ўтайди. Театр, кино ва бошқа шунга ўхшаш соҳаларда декоратив рангтасвир санъати қулланилади.

### Тасвирий санъат жанрлари

**Портрет жанри.** Инсон қиёфасини ички психологик олами билан боғланган ҳолда аниқ бир образда яратилиши портрет санъати деб юритилади. Портретда инсоннинг тўла гавдаси, ярми ёки юз қиёфасининг фақат ўзи ҳам бўлиши мумкин. Портрет яратиш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, инсоннинг анатомик тузилишидан тортиб ички руҳий, маънавий, шунингдек, ташқи курилишидаги барча жиҳатларини ақс эттириши билан санъат даражасидаги асар бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг ички дунёси, гўзаллиги, табиат ато этган андазаси мавжуд. Портретчи рассом одамларга хос турли ҳаракатларни ҳис қила билмоғи, айниқса, одамнинг қиёфасидаги самимийлик ёки сохта жиҳатларни тасвирлай билиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Тасвирий санъатнинг портрет жанри инсоннинг маънавий қиёфасини ўзида ифодалаши билан санъатнинг бошқа соҳаларидан бирмунча фарқ қилади. Портрет санъатини яратишда бебаҳо ютуқларни қўлга киритган буюк рассомлардан Камолiddин Беҳзод, Леонардо да Винчи, Рембранд, шунингдек, ўзбек рассомларидан Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Чингиз Аҳмаров ва бошқа бир қанча рассомларни мисол келтириши мумкин.

**Натюрморт**—французча жонсиз табиат деган маънони беради. Одамлар ҳаётида ишлатиладиган буюм—нарсалар, сабзавот ва мевалар, асбоб-ускуна кабиларга ўхшаш намуналарнинг тасвири муайян шаклда чизилиши мазкур жанрга хос. Маълумки, ҳар бир рассом тасвирий санъат сирларини ўрганишни натюрморт ишлашдан бошлайди. Буюмлар ва нарсалар шаклини, формасини, характерини ўзлаштириш санъатнинг бошқа жиҳатларини ва турларини ўрганишдаги дастлабки сабоқлардир. Лекин бу натюрморт санъат сифатида фақатгина бошланғич вазифа бўлиб қолади, деган маънони бермайди. Ваҳоланки, натюрмортнинг санъат да-



рижаёнда яратилиши ўзига хос мураккаб ва катта мактабни талаб қилади. Тасвирий санъат тарихида Виллям Класс Хеда, Жан-Батист-Симон Марден, Франс Снайдерс, Ян ван Гейсум, Раҳим Аҳмедов, Акмал Икромжоновларнинг ўз ўрни бор.

**Манзара жанри**—табиатнинг турли кўринишларини тасвирий санъатда акс эттирилишидир. Тоғ, ўрмон, дегиз, шаҳар ва қишлоқ манзараларининг кўринишларининг бир мазмунни аниқлатса бундай асарлар манзара жанрига тегишлидир. Гап манзара жанри ҳақида кетар экан, манзаранинг моҳир усталари Клод Лорен, Шинкин, Левитан, Карахан, Исфандиёр Ҳайдаров ва бунга машҳур рассомлар ижодини бу борада мисол келтириш мумкин.

**Тарихий жанрдаги асарларда** тарихий воқеалар, тарихий образлар акс эттирилса, батал жанрида тарихий жанг воқеалари, ҳарбий образлар тасвирланади.



**Анимал жанри** — мажозий образларни акс эттирувчи тасвирий санъат асарларидир. Бунда асосан турли ҳайвонлар, қушлар, уларнинг ҳаракатлари, қиёфалари ва шу образлар орқали ҳаёт воқеалари акс эттирилади.

### **Тасвирий санъатда композиция**

Ҳар бир тасвирий санъат асари композициясининг ўзига хос тузилиши ва мазмуни билан боғлиқ жиҳатлари мавжуддир. Ана шунинг учун ҳам тасвирий санъат асари композициянинг умумий қонуниятларига амал қилган ҳолда яратилади. Бу ўринда биз композиция тушунчаси ўзи нима? У қандай қонуниятларни талаб қилади деган саволга маълум даражада жавоб бера олмоғимиз лозим.

Композиция тузиш, жойлаштириш ижод қилиш натижасида санъатнинг алоҳида қисмларини мантиқан бир бутунликка келтириш эканлигини англатади. Тасвирий санъатда композиция жуда кенг маънога, ўзига хос алоҳида муҳим жиҳатларга эгадир. Яна шу нарса диққатга сазоворки, тасвирий санъатнинг ҳар бир тури ёки

асарида композицион тузилиш маълум даражада фарқлангани талаб қилади. Тасвирий санъат асарида композиционнинг оддий қонунларидан тортиб асар мазмунини очиб беришгача бўлган ижодий изланишларида ҳам ўзига хос композиция сирлари бўлади. Асарнинг бадий мазмуни, қиймати, санъат даражасида яратилгани томошабин, ўқувчи томонидан идрок қилинаётгани баъзан ижодкорнинг ўзи ўйламаган сەҳрли қирралари ҳам юзага чиқиб қолиши мумкин. Композиция ана шундай мураккаб санъатнинг мантиқий тузилишини ташкил қилувчи соҳасидир. Тасвирий санъат тарихидан намуналарни тўғри таҳлил қила олиш учун композиция ҳақидаги назарий тушунча ва билимга эга бўлмоқ лозим.

Ўзбекистон тасвирий санъати намуналарини санъатшунослик нуқтаи назаридан ўрганишда композицион таҳлилларга тез-тез дуч келамиз. Шундай қилиб, расмларимиз яратган асарларни ўрганиш жараёнида композиция тушунчаси ҳақидаги билимимиз, фикримиз анда бойийди. Ва бу мавзунинг янги-янги қирралари билан танишиб борамиз.

## II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДАГИ ҚАДИМГИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ

### Ибтидоий тасвирий санъат намуналари ҳақида

Аждодларимиз тарихининг энг қадимги даврларида тасвирий ифодалар беқиёс аҳамият касб этган. Негаки, энг қадимги одамлар бир-бирларига фикрларини, муносабатларини, истакларини чизиқлар, оддий формалар, интуитив тасвирлар орқали етказишга интилганлар. Мисалан, улар ов қуролларини тасвирлаш орқали овга бормоқчи эканликларини ифодаласалар, ёввойи бука ва бошқа турли ҳайвонлар тасвирлари орқали, ўша ҳайвонларни овламоқчи эканликларини билдирганлар. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан ҳам ана шундай ибтидоий жамоа даврига мансуб ўнлаб тасвирлар қолдиқлари топилган. Шулардан бири Заравутсой ёрида ишланган ов маузарасидир. Мазкур ёрдаги расмларда қадимги расмларнинг ўзига хос фаолиятини кўриш мумкин. Кўҳитаиғ тоғи энг юқори қисмининг бирида жойлашган бу ёри «Олтин олов қояси» ёки «Олтин олов дараси» деб ҳам аташган. Чунки зар — олтин, ўт — олов маъносинда ишлатилган. Шу боис бу муқаддас ёдгорлик

«Заравутсой» номи билан аталиб келинмоқда. Заравутсой ов манзарасндаги турли расмларни кузатиш қадимги одамларнинг ҳаётини, турмуш тарзини жонли тасаввур қилишга ёрдам беради. Ибтидоий одамлар ҳаётида овчилик асосий машғулот тури бўлганлиги сабабли ибтидоий тасвирларда ов манзараси кенг ўринни эгаллаган.

Тасвирий санъатнинг ибтидоий даврига мансуб намуналаридан бири Жиззах вилоятидаги Тақатош номи билан аталиб келинаётган тошдаги тасвир ёзувлардир. Бу тасвирларда ҳам фикр, сезги, амалий эҳтиёж каби туйғулар акс эттирилган. Қадимий тасвирлардан яна бири Зарафшон этакларидаги «Сармишсой» тасвирларида эса ибтидоий рассомлар ижоди ўз аксини топган. Ибтидоий тасвирий санъат намуналарини умуман қадимги санъатнинг тикланишида археологларимизнинг самарали меҳнатлари диққатга сазовор. Чунончи, Сармишсой расмлари ҳақида А. Муҳаммаджонов «Қадимги Бухоро» китобида шундай қизиқарли фикрларни ёзди: «Бу ибтидоий тасвирий санъат асарлари Сармишсой дарасининг икки юзида қад кутарган қоятошларнинг силлиқ юзасига солинган. Уларнинг асосий қисми учли асбоблар воситасида сурункасига зарб билан ёки ўткир қиррали кескичлар воситасида чизиб ёки тарашланган. Минг йиллар оша уларнинг энг қадимий нусхалари қуёш ва шамол таъсирида униқиб қорайиб кет-



ган бўлса-да, чошгоҳ ва кеч пешинларда кўзга яққол ташланади.

Сармишсой қояларида ёввойи буқалар, шохлари атрофга буталаб кетган буғу ва булонлар, елиб бораётган тоғ такаси, оҳу, тунғиз, бўри, қоплон, итлар ҳамда бир-бири билан олишаётган ёввойи ва хонаки ҳайвонлар, шунингдек, овчилар ва ов манзаралари ҳам тасвирланган».

Қадимги рассомлар фаолиятида ҳам кузатувчанлик, шикд ва чизиқлар орқали бўлаётган воқеаларнинг характериши, мазмунини ёритиб бера олиш қобилиятлари кўзга ташланади. Қоятош, даралар ва горлардаги расмдир мазмунан бой бўлиши билан бирга хилма-хилдир. Уларда турли манзаралар ўз аксини топган. Умуман бу тасвирлар орқали одамларнинг муштарак туйғулари юзига чиққанилигини кўраман. Бу расмларда ҳар бир белги, қоралама ёки шакл ўзига хос фикрни, ҳатто сеҳру жодуларни ифодалаб бериши билан қизиқарлидир. Юқориларга далиллардан кўриниб турибдики аجدодларимизнинг ҳаётида, турмуш тарзида тасвирий фаолият илоҳида ўрин тутган. Заравутсой, Сармишсой, Қорачарноқсой, Кўксарой, Биронсарой, Тақатош, Тераклисой, Жирсарой, Тутлисой, Чадаксой, Шўрбулоқсой ва бошқа кўнлаб қадамжолардаги тасвирлар фикримиз далилидир.

### **Тасвирий санъат тарихининг кейинги такомил босқичлари**

Ўзбекистон ҳудуди ҳам инсоният тафаккури тараққиётининг шу жумладан, санъатнинг қадимги марказларидан бири эканлиги археологик изланишлар чоғида неботланган. Улкамиз ҳудудидан топилган санъат обидалари, асори-атиқалар бунга яққол мисолдир. Амалий ҳунармандчилик намуналарида бадний безаклар кўпайиб, бойиб борган бўлса, тасвирий санъатнинг кейинги намуналарини кулолчилик буюмларидаги расмларда учратаман. Сопол идишларнинг формалари аста-секин мураккаблаша бошлайди ва сопол идишларга тасвирлар, безаклар туширилиши бадний кулолчилик санъатининг ҳар томонлама ривожланишига олиб келади. Энди одамлар ўзлари учун керакли бўлган буюм ва ишларнинг формасини нафис шаклда ишлабгина қолмасдан уларга безаклар, тасвирлар тушириб бадний жиҳатдан бойитдилар. Кулолчилик тараққиёти лойдан

ишланган ҳайкалчаларда кўринган бўлса, аста-секин одамларнинг диний эътиқоди, турли дунёқарашлари шу ҳайкал тасвирлар орқали ўз аксини янада аниқроқ кўрсата бошлади. Ҳайкалтарошлик вақт ўтиши билан ҳаётнинг кўп жабҳаларига кира бошлаган. Уша қадимги турли безакли тасвирларда, ҳайкалларда кишиларнинг иш жараёни, эътиқоди, дунёқарашларидан ташқари турмуш тарзи ҳам ўз ифодасини топган.

Қадимги одамлар турли динларга эътиқод қилишган ва ўз эътиқодларини илоҳийлаштириш мақсадида ҳайкаллар яратишган. Айниқса, ана шу ҳайкалларда афсонавий ҳайвонларга хос рамзий образлар ўз ифодасини топган. Ўтмиш санъат намуналарида ҳаётнинг ҳамма қирралари гавдалантирилган. Қийим-кечаклардаги, шунингдек, уй жиҳозларидаги тасвирларда ҳам шундай намуналарни кузатамиз. Бизгача сақланиб қолган намуналар эса асосан лойдан, тош, ёғоч, фил суякларидан ишланган. Одамлар ҳайкалларга ва бошқа тасвирларга ўз дунёқарашлари, эътиқодларини жо қилишга интиланганлар.

Аждодларимизнинг милоддан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмига келиб аҳмонийлар босқинчилигига дуч келиши ва шу даврдаги Нақши Рустам, Бехустун тасвир ёзувлари пайдо бўлиши ҳам Эрон ва Марказий Осиё халқлари санъати билан боғлиқ намуналарни вужудга келишига сабабчи бўлган. Шунинг учун ҳам тасвирий санъатнинг аҳмонийлар даврига оид намуналарини қадимги эронликларнинг марказий шаҳри Персепол ва унинг атрофидаги ёдгорликларда учратамиз.

Бу ўринда тарихчи Б. Аҳмедовнинг фикрлари диққатга сазовордир: «Айниқса Персеполдан (Шерознинг шимолий тарафидан тахминан 50 км олисликда жойлашган, 520—450 йиллар орасида қурилган) топилган ёзувлар ва тасвирий суратлар (рельфлар) зўр илмий қимматга эга.

...Ападана зинапоялари устига солинган тасвирий суратлар алоҳида аҳамият касб этади. Суратларда (баландлиги 3 фут) аҳмонийлар империясига тобе бўлган 23 сатрапликдан (мамлакатдан) ўлпон олиб келган кишилар сурати тасвирланган. Булар орасида бақтрияликлар (турли идишлар, тери, мўйна ва туя билан) ва хоразмликлар (от ва қурол-аслаҳа билан) ҳам бор». Бу ўтмиш тасвирлари Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи учун ҳам ишончли ва муҳим намуналардир. Яна

шунин алоҳида таъкидлаш керакки, Персеполдаги нақши Рустиам, Бехустун ёзувлари, ҳайкалтарошликка хос рельеф тасвирлар санъат тарихини ўрганишда асосий маънога ҳисобланади. Бу асарлар меъморчилик тасвирий ва амалий санъатининг муштарак тараққий этганидан далолат беради.

Аждодларимиз тарихи биздан қанчалик узоқ ва уларнинг диний эътиқодлари ўзгача бўлганлигидан қатъи назар биз билан олис ўтмишни боғлаб турадиган назик жиҳатлар бор. У ҳам бўлса, улар яратган илмий санъат намуналаридир. Бу ўринда тасвирий санъат асарларининг ўрни ва мавқеи алоҳида диққатга сазовор. Чунончи Афросиёб шарқ ўтмишининг маданий марказларидан бири бўлиб, кўпгина халқларга хос намуналарни акс эттирувчи санъат намуналарига масжидир. Афросиёбдан топилган ҳайкаллар, деворий суратлар ана шулар ҳақида ҳикоя қилади. «Афросиёбда шаҳир ҳаётининг ривожланиши Сўғд, Мовароуннаҳр ва Марказий Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг юксалиши ҳамда инқирози билан мувофиқ тарзда кечган, чунки Самарқанд ўша давр мамлакатлари ўртасидаги илоқаларнинг муҳим маркази эди. Ўрта Ер денгизи бўлиши ва Яқин Шарқ мамлакатларининг Эрон орқали Узоқ Шарқ, Марказий Осиё мамлакатлари, Ҳиндистон, Сирдарёнинг қуйи оқимидаги шаҳарларга, у ердан эса Сибирь ва Шарқий Оврупо мамлакатларига дипломатик, савдо ва маданий алоқаларнинг асосий йўллари Самарқанддан ўтган. Самарқанд жаҳон савдо ва маданий марказларидан бири сифатида ўз мавқеини тўла даражада, лекин узилишлар билан ўрта асрларда ҳам сақлаб қолди», деб таъкидланади Самарқанд тарихи китобида. Хуллас, қадимги сўғд санъати ҳам ўтмишни янада мазмунли ва аниқроқ тасаввур қилишимизга ёрдам беради.

Искандар изи бўйлаб шаклланган тасвирий санъат тарихи ўлкамиз ҳудудида ўзининг қимматли намуналарини қолдирган. Милoddан аввалги 329—327 йилларда Искандар қўшнлари Марказий Осиё ҳудудларини маккорлик ва ҳийла билан босиб олганлиги тарихдан маълум. Искандар Юнонистондан Марказий Осиёга келгунга қадар кўплаб халқларни босиб олган ва ўша ерларда юнон тили, маданияти ва дини тарғиб қилинган. Ана шунинг натижасида элленлаштириш (юнонлаштириш) вужудга келади.

Аммо, Юнонистоннинг меъморчилиги, тасвирий санъати бошқа халқларга нисбатан антик дунёда юқори даражада бўлганлигини таъкидламоқ керак. Маҳаллий халқлар тасвирий-амалий санъати билан элленлар санъати ўртасида уйғунлашув бошланган. Бу уйғунлашув узоқ давом этиб, элленларга хос ҳайкалтарошлик, деворий расмлар, амалий санъат намуналари, жумладан меъморчилик пайдо бўла бошлайди. Бундай тасвирий ва амалий санъат намуналарини Ўзбекистоннинг ўнлаб қадимий шаҳар харобаларидан топилаётганлиги диққатга сазовор. Афросиёб харобасидан Искандар даврига оид ҳайкал ва таңгалар, кулолчилик буюмлари топилгани ҳам фикримиз далилидир.

Искандар портрети ҳақида атоқли олим Аҳмадали Асқаров қуйидагича мушоҳада юритади: «Ривоятларга қараганда, унинг икки шоҳи бўлган эмиш. У бу сирини халқдан яширган ва ҳар сафар соч олдириганда сартарошнинг калласини танасидан жудо этган. Ниҳоят, у бошқарган мамлакатда ёлғиз битта сартарош қолади. Уни чақириб соч олдириш олдидан Искандарни шоҳи борлигини ҳеч кимга айтмасликка қасам ичтирган, акс ҳолда уни ўлим билан қўрқитишган. Сартарош рози бўлиб, Искандарни сочили олган. У ўз подшоҳининг бошидаги шоҳларни кўриб таажжубланган ва ўз қасамини узоқ вақт бузишга ботина олмаган. Узоқ йиллар давомида ичидаги сирини яшира-яшира тоқати тоқ бўлган. Ниҳоят кимсасиз чўлга чиқиб, бир булоқнинг ёқасида ўтириб, юрагини бўшатиб олиш мақсадида сувга қараб, аста-секин «Искандарнинг шоҳи бор» деб уч марта такрорлаган. Вақти билан ҳалиги булоқдан қамиш ўсиб чиқади. Кунлардан бир кун бир чўпон булоқ ёқасига яқинлашади ва унинг сувидан тотигач, бекорчиликдан зерикиб, булоқ ичидан ўсиб чиққан қамишдан пай ясайди. Найни чалса ундан «Искандарнинг шоҳи бор» деган овоз баралла чиқар эмиш. Шундан Искандарнинг шоҳи борлигини ҳамма билган ва уни халқ «Искандар Зулқарнайн» деб атаган. Ушбу афсона биргина шарқда эмас, балки Искандарнинг яқинларига ҳам маълум бўлса керак. Ана шу афсонага илоҳий куч ва қудрат бериш Искандар замонасидан бошланган: Масалан, 1970 йилларда Афросиёб археологик қазинмалар пайтида Искандар сурати чизилган қимматбаҳо сердолик тош топилди. Тош тирноқ ҳажмида бўлиб, у Искандар лашкарбошиларининг Самарқандни истило

ини вақтида йўқотган олтин узукнинг кўзи бўлса керак. Ана шу тошга туширилган Искандар расмига икки диадема кийдирилган. Дарҳақиқат, расмдаги диадеманинг чеккасидан иккита шох бўртиб чиқиб турибди. Бу тошлма ҳозир Самарқанддаги Республика санъат музейида сақланмоқда.

Искандар Мисрни босиб олганда Миср коҳинлари уни мисрликларнинг Қуёш худоси Амоннинг ўғли деб атади қилганлар. Мисрликлар анъаналарига кўра, худо Амон сиймоси икки шохли бош кийимда тасвирланган. Мисрни эгаллаган Искандарга Миср аслзодалари икки шохли олтин бош кийим кийдирган бўлишлари мумкин.

Маълумки, қадимги тасвирий санъат, жумладан Искандар замонасига оид тасвирий санъат элленлар тасвири остида шаклланган ва тараққий этган. Турли тасвир ва шакллар зарб этилган танга ва тақинчоқлар ўша замон ноёб ашёларидир. Сиртига Артемида (юнон мифологиясида таърифланишича Зевс ва Летонинг қизи, поз-неъмат худоси, ҳайвонот ва овчилик ҳомийси. Римликлар уни Диона номи билан аташди) тасвири туширилган геммадаги расм ҳам элленлар даври намуналарига киради. Шунингдек, айни пайтда Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихий музейида сақланган қадимги кумуш (тетрадрахма)даги ральф тасвирлар алоҳида эътиборга моликдир. Бу Александр Македонскийнинг тетрадрахмаси (танга пули) бўлиб, унинг ўнг томонида бош қиёфаси ўнг томонга буриб шиланган шох тасвири мавжуд. Иккинчи (тескари) томонида эса ўнг қўли узатилган ҳолатда қуш тутиб тахтада ўтирган Зевс акс эттирилган.

Маҳаллий усталар ва рассомлар ясаган кулолчилик буюмларида, танга ва тақинчоқларда, турли кўринишдаги ҳайкалларда ҳам эллинистик анъаналар аломатлари мавжуд. Зотан, Юнонистон тасвирий санъати ютуқлари кўпроқ ҳайкалларда, зарб этилган тангалар ва тақинчоқларда ўзини намоян қилади. Бу ҳайкаллар шиланиши ва мазмунига кўра юнонларга хос тасвирларни акс эттиради. Бу санъат ашёлари маҳаллий халқ билан юнонлар ўртасидаги яшаш тарзининг тобора уйғунлашиб борганлигини ҳам кўрсатади. Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон санъати тарихида элленлар ва маҳаллий халқ санъатининг уйғунлашуви эса ўзига хос янги босқич бўлди.

## Юнон — Бақтриядан араблар истилосигача бўлган даврлардаги тасвирий санъат равнақи

Утмиш тасвирий санъат тараққиётининг ўзига хос қирралари Искандар вафотидан сўнг ташкил топган давлатлар тузуми билан боғлиқ равишда намоён бўлади. Уша даврда Марказий Осиё, жумладан ҳозирги Ўзбекистон Салавкийлар давлати таркибида бўлганлиги тарихдан маълум. Бу давр ҳақида сақланиб қолган ҳайкаллар, амалий безак санъатидаги тасвирлардан ташқари танга пуллардаги тасвирий намуналар орқали ҳам тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин. Масалан, бундай намуналарни Антиох I Драхма (танга пуллари)даги тасвирларда учратамиз. Танганинг олд томонида подшонинг тож кийган бош қиёфаси, тескари томонида эса кийимсиз ҳолатдаги Зевснинг ўнг қўлида бир даста чақмоқ, чап қўлида қалқон, оёғи остида эса бургут, шунингдек, юнон тилида (Шоҳ Антиох) деган битик тасвирланган.

Тасвирий санъатнинг ҳайкалтарошлик тури Юнон—Бақтрия ва қадимги Хоразм давлатлари даврида тараққий этибгина қолмасдан, гоҳо санъатнинг бошқа турларига етакчилик вазифасини ҳам ўтаган. Бақтрия маданиятининг яна бир характерли томони шунда эдики, бу даврда амалий безак санъатида кичик ҳажмли тасвирлар кенг қўлланилган. Олтин ва кумушдан ишлатилган тақинчоқларнинг топилиши улардаги тасвир ва безакларнинг бой ва жозибадорлиги сўзимизга мисол бўла олади. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли санъатшунослик институти ходимлари томонидан Далварзинтепада археологик қазишмаларни олиб бориш жараёнида топилган 115 донга олтиндан ишланган ашёлар Бақтрия даври усталарининг маҳоратидан дарак беради.

Қадимги Хоразм тарихини астойдил ўрганган олим С. П. Толстов Жонбасқалъани «ҳайкаллар музейи», Тупроққалъани эса «Тангалар музейи» деб бежиз атамаган.

Ҳайкалтарошлик, графика, рангтасвир қадимги Фарғона, Қанғ давлатида ҳам кенг кўламда ривожланган. Тасвирий санъат тарихида Буюк ипак йўлини таъсир катта бўлган, албатта. Буюк ипак йўлининг халқлар ўртасидаги санъатни уйғунлашувига таъсир ўтказганини Кушонлар даври мисолида янада яққолроқ кўраемиз. Дарҳақиқат, Ўзбекистон тасвирий санъати тарихининг

катта бир қисми кушонлар даври билан чамбарчас боғлиқдир. Бу даврда қадимги халқларнинг турлича дунё-қарашлари тасвирий санъат асарларида ўз аксини топган. Буларнинг бирида буддизмга хос белгилар акс эттирилган бўлса, иккинчи бир намуналарида Зардуштинлик эътиқоди рамэларини илғаймиз. Кушонлар даври санъатининг хилма-хиллиги бу империя жуда катта ҳудудни, кўп халқларни бирлаштирганлиги билан ҳам ифодаланади. Кушонлар даврида маданият ва санъат юқеник поғонага кўтарилган. Уша даврга оид санъат ишлари Ўзбекистоннинг жанубидан кўпроқ топилганлигини алоҳида қайд қилиш керак.

Кушон подшолиги бу аслида сиёсий тушунча бўлиб ўзининг жуғрофий номи Бақтрия деб аталади. Буюк Бақтрия ҳудудига оид яратилган тасвирий санъат асарлари ўзининг гўзаллиги, нафислиги билан олқишга сазовордир. Бу даврда ҳайкалтарошлик санъатининг турли кўринишлари кенг ривожланган. Кўп ҳолларда ҳайкалларнинг диний характерга эга эканлиги очиқ кўринади. Бақтрия ҳудудидан топилган ҳайкалчаларда севги, оилавий бахт, серҳосиллик каби ғоялар олға сурилади. Археологик изланишлар жараёнида Будданинг тик турган ҳолатидаги, чордона қуриб ўтирган ҳайкаллари, қатто ётган ҳолатдаги кўринишлари акс этган ҳайкаллари топилган.

Кушонлар даври маданиятининг серқирралиги шундаки, тасвирий санъат, меъморчилик, амалий санъатнинг турлари бир-бири билан боғлиқ ҳолда тараққий этган. Бу даврда будда ибодатхоналарининг яратилиши, ўз навбатида, буддизмга хос бадний безаклар ишланишига сабабчи бўлган. Масалан, Далварзинтепадан топилган, I асрнинг иккинчи ярмига оид Вима Кадфиз тингасининг олд томонида шоҳ ўнг қўли меҳроб узра чўзилган ҳолда, бошига ялов тасмали узун кулоҳ кийган ҳолатда тасвирланган. Олимларнинг фикрига қараганда, бу тангадаги доира шаклидаги юнон ёзуви «Шоҳлар шоҳи Вима Кадфиз Кушон» деган маънони англатади.

Эфталлийлар, Турк ҳоқонликлари даврида ажойиб ҳайкаллар, нафис деворий суратлар юзага келди. Утмининг тасвирий санъат-меросимизнинг энг характерли томонларидан бири шунда эдики, аждодларимиз бошқа халқлар санъатидан таъсирланибгина қолмасдан, уларга ўз таъсирини ҳам ўтказа олган. Шу асосда халқ-

ларнинг уйғунлашган, юксак тасвирий санъат намуна-лари яратилганлиги тарихдан маълумдир. Сўғдиёна, Бақтрия, Парфия, Чоч, Хоразм, Қадимги Фарғона ҳудудларидан топилган қадимий санъат ашёлари бизга мозий дунёсидан хабар беради.

### Қадимги ҳайкалтарошлик санъати

Тасвирий санъат тарихини тадқиқ қилишда ҳайкалтарошлик тури алоҳида аҳамият касб этади. Республикамиз ҳудудидан кўплаб ҳайкалтарошлик санъати ашёлари топилганини биз юқоридаги далилларда кўрдик. Битта рисолада қадимги ҳайкаллар яратилиш жараёнини батафсил ўрганиб чиқишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳам ҳайкалтарошликдаги айрим намуналарни таҳлил қилиш орқали уларнинг мазмунини, бадий қиймати, ишланиш услублари, материали ва умуман ҳайкалтарошликнинг санъат даражасида одамлар турмуш тарзида тутган ўрни каби жиҳатларинигина очиб беришга ҳаракат қиламиз. Республикамиз ҳудудидан топилган ҳайкалларнинг тош, темир, суяк, ёғоч, ганч, лой, мис, ҳатто олтин, кумуш каби турли материаллардан ишланганлиги бу санъат турининг нечоғли аҳамиятга эга эканлигини курсатади.

Азал-азалдан ижод аҳлининг оналарга, аёлларга ҳурмат-эҳтироми юқори даражада бўлган. Қадимги давр ижодкорлари ҳам мамонт суягидан, тошдан аёллар, ҳомиладор оналар қиёфаларини тиклаганлар. Уша ҳайкаллар тимсолида одамларнинг дунёқараши, турли эътиқодлари ўз ифодасини топганлигини эътироф этмоқ керак. Тахминан эрамиздан олдинги икки мингинчи йилларга тегишли қора тошдан ишланган тумордаги илон тасвири нафақат маҳоратли ишланиши билан, балки асар мазмунига маълум бир дунёқараш жо бўлганлиги жиҳатидан ҳам қадимшунослар диққат-эътиборини ўзига тортади.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги санъатшунослик институтининг музейида сақланаётган милоддан аввалги икки мингинчи йилларга мансуб Миршодий ҳайкали инсон қиёфаси тасвирланган дастлабки ҳайкаллардан бири десак муболаға бўлмас.

Ҳайкалтарошлик санъатидаги барча талаб ва қонуниятларга жавоб бера оладиган, қиёмига етказиб ишланган ҳайкалларнинг бир туркуми Халчаёнда топилган. Милоддан аввалги I асрга онд ҳарбий кишининг бош

қийинен тасвирланган ҳайкалда бундай жиҳатлар яққол аниқ бўлади. Маълумки, инсон гавдасининг бош қисмини ясаш ўта мураккаб жараёндир. Икки минг йил муқаддам ишланган бу ҳайкалда бош скелетнинг тузилиши аниқ амалга оширилганини гувоҳи бўлиш мумкин. Юз қиёфасидаги, пешона, бурун, кўз, лаб каби деталарининг шакллари меъёрига етказилиб ишланганлигидан ҳайкалтарош маҳорат ва малакага эга эканлиги кўриниб турибди.

Атоқли олима Г. А. Пугаченкова томонидан олиб борилган чуқур ўрганишлар натижасида Сурхондарёнинг Денов районидаги Халчаён маданий ёдгорлигидан топилган ҳайкаллар Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи борасидаги тасаввуримизни бир оз кенгайтирди. Ушбу ҳайкалларнинг кўпчилиги қисмида буддизм аломатларини кўрамиз. Буддага оид ҳайкаллар ва унга эътиқод қилиш қандай пайдо бўлган, деган савол туғилгани табиий.

Кўпгина тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, Амударёнинг энг тор жойи Афғонистоннинг ҳозирги Хайритон шаҳридадир. Дарёнинг бу бети эса Айритом деб аталади. Буддага оид ашёларнинг энг қадимийси ана шу атрофдан топилмоқда. Бу ҳол, будда дини жумҳуриятимизга шу томондан кириб келганлигини кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, қадимги маданий алоқалар, сандо-сотиклар ва шунга ўхшаш бошқа воситалар тўғрисида аجدодларимизнинг буддага эътиқод қилган вакиллари бўлган ва улар будда тимсолини ҳайкалларда тиклашган. Илк бор буддага оид ҳайкалтарошлик намуналари ана шу Айритомдан 1932 йили чегарачилар томонидан тасодифан топиб олинган. Бу ҳайкалларда мусиқа асбоблари ушлаган уч одам тасвири акс эттирилган. У ерда археолог олим М. Е. Массон 1933 йили тадқиқот ишларини олиб бориб, бир қанча ҳайкалларни топнишга муваффақ бўлади. Айниқса, булардан қўшнайдек туриб турган, иккита лапакни бир-бирига уриб турган, гулчамбар ушлаб турган ҳайкалларни мисол келтириш мумкин.

Қадимги тасвирий санъат ва буддага оид диққатга сазовор иншоотлардан яна бири Қоратепа ёдгорлигидир. Бу ердан топилган тасвирий санъат намуналарининг диннинг ўзига хос хусусиятлари ёрқинроқ мужасамлаштирилган. Шунингдек, Фаёзтепадан ҳайкал ўрнатилган ступа топилган. Бу ҳайкалтарошлик санъа-



ти қолдиқларида узоқ тарих қаъридаги бобокалонларимиз этиқоди, дини, меҳнат ва ҳаёт тарзи акс этиб турибди. Одамлар дунёқарашларининг ранг-баранг ифодаси Далварзинтепадан топилган ҳайкалларда ўзгачароқ тарада намоён бўлади. Айни пайтда Ҳамза номидаги санъатшунослик институтида сақланаётган, Далварзинтепадан топилган милоддан аввалги I асрга мансуб Деватто (будда персонажи) боши ҳамда Термиздан 30 км ғарбда жойлашган Кампиртепа ёдгорлигидан топилган Будданинг ҳайкаллари ҳар томонлама поёнига етказилиб ишланган санъат асаридир. Бу ҳайкалларни бадний ва анатомик жиҳатдан таҳлил қилиб уни яратган санъат устасига тан берасан киши. Бир қарашда нафис ва нозик хислатлар ифодаланган юз қиёфасини астойдил кузатсак, ички руҳий кечинмалар билан бурканган жиддий ва салобатли образ кўз олдимизда гавдаланади. Деватто боши ҳайкалида сочларидаги жингалак тасвирлар асарнинг гузаллигини бойитибгина қолмасдан, маънавий ва психологик жиҳатларини ўзида яшириб тургандек. Кампиртепадан топилган Будда ҳайкалининг бежирим қиёфасида эса ўйчанлик ва доншмандлик маҳорат билан тасвирланганлиги ҳайкалтарошнинг буюк санъаткор эканлигидан ҳам далолат беради. Гап ҳайкалнинг ишланиш услубидаги



ютуқлар ҳақида кетар экан, инсоннинг бош қисми тасвирланган бу асарлар калла суягининг анатомик тузилиши жиҳатларига жавоб бера олишини аниқлаб кўриш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, рассом ва ҳайкалтарошлар инсон бош қисмининг конструктив асоси— калла суяги (черп) ни мукаммал ўрганиб чиқадилар. Калла суяги бош қисм ва юз қисмга бўлинади. Рассомлар портрет ишлаш жараёнларида маълум қонун-қоидаларга риоя этадилар. Кампиртепадан топилган «Будда» ва Далварзинтепадаги «Деватто боши» ҳайкалларида бундай хусусиятларга тўла амал қилинганига гувоҳ бўламиз. Юз қисмига тегишли кўз, бурун, лаб ва ёноқлардаги ўзига хос шакллар ҳамда ҳолатлар пропорционал мувозанатларга жавоб бериш билан биргаликда аниқ, содда қилиб ишланган. Шунингдек, пешона дўмбоғи, бошнинг тепа (мия), орқа (мия) қисми,

қулоқ ва бошқа инсон бош қисмининг барча анотомик тузилишларига тўлиқ жавоб бера олади. Бундай санъат асарлари сирасига Фаёзтепадан топилган Будда ёки Будда сафдошининг бош қисми. Далварзинтепадан топилган бошига тож кийган Кушон шаҳзодаеи ва бошқа ўнлаб ҳайкалларни мисол келтириш мумкин.

Оврупонинг машҳур ҳайкалларидан методик натура сифатида ўрганилиб келаётган моделлар сафига Кампиртепадаги «Будда», Далварзинтепадаги «Деватто боши» каби ҳайкал намуналарининг нусхаларини кiritишга асос бор. Бўлажак рассом, ҳайкалтарош ва барча ихлосмандлар тасвирий санъат асарларини ўрганишларида бундай маҳаллий материаллардан фойдалансалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Дарҳақиқат, бу борада методик тавсияномалар, қўлланмалар билан биргаликда бу ҳайкаллардан нусха моделлар яратишининг вақти аллақачон етди. Зотан, ҳайкалтарошликдаги портрет жанри руҳий воқеликни янгидан акс эттириб ижод қилаётган ҳайкалтарош дунёси билан муҳрлапаётган санъатдир.

Кампиртепа ва Далварзинтепадан топилган ҳайкаллар асосан Буддага оид эканлиги ойдинлашди. Совсаноксиз ҳайкал синиқлари билан тўла Далварзинтепа археолог олимлар фикрича қадимги Кушон подшолигининг маркази бўлган экан.

Буддага оид ҳайкалтарошлик намуналари Тожикистоннинг Ажинатепа, Шутуртепа, Туркменистоннинг ғарбий чегараси Байрамалидаги Султон қалъаси ичидан ҳам топилган. Аммо бу санъат асарлари орасида Ўзбекистоннинг жанубидан топилган ҳайкаллар ҳар жиҳатдан қимматга эга.

Жумҳуриятимиз ҳудудидан топилган Буддага оид ҳайкалларни Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда яшаб Буддага эътиқод қиладиган халқларнинг санъатидан ўзига хос фарқлари ҳам бор. Биринчидан, ўлкамиз ҳудудидан топилган ҳайкаллар лой, гипс, оҳақтошлардан ишланган. Иккинчидан, ҳайкаллардаги образларнинг тузилишида ерли халқлар кўринишига хос ҳолатлар яққол сезилади. Умумий ўхшашликлар ҳам мавжуд, булар, асосан ҳайкалларнинг тақинчоқларида, жилди-роқларида, белбоғларида ва сояларини белгилашда учрайди. Усталар ва ҳайкалтарошлик санъати ижодкорлари маҳаллий халқлардан бўлган, деб хулоса чиқариш мумкин. Чунки ҳайкалларнинг юз тузилишлари, матери-

алларнинг ишлатилиши ва бошқа бир қанча ҳолатлари шундан далолат беради. Усталар, санъаткорлар бошқа ўлкаларга бориб бу санъатнинг сирларини ўрганиб келган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас. Еки ўзга эллардан келиб қолган санъаткорлар ҳам бу ишларда ташаббус кўрсатган бўлишлари мумкин. Археолог олимларнинг фикрига қараганда, ҳайкалтарошлик санъатига оид эзма манбалар йўқ бўлса-да, меҳнат қуроллари ва ҳатто устахоналар топилмоқда. Қувадан топилган Демон боши туширилган тасвирда ҳайкалтарош инсон юз қиёфасига бўртиб чиққан руҳий ҳолатни усталик билан илғаб олиб акс эттирган.



Умуман, ўлкамиз ҳудудидан топилган ҳайкалтарошлик намуналари турли ғоя ва мазмунларга, ранг-баранг кўринишларга эга. Ана шундай алоҳида хусусият кўринишлар акс эттирган санъат намуналаридан бири Самарқанд Афроснэбидан топилган, VII—VIII асрларга мансуб остодон қолқоғига ишланган одамнинг бош қисми ҳайкалидир. Ҳайкални кузатиб ўрганиш натижасида санъаткорнинг изланишлари муваффақиятли амалга ошиганини кўриш мумкин. Қизиқарли томони шундаки, ҳайкалнинг юз тузилишида ўзбек халқининг афсонавий қаҳрамони Насриддин Афанди қиёфасига хос нималариндир эслатувчи жиҳатлар бор. Ҳайкалтарош жиддий изланиш услубига эга бўлиши билан маҳаллий халққа хос образни ниҳоятда характерли чиқишига муваф-

фақ бўлган. Худди шунингдек, Самарқанднинг Тойлоқ деган жойидан остодонинг қопқоғидаги аёл боши ҳайкал тасвири, Варахшадан топилган (VI—VII асрлар) аёл қоматининг ярмидан кўпроқ қисми тасвирланган ҳайкаллар шундай миллий анъаналарни узида намоён қилади. Дарҳақиқат, ўтмиш одамлари қиёфаси туширилган ҳайкал портретларда (у қайси табақа вақилига бағишланган бўлишидан қатъи назар) воқелик ҳаққоний ифода этилади.

### Қадимги рангтасвир санъати

Ўзбекистон ҳудудига мансуб қадимги рангтасвир санъати ўзига хос бебаҳо намуналарга эга. Булардан энг қадимийлари ибтидоий Заравутсой, Сармишсой каби тасвирлар ҳисобланади. Рангтасвир санъатидаги кейинги ютуқларни қадимги кулолчилик намуналарини бўлақларида, айниқса, тупроқ остида сақланиб қолган биноларнинг деворларига ишланган суратларда батафсилроқ кўриш мумкин. Булардан, Самарқанднинг ўрни Афросиёб, Сурхондарёнинг Болаликтепа, Бухородаги Варахша, Панжикентдаги деворий рангли тасвирлар диққатга сазовордир.

**Афросиёб рангтасвир санъати.** Ҳозирги Афросиёб номи билан юритилаётган Самарқанднинг қадимги ўрнидан топилган деворий расмларда рангтасвир санъатининг ранг-баранг ва нафис намуналари мавжуд. Бу ерда образларнинг характери ва мазмуни ёритиб берилишида турли бўёқлар маҳорат билан ишлатилганлигини кўрамиз. Афросиёб рангтасвир санъатининг энг характерли намунаси шоҳ саройи кўришига хосдир. Расмларда сақланиб қолган девордаги тасвирларнинг баландлиги 2—2,5 м га тўғри келади. Узунлиги эса 10 метрдан ортиқ бўлиб, монументал хусусиятга эга. «Чулончи, катта залнинг тўла очилган жануб томонида, деворнинг шарқий қисмида кичик пирамида шаклида шартли тарзда (томошабиндан) чап томонга, қасрга қараб бораётган тантанали юриш маросими кўрсатилган. Олдинги қаторда зеб бериб безатилган чакмон кийган тўрт эркак киши тасвирланган. Сурат тўла сақланмаган: фигураларнинг белидан бир оз пастки қисми бузилган. Аста-секин қадам ташлаётган оқ фил тантанали юришни бошлаб бормокда» — деб таърифланади Самарқанд тарихи китобида. Деворий расмдаги салобатли филнинг тасвирини кузатар эканмиз ҳар бир бў-



ёқ ўз ўрнида ишлатилганлигини кўрамиз. Ранглар тасвирнинг жонли чиқишида муҳим рол ўйнаганлиги яққол кўзга ташланади. Филнинг устига махсус мўлжалланган ёпчиқдаги тасвирлар кишини беихтиёр ўзига жалб қилади. Бу тасвирларда қизғиш, сарғиш, жигарранг, айниқса ҳаворанг кўпроқ ишлатилган. Филнинг бош қисми бирмунча, орқа танаси эса тўлалигича тасвирда сақланиб қолган. Оёқлари аниқ кўриниб турибди. Филнинг устида безатилган жул бўлиб унда қанотли шер тасвирини ҳам кўрамиз, бундан ташқари бир қанча безаклар акс эттирилган. Умумий бўёқлар мажмуаси эса тўқ ҳаворанг билан қамраб олинган. Афросиёб деворий тасвирларининг кўпгина қисми сақланиб қолмаганлиги қадимшунослар ва санъатшуносларни янада изланишга жалб қилади. Филнинг устида тахтиравон, тахтиравонда оқсуяк аёл ўтирганлиги тасвирланган

бўлиши керак, деган тахминлар ҳам бор. Тасвирда сақланиб қолган, филнинг устидаги тахтиравонни битта устунчаси аниқ кўриниб турибди. Ана шу устунчаини аёл кишининг бармоқлари ушлаб турганлиги ҳам сақланиб қолган. Орқадаги тасвирлар ҳам филнинг устидаги тахтиравонда аёл кишининг борлигини тасдиқлайди. Орқада отга миниб келаётган уч нафар аёлнинг суратлари акс эттирилган. Биринчисининг тўлиқ кўриши деярли яхши сақланиб қолган.

Расмдаги образнинг энг характерли томони шарқ халқларига хос нафис ва латофатли гўзалликка эга бўлган аёл қиёфасининг гавдалантирилишидир. Аёлнинг бутун қоматида, либосларидаги ранг ва шакллarning характерлари ҳатто соч турмакларида ҳам шарқона хусусиятлар яққол кўриниб турибди. Умуман, бу деворий тасвирларда буюқларнинг ишлатилиш услубларидан кенг кўламли ва ўзинга хос фойдаланилган.

Отлардаги уч нафар аёлнинг тасвирлари бир-бирига ўхшаб кетса-да улар минган отлар ранг жиҳатидан бир-биридан фарқ қилиб турганлиги аниқ кўринади. Биринчиси, тўқ кўк отда, иккинчиси сариқ от минган, учинчи аёл эса қизил от минган бўлиб, учинчи аёлнинг тасвири деярли сақланмаган. Улардан кейинги тасвирда соқчилар, туя минган эркаклар акс эттирилган. «Қорачадан келган биринчи эркак катта ёшда бўлиб, соқоли ва мўйловига оқ тушганлиги яққол сезилиб турибди. Унинг ўсиқ қуюқ қошлари ҳам оқ. Қорамтир юзида қошоқлари ботиқ, кўк кўзлари ёрқин кўринади. Сочлари оқ боғич билан боғланган. Чап қулогида зирак бор. У ўнг қўлининг икки бармоғи билан қалъани курсатяпти. Чап қўлида учига ҳайвон боши ишланган чўқмор. Устига қизил чакмон кийган. Елкасига ташланган сариқ енгсиз кийим шамолда ҳилпирайди.

Иккинчи эркак ёш, рангпар юзли, қора соқолли ва ингичка мўйловлидир. Қора сочлари қизил боғич билан тортилган. Биринчи эркак киши сингари унинг юз тузилиши ҳам овруполикларникига ўхшайди. Катта қирғий бурунли, оғзи кичик бу кишининг ўнг қўлида сариқ (олтин) чўқмор бор. Иккала эркак ҳам узун қилич билан қуролланган. Қилич камарнинг чап томонида осилиб турибди. Уларнинг белбоғларига калта ханжар илинган. Дасталарида ёввойи қушлар бошининг тасвири солинган.

Туялар жягарранг, биринчисининг устида филларнинг сурати солинган куйгуралар билан безатилган доирасимон жул бор (Самарқанд тарихи китоби). Айнан бу тасвирлар топилган пайтида археологлар ўрганиб, юқоридагидек таърифлар беришган. Умуман Афросиёб деворий расмларининг бир неча нусхалари, Ўзбекистон тасвирий санъат музейи, адабиёт ва тарих музейларининг ҳам мавжуд. Бу суратларни кузатар эканмиз, расм деворий расмда кенг манзарани қамраб олишга интилганини илғаймиз. Тепароқда жойлашган манзарадаги оқ қушлар тасвири эса деворий суратга янада бадий мазмун киритган. Тасвирдаги оқ қушларнинг ҳаракати бир-бирига уйғунлашиб кетганки бу манзарада ўзига хос мусиқий оҳанг жаранглаб тургандек. Композициянинг рангга бой қилиб тасвирланганлигидан Афросиёб тасвирий санъати ниҳоят даражада бадий ютуқларга эга эканлигини кўрамиз. Деворий суратларнинг жуда кўп қисми турли сабабларга кўра ўчиб кетган. Лекин, шунга қарамасдан, бу суратлар мазмунини тушуниб олиш мумкин. Масалан, белигача сақланиб қолган эркак кишининг тасвиридаги салобатлилик алоҳида аҳамият касб этган. Мусаввир образга урғу бериш билан бирга унинг мартабали киши эканлигини кўрсатишмоқчи бўлган куринади.

Ғарбий деворга ишланган суратлар, айниқса, уч кишининг қимматбаҳо кийимларда акс эттирилиши оддий томошабинни ҳайратга солибгина қолмасдан, ҳар қандай санъат устасини ҳам ўзига жалб қила олиши табиийдир. Мато ва либослардаги бу тасвирларда ҳумо қуши, қанотли от, эчки, товус каби турли қуш ва ҳайвонлар анатомик тузилишига мос акс эттирилган. Бу эса мусаввир маҳоратидан дарак беради.

Кўплаб образлар, бой ва сермазмун характерга эга бўлган Афросиёб деворий расмлари нафақат тасвирий санъатимиз меросини, балки бутун шарқ халқлари тарихини ўрганишда ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

**Болаликтепа рангтасвир санъати.** Термиз яқинидаги Болаликтепа ёдгорлигидан топилган ҳашаматли саройга ўхшаш бино деворларининг тўртала томони ҳам турли кўринишдаги рангдор тасвирлар билан тўлдирилган. Кизиқарли томони шундаки, хона деворларининг тўртала томонида ишланган суратларда ҳам одамларни ўтирган ҳолатдаги кўринишлари акс эттирилган. Гиламчаларга ўхшаш тўшамчалар устида шарқона тиз чўкиб,

мусаввирлар ўз ҳунарларини тугал эгаллаган моҳир санъаткор эканликларини улар яратган тасвирларнинг меъёрига етказиб ишлаганлигидан, образлар характерларини тўлақонлилигидан яққол сезиш мумкин. Ўтмишда тасвирий санъат илғор бўлиб келган. Рассомлар доно ижодий изланиб ўз фаолиятларини кенгайтирганлар. Шунинг учун бўлса керак, машҳур мусаввир Моний номи билан ривоятлар тўқилган. Шундай ривоятлардан бирини таниқли олим П. Зоҳидов ҳикоя қилади: «Моний шаҳар дарвозасидан кирар экан ўз кўзларига ишонмабди. Қаршисида афсонавий гўзал ва файзли шаҳар намоён бўлганди. Мана, ям-яшил дарахтлар салқинида оромбахш жой—ҳовуз сувлари мавжланади. Ариқларда сув шарқираб оқмоқда. Сўлим гулзор. Зилол сувдан ичгинг келади. Ажаб! Бу тасвирийнинг сеҳри эди. Ҳатто кимдир сув оламан деб кўзасини сндирибди. Тасвир кучига қойил қолган меҳмонлар ўз касбдошлари санъатига таҳсин ўқишибди. Шу пайт Моний қўлига мўйқалам олиб, ҳовуз яқинидаги барваста итнинг расминини чизиб қўйибди. Тасвир шунчалик табиий эдики, итни кўрган киши унинг жони бор деб беихтиёр ўзини четга тортар эди. Шундан кейин Моний чуқур уйга толибди: унинг шогирдлари маҳорат чўққисини тамом эгаллаган. Энди устоз уларга нимани ўргатиши мумкин? Шундай янги ижодий уфқ топиш керакки, унга интилан сари янгидан-янги гўзаллик олами очилаверсин. Ниҳоят Моний бир тўхтама келиб, шогирдларига шундай вазифа топширибди: «Табиатни тасвирлаш бу ниҳоят эмас, агар кимки расмдаги ҳар бир чизиққа жон бағишлай олсагина у санъат калитини эгаллаган бўлади». Бу жуда оғир ва машаққатли вазифа эди. Ана шу вақтдан бошлаб наққошлар чизиқлар тилсимини очишга бел боғлабди. Неча-неча авлодлар ана шу изланиш йўлида тер тўка бошлабдилар. Натижада наққошлик асосини чизиқлар симфониясидан иборат турли орнаментлар—нақшлар эгаллаб олибди». Муҳим томони шундаки, ўтмиш ранг-тасвир санъати бой анъаналарга беҳисоб бадий қийматларга эга. Бир-бирдан бутунлай фарқ қилган ва ҳар бирининг ўзида етук санъаткорлик хусусиятлари жамланган тасвирларга дуч келамиз. Албатта, қадимги рассомларнинг барча туйғу ва фикрлари, шунингдек, ранг-ранг ижод олами ва мўйқаламининг сеҳрли тасвирлари тўла-тўқис бизгача сакланиб кел-

Шунинг учун ҳам биз уларни тўлиқ таърифлаш  
шароитига эга эмасмиз.

## III БОБ. ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ДАВРИДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ

Ислам маданияти давридаги тасвирий санъат мавзу-  
даги батафсил фикр билдиришдан олдин Марка-  
н Осиё жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги  
динлар тарихи хусусида тўхталиш мақсадга мувофиқ-  
дир. Бунинг сабаби шундаки, исломгача бўлган тасви-  
рий санъат ўтмиш диний дунёқарашлари доирасида  
шаклланган.

Одамлар турли шароитларда, турли иқлимда, турли  
минтақаларда яшаганлар. Ана шу муҳит ва шароитлар  
ҳам турли дунёқарашлар, турли динларнинг вужудга  
келишига сабаб бўлган. Динлар таркиб топар экан, ас-  
та-секинлик билан тараққий этиб, ривожланиб борди.  
Уна шу нарса эътиборни тортадики, ҳар бир дин қанча-  
лик кенг тарқалган бўлмасин, барча жойда айнан бир  
хил тарзга эга бўла олмаган. Мавжуд муҳит ва шароит-  
лар динга маълум даражада ўзгаришлар киритган.  
Динлар ранг-баранглиги худди ҳар хил ердан озиқ ола-  
ётган мевали дарахтларга ўхшаб кетади. Шунинг учун  
ҳам ҳар бир динда аниқ натижани узоқ маданият та-  
рихи асосида кўрамиз. Инсониятнинг маданият ва  
санъат тарихи ана шу динлар тарихи билан чамбарчас  
боғланган бўлиб, ўз навбатида инсоният ҳаёт тарзи ва  
тафаккури туфайли ривожланган. Ўзбекистон ҳудуди-  
да яшайдиган халқларнинг ўтмиш маънавий мероси,  
санъати бошқа халқлардаги сингари, муайян динлар-  
нинг тарихи билан боғлиқ ҳолда тараққий этган.

Ўзбекистон ҳудудида топилган осори атиқалар олис  
тарих сирларини, узоқ ўтмишдаги аجدодларимиз тур-  
муш тарзи, урф-одати, эътиқодларини кўз ўнгимизда  
образлар орқали намоен қилади. Жумҳуриятимиз ҳу-  
дудида қадимда яшаган туркий халқларимиз ҳам зар-  
душтийлик, будда, нуда, христиан ва монийлик каби  
динларга эътиқод қилганликлари маълум бўлмоқда.

Аждодларимиз тарихи биздан қанчалик узоқ бўлма-  
син уларни биз билан туташтириб турадиган нозик кўп-  
риклар бор. У ҳам бўлса санъат ва дин тарихидир.

Биз аждодларимизнинг маданияти ва санъати сир-  
ларини ўрганганимиз сари улар қолдирган излар кузга

аниқроқ ташланаверади. Уша маибаларни ўрганиб дунёқарашимизни бойитамиз. Энг муҳими тарихий далиллар асосида иш кўрамиз.

Қадимги тасвирий санъат намуналарини китобимизнинг олдинги саҳифаларида таҳлил қилганимизда ҳам кўпгина динлар билан боғлиқ мисолларни келтирган эдик. Яна шунга ўхшаш мисолларга мурожаат қилмоқчимиз. Археолог ва санъатшуносларнинг изланишлари натижасида Денов районидаги Ҳалчаён қалъадан топилган шаҳар ҳокимининг саройидаги деворий суратлар, ҳайкаллардан ташқари бинонинг бир ўзига хослигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Сарой кун чиқар томонга қаратиб қурилган ва олти устунли айвондан иборат. Бу эса халқларимизнинг меъморчилик борасидаги анъаналарининг намунаси дир. Яна шундай қизиқарли далил: Ўзбекистоннинг кўпгина жойларида муқаддас олов ёнган ибодатхоналар ўрни топилган. Оташнарастлар ибодатхонасидаги ҳамма нарса, ҳатто ёниб турадиган оловдон ҳам жуда чиройли ишланган. Қизиқарли томони шундаки, санъат ашёлар анъаналар билан уйғун. Бу анъана, яъни мангу олов ёқиш асли юртимизда расм бўлган. Кейинчалик бутун Оврўпони айланиб яна ўзимизга қайтиб келган. Ҳозир ҳайкаллар пойига мангу олов ёқмоқдамиз. Биз ҳозирга қадар диний меросга бегона назар билан қараб келдик. Бироқ, диний урф-одатлар, саждагоҳлар, ибодатхоналар ҳаётини анъаналаримизнинг илдизлари гоёт қадимий эканини ишонарли далиллар билан исбот этади, халқ ижоди ҳеч тиним билмай ривожланганини кўрсатади. Умуман, динлар тарихи тасвирий санъат тарихи билан чамбарчас боғлиқ эканлигини жаҳоннинг бошқа динларида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан: христиан динида санъат тарихини диндан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Муқаддас китоблардаги ривоятлар рангтасвир асарларида, ҳайкалларда ўз ифодасини топган. Диндорлар, ҳукмдорлар букортмаси билан ажойиб санъат асарлари дунёга келганки, улар асарлар оша яшаб, ҳозирга қадар кишиларни ҳайратга солади.

Уйғонини даврининг машҳур ҳайкалтароши Микеланжело Мусо пайғамбарнинг илоҳий образини яратди. Шу замонда Рафаэлининг Сикет черкови учун ишланган «Сикет Мадоннаси» сурати гоёт қадрланган. Табئيки, улар тасвирий санъат асарларидир.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида

ислом дини кириб келгунга қадар гоя, фикр, шунингдек, эътиқоднинг барча кўришилларини фақатгина тасвирилар орқали ифодалаган қадимги динлардан бири Монувийлик ҳисобланади. Бу ерда масаланинг нозик томони шундаки, монувийлик эътиқодида олга сурилган ахлоқий ва маънавий қарашлар фақатгина тасвирий санъат намуналари билан узвий боғлиқ бўлган. Унинг асосчиси ҳам тасвирий санъатнинг буюк вакили Моний эди. Моний асли Марказий Осиё, жумладан қадимги Самарқандда яшаб ижод этган. Унинг таълимоти натижасида монувийлик дини билан боғлиқ улкан тасвирий санъат мактаби юзага келади. Араб босқинчилигидан сўнг Моний (монувийлик эътиқоди) мактабининг вакиллари Қашқарга кетиб қолишган. Демак, ислом дини анъаналарига, ақидаларига, айниқса шариаат пешволарининг гоёсига мос келмаган монувийлик (Моний тасвирий санъати мактаби) ва унинг вакилларини асли хитойлик деб таърифлашлари ҳақиқатга зиддир.

Саркарда Қутайба ибн Муслим 712 йилда, Самарқандни забт этган кун иташпарастлар ибодатхонаси олдида ёғочдан ўйиб ишланган тилла, кумуш ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган кўплаб ҳайкаллари ўтга ташлайди. Бу кул орасидан 50 минг мисқол (200 килограммдан ортиқроқ) тилла ва кумуш йиғиб олишгани ҳақида маълумотлар ҳозирга қадар маълум. Қадимги диний анъаналарни халқ жуда қадрлагани, эъзозлаб давом эттирганлигини тарихчи Наршахий шундай ҳикоя қилиб беради: «Дурадгорлар ва наққошлар у йилдан бу йилгача бут йўниб, белгиланган кунда шу бозорга келтириб сотишар ва халқ уни сотиб олар экан. Ҳар қачон у бут йўқолса, синса ёки эскирса шу бозор кун и боиқасини сотиб олар ва эскисини ташлар экан». Бундай анъаналар араблар босқинидан сўнг бир неча ўн йиллар давом этгани турли тарихий китобларда ёзиб қолдирилган. Хуллас, ислом маданияти даврида мураккабликлар мавжуд бўлишига қарамасдан тасвирий санъатнинг турли ўзига хос камолотга эга бўлган намуналари юзага келади. Бу даврда ҳам тасвирий санъат ўз характери ва моҳияти жиҳатидан ислом дини гоёлари билан бойинди ва ривожланди. Сақланиб қолган қулъэзма китоблар ва тарихнавислар далолатларига кўра, асосан, тасвирий санъат китобат санъати билан боғлиқ ҳолда кенг тараққий этади. Яна шу нарса диққатга са-

зоворки, қоғоз тайёрлаш санъати Самарқандда араблар келгунга қадар маълум ва машҳур бўлган, шунинг учун ҳам муқаддас китобларнинг купчилик қисми ана шу Самарқанд қоғозларига битилган.

Диний ва бошқа барча соҳадаги китобларнинг тасвирлар, безаклар билан нафис қилиб безатилиши ислом маданияти давридаги тасвирий санъатнинг катта қисмини ташкил қилади.

X асрларгача турли қарама-қаршилиқлар бўлишига қарамасдан айрим меъморчиликларда тасвирий санъат қўлланилиб келинди. IX—XI асрларда Сомонийлар, Ғазнавийлар ва Салжуқийлар империялари вужудга келиб, уларнинг марказий шаҳарлари Бухоро, Ғазна, Марв, Нишопур каби жойлар маданият ва санъат марказига айланди. Ана шу даврда Беруний, Ибн Сино, Ҳайём, Маҳмуд Қошғарий, Рудакий, Фирдавсий, Низомий каби алломаларнинг китобларига мусаввирлар томонидан бадий безаклар, миниатюра тасвирлар ишланган.

XI—XII асрларга келиб эса тасвирий санъат амалий безак санъати билан уйғунлашган ҳолда бой зодагонлар, ҳокимларнинг қаср ва боғларидаги биноларни деворларида, шунингдек хонадонларга кенг кўламли гузаллик бахш этиб кириб кела бошлади. Умуман, бу даврлар тасвирий санъатининг асосий қисми бизгача деярли сақланиб қолмаган бўлса-да у намуналарининг маълум ва машҳурлиги купчиликка сир эмас.

### Темурийлар даврида тасвирий санъат

Санъат тарихининг энг катта ва ўзига хос тараққий этган даври бу асосан Темурийлар даври ҳисобланади. У давр санъатининг серқирралиги шундаки, кўпгина халқлар ўртасида шаклланган тасвирий санъат мактаблари марказлашган бир қиёфасини айлан шу Темурийлар даврида топади. Турли анъаналарга, услубларга эга бўлган тасвирий санъат мактабларининг яқинлашуви уйғунлашган илғор Самарқанд мактаби шаклланишига сабаб бўлади. Тасвирий санъат намуналарини турли ўлкалар бўйлаб тарқалиб кетиши уни тўла характерини ёрита олиш имкониятини бермасди. Аммо XIV—XV асрларга келиб қўлёзма китобларнинг қайта кўчирилиши патижасида кўплаб тасвирий санъат намуналари юзага келади ва улар китобат санъатини

дада бойнади. Бу даврда яратилган миниатюраларнинг катта бир қисми мураққа, яъни альбомларга ишланган асарлардир. Бу асарларда асосан шоҳ, саройдорнинг ҳаётини воқеалар тасвирлаб берилади. Муҳим шундаки, бу мураққа — альбомларга ишланган миниатюра тасвирлар мустақил, яъни эркин ижодий тасвирини санъат асарлари ҳисобланади.

Умуман Соҳибқирон Амир Темур даврида тасвирий санъат ижодда тараққий этганини таъкидламоқ

Маълумки, Темур ўз даврида Самарқандни улкан маданият марказига айлантирган эди. Уша замонларга оид нафис миниатюра расмларнинг катта қисми Париж, Мюнхен, Лондон, АҚШнинг кўпгина шаҳарларида, Санкт-Петербург, Масков, Техрон, Қоҳира, Афғонистон, Ҳиндистон, Мўғулистондаги музейларда сақланмоқда. Булар ҳақида кўпгина олимларнинг маълум даражада фикрлари бор. Аммо, Темур даврида яшаб ижод этган тасвирий санъат усталарининг ҳаёти, фаолияти ҳақида китоблар бор-йўқлиги бизга номаълум. Бироқ бу борада ҳам кўплаб тарихчи санъатшунослар ўз илмий фикрларини келтиришадди.

Самарқанд тасвирий санъат тарихи жуда олис-олисларга бориб тақалганини биз китобимизнинг бундан олдинги саҳифаларида гувоҳи бўлдик. Темургача бўлган даврдаги тасвирий санъатнинг илғор маҳаллий вакиллари ижоди монувийлик йўналишига мансуб эди. Уша даврда Самарқанд ҳозирги Афросиёб номи билан юритилган хароба ўрнида эди. Мўғуллар истилосидан сўнг у ерда яшаётган халқ, жумладан ижодкорлар Самарқанднинг Темур давридаги ўрнига кўчганини маълум. Шундай қилиб, Самарқандда шарқона тасвирий санъат мактабининг шаклланишига асос яралди. Аммо бу санъат мактабининг тўлиқ шаклланиш тарихини Амир Темур маданият алоқалар ўрнатган давлатлар ва халқлардан ташқари Самарқанднинг темурийларгача бўлган тасвирий санъат мероси билан ҳам боғлиқлигини инкор қилолмаймиз. Қадимги Юнонистондан келган Адаксандр Македонский билан боғлиқ таркиб топган тасвирий санъат борасида олдинги саҳифаларда тўхталган эдик.

Амир Темур даврида ижод этган тасвирий санъат усталаридан машҳур устод Гуинг тахминларга қараганда монувийлик тариқати вакилларида таълим олган бў-

лиши мумкин. Устод Гунг Темур даври тасвирий санъат мактабининг асосчиси бўлган. Амир Темурнинг узи яшаган даврдаги мусаввирлардан бухоролик устод Жаҳонгир, бағдодлик Абдулхай ва устод Шамсиддин, табризлик Пир Саид Аҳмад, самарқандлик Аҳмад Боғишамоллий, Шоҳ Муҳаммад Тамимий ва бошқа тасвирий санъат вакилларининг Самарқанддаги ижодий фаолиятини қайд қилиш мумкин. Темур фаолиятидан сўнг эса Самарқандда Мирзо Улуғбек даврида тасвирий санъат янада ривожланди. Темурийлар даври нафис тасвирий санъати ҳақида ўзларининг «Миниатюра тарихидан лавҳалар» китобида Н. Норкулов, И. Низомиддиновлар шундай ҳикоя қилишади: «Деворга сурат чизиш санъати Мирзо Улуғбек замонида янада юқори поғонага кўтарилди. Тарихнавислар унинг Чилсутун чорбоғида Чинихона қасричи ниҳоятда гўзал қилиб қурдирганини ёзадилар. Абдураззоқ Самарқандий Мирзо Улуғбек расадхонасининг хоналари деворларида тўққиз осмоннинг кўриниши, осмон гумбазлари даражалари, минут ва секундлар ва ҳоказо улушлари тасвирий. етти ёритқич сайёра, собита юлдузлар, иқлимлар, тоғ, денгиз, саҳро ва шуларга онд буюм ва жониворлар сурати гоёт нафис ва жонли нақш этилганини ёзади». Шундай қилиб, темурийлар замонасида шарқона миниатюра санъатини бир қанча мактаблари ва унинг буюк ижодкорлари юзага келди. Натижада, темурийлар даврида шаклланган нафис тасвирий санъатининг додруғи жаҳонга ёйилди.

Ўтмиш тасвирий санъати ҳақида фикр юритар эканмиэ бугунги кунда кўп қўлланилаётган миниатюра сўзининг ўзига қисман тўхталиш лозим. Бу ибора деярли XIX аср бошларигача ишлатилмаган. «Миниатюра» — китобга ишланган сурат (мўъжаз сурат) ёки кичик ҳажмдаги нафис тасвирларга нисбатан ишлатилиши анъанага айланиб қолди.

Педагог олим А. Сулаймоновнинг таъкидлашича «миниатюра» сўзи тўрт хил маънони англатади. Улардан учтасини ва умумлаштирувчи луғавий маъносини бевосита миниатюра санъатига тааллуқли деб қараш мумкин. Яъни: умумий маъноси қадимдан қўлёзма китобларнинг бош ҳарфларини ранглаш, нақшлаш учун ишлатиладиган қизил бўёқ (киновар);

— ўрта асрларда яратилган қўлёзма китобларига ишланган кичик лавҳа ёки китобнинг бутун бетига иш-

данган иллюстрация шаклидаги кичик ўлчамдаги мўъ-  
жаз рангли тасвир (рангтасвир);

— кичик ўлчамдаги рангтасвир асари ҳар хил ма-  
териалга (суякка, металга, матога) нозик, нафис қи-  
яиб ишланган иш (асар). Демак, «миниатюра» ибора-  
сини сувозма китобининг таркибий бадиий-график қисми  
бўлиши барча элементлари, хоҳ у кичик лавҳа бўл-  
син, хоҳ бутун бетни, айрим ҳолда икки қўшни бетни  
ишлаган иллюстрация, нақшинкор тасвирларга ис-  
батан қўлланган ибора деб қараш мумкин.

Шундай қилиб, ўтмиш тасвирий санъатининг шу йў-  
налиши кўринишига исбатан миниатюра ибораси кенг  
ислатилиб келимоқда. Шарқ, жумладан Марказий  
Осиё халқларининг тасвирий санъатидаги миниатюра  
дан ўзига хос намуналарига эга. Бу борада тасвирий  
санъатимиз тарихида ўзининг ноёб намуналари ва аж-  
ноб санъат вакилларини юзага келтирган Ҳирот «Ни-  
гористон» (нафис санъат академияси) мактаби жаҳон  
тасвирий санъати мактаблари ичида олдинги сафларда  
туради. Айнан шу мактабда Камолiddин Беҳзодек  
буюк рассом камолга етган. Бу мактабнинг моҳияти ва  
маъмуини аниқроқ тушуниш учун унинг маъносини таҳ-  
лил қилмоғимиз керак. «Нигористон» иборасига кел-  
ганда айтиш лозимки, бу нигорлар, чеҳралар, қиёфалар  
демакдир. Бинобарин, ибора мазмуни иссон қиёфаси,  
иссоннинг чеҳрасини аяглаш билан чегараланиб қол-  
майди. Назаримизда бу ибора табиат ва жамиятда бў-  
лган воқеа, кўринишларни моҳиятини очиб берувчи  
тасвир маъносини беради. Юқоридаги фикрга таяниб,  
«Нигористон» нафис санъат мактабининг ижодий йў-  
налишини замонавий лугатларимиздаги тасвирий санъат  
атамасига мос десак, мақсадга мувофиқ бўлади. Бирок,  
«ушунга манбаларда айтилган фикрлар бу мавзуни  
кенироқ тадқиқ этишни тақозо қилади. Масалан, ман-  
баларда «қаламнигор» иборасини кўп учратамиз. Бу  
ўт маъноси эса ҳозирги «қаламтасвир» атамасига яқин.  
Бундан ташқари «чеҳракушо» ибораси айрим мусав-  
вирларга исбатан ишлатилган. Масалан, Камолiddин  
Беҳзодининг шогирди Қосим Али чеҳракушо санъати-  
нинг устаси деб юритилган. Бу эса бевосита иссоннинг  
чеҳрасига хос маъно бўлиб, замонавий «портрет» санъа-  
ти иборасининг мазмунига тўғри келади.

Хўш, «Нигористон» мактабининг шаклланиш тарихи  
қандай келиб чиққан?

Ҳиротда тасвирий санъат гуллаб-яшнашига Амир Темур даврида шаклланган Самарқанддаги тасвирий санъат мактаби замин яратган эди. Иккинчи график тасвирни таҳлил қилиш орқали ўша давр тасвирий санъат тарихи мазмунини англашимиз мумкин.

Самарқандда шаклланган тасвирий санъат мактаби Ҳирот орқали жаҳон халқлари маданиятига таъсир ўтказганини алоҳида қайд этмоқ керак. Олим Наим Норқуловнинг маълумот беришича, Бойсунқур Мирзо Ҳирот нафис ва тасвирий санъати анжумани (академияси) ни тузган. Умлари жаҳон тасвирий санъати тарихида муҳим ўрин эгаллаган Хўжа Ғиёсиддин Ҳаравий, Амршоҳий Сабзаворий, Мирак Наққош, Ҳалил Мирзо Шохруҳий, Султон Иброҳим, Султонали Машҳадий, Мавлоно Жаъфар Турбатий Ҳирот академияси ташкилотчилари эдилар.

Бойсунқур Мирзо Ҳиротда нафис санъат мактабини яратишда бутун Шарқ халқлари маданияти дурдоналаридан фойдаланди. Бу ишда унга отаси Шохруҳийнинг қўшни мамлакатлар билан кенг кўламда олиб борган савдо, дипломатик ва маданий алоқалари катта ёрдам берди. Хуллас, бу мактаб Нигористон номи билан ҳам машҳур бўлди.

### КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД

Шарқ тасвирий санъатининг йирик намоёндаси, мўй-қаламининг сеҳри билан нафосат оламига нур бахшида этган буюк мусаввир Камолиддин Беҳзоднинг номи жаҳон тасвирий санъати тарихида алоҳида ўрнини эгаллайди. Афсуски, бизгача Беҳзоднинг ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида жуда кам маълумот сақланиб қолган. Бунинг турлича сабаблари бор. Биринчидан, мусаввир яшаган замон ҳийла мураккаб бўлиб, бу давр алломалари тасвирий санъат ҳақида батафсил адабиётлар ёзиб қолдиришолмаган. Хуллас, Беҳзод яшаган даврда ҳам тасвирий санъат маълум бир плм ва санъат вакиллари, шоҳ саройлари атрофидагина эътиборга тушган, холос. Халқ орасида эса тасвирий санъат асарларининг ёйилишига етарли имконият бўлмаган. Шундай қилиб, мусаввир ижодий ҳаёти қаламга олинган манбалар жуда оз, ҳатто Беҳзоднинг туғилган йили ҳақида ҳам мунозаралар мавжуд.

Кейинги даврда бир қанча чет эл тарихчиларидан ташқари ўзбекистонлик санъатшунослар ҳам Беҳзод ҳа-

хона таъқиқотлар яратишди. Булардан, айниқса, Ҳамид Сулаймонов, Галина Пугаченкова, Наим Норқулов, Илос Низомиддинов, Ориф Усмонов, Фозила Сулаймонова, Шейхит Абдуллаев, Абдумажид Мадраимов ва бошқа олимларнинг изланишларини эслаб ўтиш жоиз.

Таъқиқотчиларнинг тахминларига қараганда, Камолиддин Беҳзод 1455 йили Ҳиротда касиб-ҳунарманд оиласида дунёга келган. Жуда эрта етим қолган. Бироқ, унинг ёшлиги қандай кечгани тўғрисида маълумотларга эришганимиз. Ҳатто, О. Усмоновнинг таъкидлашича, «Беҳзод» рассомнинг асл исми, таҳаллусими ёки унинг исми «Камолиддин»ми—булар ҳозирча бизга қорини.

Шундай қилиб, мумтоз мусаввир Камолиддин Беҳзоднинг буюк санъаткор бўлиб етишишида дастлаб ана шу «Нигористон» тасвирий санъат академиясининг таъсири ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Бу мактаб билан шўхрат қозонган ўз даврининг машҳур устаси мусаввир Мирак Наққошининг ижодхонасида Камолиддин Беҳзод таълим олганлиги маълум. Камолиддин Беҳзод яшagan даврдаги Ҳирот муҳити, жумладан тасвирий санъатнинг ўзига хос шаклланиши мусаввирнинг ижодий раънақига ҳисса қўшганини юқоридаги далиллар исботлайди. Бу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак. Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг раҳнамалиги тufайли Камолиддин Беҳзоднинг санъат сирларини ҳар томонлама ўрганишига ва ўсиб улгайишига кенг имкониятлар яратилган. Беҳзод маданият ва санъатнинг раҳнамаси Алишер Навоий даҳосидан етарлича баҳраманд бўлганлиги кўпгина адабиётларда таъкидланган. Ўз давридаёқ, Алишер Навоий портретини яратиш борасида Камолиддин Беҳзод самарали ижод қилади. Шунингдек, Навоийнинг ҳаётига бағишланган ва Навоий портрети тасвирланган асарлари тufайли Ҳирот маданият оламида танилади. Аста-секин Беҳзод Ҳиротда катта ҳурматга сазовор бўла бошлайди. У 1487 йили Хуросон ҳукмдори Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротдаги кутубхонасига раҳбар этиб тайинланади.

Буюк рассом шарқ алломалари Шарофиддин Али Яздий, Абдурахмон Жомий, Амир Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий, Низомий Ганжавий каби мутафаккирларнинг асарларини тасвир орқали янада жонлантирди, тарғиб этди. Таъқиқотчилар Наим Норқулов, Илос Низомиддиновнинг «Миниатюра тарихида лавҳалар» ном-

ли китобида шундай қизиқарли фикр ва маълумотларга дуч келамиз: «Швед санъатшунос олими Ф. Мартин устод Камолиддин Беҳзоднинг Султон Ҳусайн Мирзо чорбоғидаги ижодхонасини қўйидагича тасвирлайди: «Шарқ қуёши Беҳзод учун қурилган шинам хужрани нурга фарқ этади. Бу ерда наққош пастаккина қия курси (пюпитр) устида энгашиб ишларди. Курсининг тортма хоначаларида шоҳ асарлар яратиш учун зарур бўлган ҳамма нарса муҳайё. Бундай асарларни Овруро санъат қончалари жамоалари XV аср Италия ва Нидерландия мусаввирларининг подир асарларини қандай тарзда бўлиб қидирган бўлсалар, шунчалик иштиёқ билан қўлга киритишга иштишлари шубҳасиз. Тўғри, Беҳзод овруполик мусаввирларникидек кенг ва қулай устахона (студия)га эга бўлмаган. Унинг иш жойи оддийгина бир хужра бўлиб, оқ мрамор деворлари моҳир шарқ хаттотлари томонидан қуръон калималари билан музайян этилган. Хужрада буйра тўшалган. Бурчакдагилам устида бир нечта ёстиқ. Бу меҳмон ёки муҳлислар учун қўйилган эди. Хужра орқаси боғ, сокин сувли ҳовуз, ундан нарироқ — гулзор ва дарахтзор. Шафтолилар пишиб, ишқомдаги олтиндай товланган ўзум бошлари сийрак барглари орасидан мўраларди. Хужра атрофида атиргуллар чамандек очилиб ётарди. Минглаб турли-туман гулларнинг қийғос очилганидан уларнинг барги кўзга ташланмас эди. Шу муҳитда Беҳ-



зод ўтириб, нозик мўйқалами билан сурат чизарди. Нозик мўйқалами ундан илгари ҳам, кейин ҳам ҳеч бир мусаввир Беҳзодчалик ишлатишга муваффақ бўла олмаган». Беҳзод ва шу даврда унинг замондошлари тасвирий санъатда эришган ютуқлар кейинчалик бутун жаҳон санъат ихлосмандлари диққатини ўзига тортди. Айниқса, буюк мусаввир томонидан яратилган портретлар ўз даврида машҳур бўлиб қолмасдан, жаҳон

асарлар иҳлосмандлари эътиборини ҳамон ўзига жалб қилади келмоқда. Камолиддин Беҳзод томонидан яратилган XV асрнинг 80- йилларига мансуб Алишер Навоий билан Султон Ҳусайннинг мадрасадаги қиёфалари ва эътирилган миниатюралар «мураққа», яъни тасвирий санъат альбомларидаги миниатюралар эътиборга муносиб. Бу миниатюраларда табиат кўрinishлари фотосизда устоз ва шогирдлар ўртасидаги самимий мулоқотлар шайти акс эттирилгандир. Мазкур асарлар айтилган Санкт-Петербург шаҳридаги Салтиков-Шедрин номлидаги кутубхонада сақланади. Умуман, рассом портрет санъати борасида бебаҳо ютуқларни қўлга киритган. Жумладан, Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Шайбонийхон, Абдурахмон Жомий портрет-асарлари орқали тенгсиз санъаткор эканлигини исботлаган.

Султон Ҳусайн Бойқаро портретида шоҳнинг гавдаси тўлалигича тиз чўкиб ўтирган ҳолатда тасвирланган. Асардаги бош қиёфа ва тана гавдасининг бошқа бўлақларидаги гармоник нафис тузилишларни кўпчилик ўқувчилар санъатшунослик жиҳатидан таҳлил қили олмасалар-да, асар ҳар қандай томошабинни ўзига жалб қилади. Картина марказини аниқлаб, оддий геометрик шакллар орқали таҳлил қилиб кўрганимизда ҳам гармоник жиҳатдан асар мукамал эканлигини гувоҳи бўлдик. Бундай таҳлил портрет ҳар жиҳатдан биркамол бўлиши билан биргаликда гўзаллик рамзининг талабларига жавоб бера олишини кўрсатади. Бу ҳақ мусаввирнинг тасвирий санъат сирини асрорларини маҳорат билан эгаллаб амалда қўллай олганлигини билдиради. Портретда шоҳона либоснинг ниҳоятда безакларга бойлиги, елка ва кўкрак олди нақшлар билан безатилган алфозда тасвирланганлигига гувоҳ бўламиз. Бу жиҳатларни кузатар эканмиз, Беҳзод замонасининг наққошлик санъатига яна бир бор таъбиқ берамиз. Нақшлар бир-бирига шундай уйғунлашиб кетганки, сиз уни астойдил кузатиб ўргансангиз ҳам қайси нақшнинг қайси нуқтадан бошланиб ва қандай нуқтада тугаши-ни тона билмасиз...

Дарҳақиқат, портретда, оддий бир ҳолат бўлса-да, инсон танасига хос мутаносибликлар мусаввир томонидан гоёт усталик билан кўрсатилган. Мутаносибликлар портретнинг деярли барча бўлақларида ўзига хосдир. Киприк, қош, қўл бармоқлари тасвири бир-бирига мо-

панд кийимдаги нақшин безаклар билан уйғуллашиб кетган. Умуман, портрет орқали Камолиддин Беҳзод ўз даври кишилари ва уларнинг маънавий олами ҳақида бизга бебаҳо маълумот қолдирганлиги асарнинг яна бир қимматли томонидир. Ҳозирги пайтда Швециянинг миллий галереясида сақланаётган бу портретнинг асл нусхаси швед санъатшунос олими Ф. Мартининг шахсий коллекциясидан жой олгани маълум. Ҳозирда бу портрет нафақат рассомни, ҳатто Хуросон подшоҳи Ҳусайн Бойқарони ҳам машҳур қилиб юборди. Мана шундай диққатга сазовор портретлардан яна бири 1507 йилда яратилган Муҳаммад Шайбонийхон суратидир. Бу асарда тиззаларига икки қўлини таяган, чордона қуриб ўтирган мағрур ҳолатда Шайбонийхоннинг салобатли образи гавдаланади. Ушбу қўлида ўқ-ёй отганда тақадиган ҳалқа ушлаб турган бўлиб, бу эса унинг маҳоратли жангчи эканлигидан далолат беради. Олдидаги сиёҳдон ва шунга ўхшаш буюмлар билим эгаси, маърифатпарвар киши эканлигини кўрсатади. Асар АКШ даги коллекционерлар қўлидадир.

Мусаввирнинг «Султон Ҳусайн сафарда» деб номланган яна бир машҳур асарида Ҳусайн Бойқаронинг сафар чоғидаги ҳолати акс эттирилган. Онда келаётган Султон ва унинг атрофидаги мулозимлари, уларнинг хатти-ҳаракатлари, айниқса, гавдаларнинг тўлиқ ва ғайратли тасвирлангани Камолиддин Беҳзоднинг миннатиора санъатидаги жозибали ютуқларидандир. Табнат манзарасининг нафис ва нозик кўринишлари, ҳатто булувларнинг ўзига хос талқини асар композициясининг мазмундор бўлишига хизмат қилган. Асарда Ҳусайн Бойқаро ўзи учун ўрнатилган саронардаги келаётган пайти акс эттирилган. Умуман, Камолиддин Беҳзоднинг асарларида санъатнинг нафис қирралари — бўёқларнинг ўзига хос ишлатилиши аниқ-тиниқ кўзга ташланади.

Мусаввир ижодидаги санъаткорликнинг сирли замонавийликнинг ҳақиқий акс эттира олганида ҳамдир. Бунга Камолиддин Беҳзод ҳаётийлик ва табиийликни самимий ҳамда уйғун кўрсата олиши билан эришган. Рассомнинг портретларидан ташқари кўплаб образ ва манзараларни ўз ичига олган асарларининг мушоҳадаси шундай фикрларга келишимизга асос бўла олади. 1495 йили Ҳиротда Низомийнинг «Ҳамса»си қайта кўчирилган ҳамда бунга Камолиддин Беҳзод томонидан бир

канча миниатюра расмлар ишланган. Ҳозирги пайтда Лондондаги Британия музейида сақланаётган бу қўлёзма ва ундаги мўъжаз тасвирлар санъатимиз тарихида алоҳида аҳамиятга эга. Унинг шу туркум асарларидан бири Мачит қурилиши композицияси диққатга сазовордир. Бундан ташқари, «Хамса»га шиланган «Искандар ва етти донишманд» номли машҳур асари ўзига хос бир бадний киймат касб этган. Асарда донолик, зукколик инсон тафаккурига хос фалсафий қарашлар тимсоллари билан бирга, меъморчиликдаги амалий безак санъати, шарқона муҳитга хос гўзал ва нафис турмуш манзараси жозибали тасвирланган. Табиат кучоғида шарқ алломаларининг анъанавий давра суҳбати акс эттирилган. Бу суратдаги ҳар бир образда камтарона такаллуф, зукколик каби нозик инсоний хусусиятлар яққол сезилиб турибди. Айниқса, суҳбатдошларнинг бир-бирига ўта ҳурмат билан мулоқотда эканликлари томошабинда ўзгача ҳайрат уйғотиши табиий.

Хиротда шаклланган нуфузли санъат мактабида Камолиддин Беҳзод ушлаб мусаввирларга устозлик қилди. Умуман, Беҳзод ижодининг оламшумуллиги шундаки, у улмас мактаб ярата олди. Унинг ижодидан илҳомланган Қосим Али, Султон Муҳаммад, Музаффар Али, Юсуф Мулло, Рустам Али, Мирсаид Али, Маҳмуд Музаҳҳиб, Абдулло каби кўпгина мусаввирлар миниатюра санъати ва китобат санъати равнақи учун хизмат қилдилар. Хуллас, буюк мусаввир ижодида шундай нуқталар борки, уларни кузатиб санъат асарлари фақат ташқи дунёни билиш учунгина яратилмаслигини уқасиз. Бу асарлар одамларда ҳис-туйғу қўзғатади. Замоняга, давр тартиботларига нисбатан муносабатни шакллантиради. Беҳзод ва унинг илғор замондошлари ижодида дунёвий мавзу етакчи ҳисобланган. Бу мактаб ижодкорлари исломдан аввалги даврларга ҳам назар ташлай олганлар. Шундан илҳомланиб, улар ўз замонлари мафкураларига зидроқ бўлса-да, дадил фаоллият олиб борганлар.

### Миниатюра ва китобат санъати

Шарқ халқлари маданияти тарихида миниатюра ва китобат санъатини айри тасаввур қилиш мумкин эмас. Ўтмишдаги қўлёзма ва китобларнинг саҳҳофлик (муқовасоз, саҳифаларни тўнлаб китоб ҳолига келтирувчи) санъатидан тасвир берувчи (китоб мазмуни билан боғ-

лаб сурат чизиш, суратлаш) устасигача бўлган барча вакиллари қўлёзма китобнинг ҳар жиҳатдан мазмунги бой бўлиши учун санъаткорона меҳнат қилишган. Албатта, ҳар бир санъат устаси рассомона ижод қилган. Шунинг учун ҳам улар яратган ҳар бир безак, тасвир гўзаллики, эзгулики ўзида мужассамлаштиради. Қўлёзма китоблардаги нақшларда табиат бағридаги гул ва дарахтлар ва бошқа турли мавжудотларнинг ранги, шакли ўз аксини жамлаштирганни кўрамиз. Шу ўринда, китобат санъати усталарининг ўз давридаги атамаси, яъни помланиши ҳамда улар бажарган вазифалари ва фаолияти ҳақида тўхталмоқ жоиз.

1. Варроқлик — китоб тузиш учун қоғоз тайёрловчи.

2. Саҳҳоф — муқовасоз, саҳифаларни тўплаб китоб ҳолига келтирувчи.

3. Тасвир — сурат чизиш, суратлаш (мусаввир).

4. Тазҳиб — олтин ранг билан нақшлаш.

5. Тажлид — қимматбаҳо китобларга чарм ёки бошқа бир қимматбаҳо матодан жилд ясаш.

6. Вассол — тўзиган китобларни қайта тикловчи (реставратор) таъмирловчи.

7. Зарафшон — саҳифалар ҳошияси ва ёзув ораларига олтин ва кумушранг пуркаб безатувчи.

Юқорида кўрсатилган вазифалар адо этилганидан сўнг китоблар битниши иши ниҳоясига етказилган ҳисобланади. Худди шу жиҳатдан Низомийнинг «Хамса»сига ишланган расмлар тасвирий санъат тарихида алоҳида ўринда туради. Бу китобга санъатшунослар фикрига қараганда, 2000 дан ортиқ миниатюралар бағишланган. Низомий «Хамса»сига ишланган санъат асарларининг катта қисми Камолиддин Беҳзод замонасидаги «Нигористон» мактабининг маҳсулотидир. Бу миниатюралардаги позик тасвирланишлар чуқур психологик характерга эга. Низомий «Хамса»си воқеаларидан таъсирланиб у давр рассомлари китобга мослаштирилган тасвир яратиш билангина чекланмайдилар. Балки ҳар бир миниатюра китобдаги воқеаларга боғланса-да, ўзинга хос мустақил асар сифатида шаклланади ҳам. Қўлёзманинг деярли кўпгина саҳифалари жуда нафис, заррин ва рангдор бўёқларда ишланган. Умуман, бундай китобларга ишланган миниатюра тасвирлар ва уларнинг бадийи безатилиш жараёни кўп вақт талаб қилган. Чунки бу китоблар маълум бир шоҳ саройлари ва унинг вакиллари учун қайта кўчирилган. Ана шу жараёнда ўз даврининг

шоирлари бу қўлёмаларни имкон қадар тасвирлар билан оёқитишга ҳаракат қилганлар. Низомийнинг аҳамиятига Ҳиротдаги санъат усталаридан ташқари Шероф, Нефахон, Бухоро ва Ҳиндистоннинг бир қанча иқтидорли мусаввирлари тасвир ишлаганлар. Бу китобни ҳар жиҳатдан мазмуни ва гузалликка бои бўлишида устозларнинг қўшганлар. Китобат санъати ҳақида сўз кетар экан, Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар ва бадий безакларнинг қиммати алоҳида таъкид қилиш керак. Навоий асарларига ишланган миниатюралар мазмуни мазмуни кенгайиб боради. Бу эса шу давр таърихий санъатининг ниҳоят даражада гуллаб-яшнаганини кўрсатади. Миниатюрачи рассомлар ижодида инсон қиёфаси, табиатнинг, турли жониворларнинг кўринишлари юксак дид, ўта маҳорат билан ишланган. Алишер Навоий илм ва санъат вакилларига ҳар томонлама раҳнамолик қилади. Қўлаб алломаларнинг китобларини қўлдан кўчиртиради.

Навоий даврида Ҳиротда хаттотлик санъати намояндалари Мир Али Табризий, Султон Али Машҳадий, унинг шогирдлари Муҳаммад бин Нур, Дарвеш Муҳаммад Тоқий, Султон Муҳаммад хандон, Дарвеш Муҳаммад Самарқандий, Абдужамил кабилар фаолият кўрсатган. Булар орасида Султон ул-хаттотон, Қиблат ул-кўтуб номини олган Султон Али Машҳадий алоҳида ўрни эгаллайди. Алишер Навоий қўлёмма китобларига ишланган суратларда шоирнинг маънавий қиёфаси ўз аксини тўла-тўқис толганини кўради.

Албатта, бу ўрнида, Навоий портрети қайси рассомлар томонидан яратилганлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Улбек шеърятининг султони Алишер Навоий образини Камолiddин Беҳзоддан ташқари Маҳмуд Музаҳҳиб тасвирда яратган.

Маҳмуд Музаҳҳиб XV—XVI асрларда Ҳирот ва Бухорода яшаб ижод этган. Миниатюра санъати устаси Маҳмуд Музаҳҳиб асли Ҳиротда Камолiddин Беҳзод қўлида таълим олган. Ўз ўрнида Бухоро миниатюра мактабининг риножланишига ҳисса қўша олган рассом Музаҳҳиб ижодий фаолияти ҳам тасвирий санъат тарихида алоҳида аҳамиятга эга. Маълум бўлишича, XVI асрнинг 40—70-йилларида Маҳмуд Музаҳҳиб ижоди гуллаб-яшнаган. Айни шу даврда Бухоро тасвирий санъати раънақ топди. Марказий Осиё миниатюра ва китобат санъатининг марказига айланди. Камолiddин Беҳзоддан сўнг нафис тас-

дирий санъатнинг давомчилари сифатида Маҳмуд Музаҳҳибнинг фаолияти Бухоро санъаткорлари ижодига утаъсирини ўтказди. Энди бу ерда ишланган расмлар, кучирилган китоблар ҳар жиҳатдан ўзининг мукаммал мисли мунига эга бўла бошлади. Мусаввирнинг ижодидан ранг-баранг ютуқлар, композицион ечимлардаги ўзини хос нафисликлар уни Хирот нафис санъат мактабига ўтаганлигини кўрсатади. Маҳмуд Музаҳҳиб ҳам Алишер Навоий даҳосидан баҳраманд бўлганлиги сир эмас. Хуллас, миниатюра санъатининг моҳир усталаридан бири бўлмиш Маҳмуд Музаҳҳибга Алишер Навоийнинг сиймосини тасвирлаш Бухорода насиб этган. Бу рассом томонидан ишланган Навоий портрети айни пайтда Эроннинг Машҳад шаҳридаги Осмони Қуддус мажмуасида сақланмоқда. Портретнинг қимматлилиги ўз замонасига хос анъанавий миниатюра услубида яратилганлигидадир. Яна шуни айтиш керакки, асар муаллифи Алишер Навоийни ўз кўзи билан кўрган ва Қамолiddин Беҳзод устозлигидаги нафис санъат мактабига ўтган. Мазкур портрет Навоий замонасидан бир оз кейин яратилган бўлса-да, юқоридаги далиллар унинг ҳақиқатга яқинлигини айнан таъкидлаб турибди. Бу образда гавдаланган очик чехрали қиёфани Беҳзод ва унга ўхшаш бошқа рассомлар асарларида ҳам учратиш мумкин. Бу машҳур портретда кекса ва нуроний чехрасидан илиқ табассум балқиб турган буюк бобомиз Алишер Навоийга хос ўта зукколик ҳамда донолик яққол кўриниб турибди. Асарда Навоий ҳассага қўллари билан таянган ҳолда тасвирланган. Портретнинг ўзига хос ишланishi, Навоий юз қиёфасининг мукаммал ва тўлақонли тасвирланishi Маҳмуд Музаҳҳибнинг маҳоратли санъат устаси эканлигидан далолат беради. Асарнинг юқори қисмида «Сурати Амири Кабир Мир Алишер» деган битиклар бор. Пастки бурчакда эса Маҳмуд Музаҳҳибнинг номи зикр этилган. Портретни диққат билан кузатганимизда Навоийнинг маъноли кўз қарашларидаги унинг кимлигинидир суҳбатини тинглаётгандек туюлади.

Бу асар дастлаб 1931 йилда Лондонда бўлиб ўтган кўргазмада намойиш этилган. Унинг ҳажми унча катта бўлмай 16x7 см. ли миниатюрадир. Хуллас, мазкур портрет беназир, қимматли шоҳона асарлардан бири ҳисобланади. Бу асар илмий, тарихий жиҳатдан ўтмиш тасвирий санъатининг намунаси сифатида ҳам улкан бадиий-эстетик қимматга эга.

Маҳмуд Мулаҳҳиб Ҳиротда шаклланган тасвирий санъат мактабинин Бухорода давом эттиришга ҳаракат қилди. Бу борада унинг шогирдларидан Абдулло ва бошқалар кабиларнинг ижоди ҳам диққатга сазовордир. Шундан қилиб, шарқ тасвирий санъатининг намояндалари яратган бир қатор асарлар Бухоро миниатюра мактабига тегишлидир.

Насб қўлёзма китобларга ишланган миниатюра санъатининг катта бир қисми Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» китобига зарб этилган. Атоқли санъатшунос олим Ҳамид Сулаймоновнинг саъй ҳаракатлари эвазига «Бобурнома»га ишланган бебаҳо миниатюра расмлар алоҳида китоб ҳолида нашр қилинган. Унда жамланган суратларнинг биринчиси XVII аср бошларида ишланган хуштаъб шоирона қиёфадаги Заҳриддин Муҳаммад Бобур сиймосидир.

«Бобурнома»га ишланган бебаҳо расмларнинг яратилишида Бобур авлодларини (ўғли ва набиралари) роли жумли каттадир. Бобурнинг ўғли Ҳумоюннинг тасвирий санъатга иштиёқи жуда баланд бўлиб, бу борада у мусаввирлар фаолиятини ниҳоят даражада қадрлаган. Шунинг учун ҳам у ўз даврининг энг илғор рассомларининг доимо атрофига тўплашга интилган. Шу жумладан, Камолддин Бехзоднинг шогирди Мир Саид Али Табризи ва Ҳожа Абдусаммад Шерозийни 1550 йилларда ўз саройига олиб боришга эриша олади. Ана шу икки буюк тасвирий санъат устаси бобурийлар миниатюра санъатининг шаклланиши ва равнақида жуда катта рол ўйнаган. Ҳамид Сулаймоновнинг ҳикоя қилишларинча бобурийлар даври ҳинд миниатюралари темирлийлар ва сафавийларникидан ўз бадий услуби, эстетик нормалари билан аниқ ажралиб туради. Шарқ миниатюраларининг шартлилигидан — кичик бир сатҳда (китоб варағи сатҳида) бутун бир воқеани ёки эпизодлар туркумини тасвирлаш заруриятидан — «Бобурнома» рассомлари моҳирлик билан фойдаланганлар. Мураккаб воқеаларни тўлиқ фойдаланиш учун дастлаб улар уч-тўрт эпизодга ажратилди. Ҳар бир эпизод бўйича мустақил композиция яратилди. Улар китоб саҳифасининг настидан юқорига қараб жойлаштирилади. Ҳар бир композиция таркибига кирадиган манзаралар архитектура элементлари, тоғлар, адирлар, дарёлар, ўсимликлар ёки мати парчалари ёрдамида бир-биридан ажралиб туради. Айни вақтда, ҳар бир композиция ўз мустақиллигини сақлаган ҳолда

бир-бири билан мантиқий боғланиб, асар мазмунини очиб берувчи бир бутун полотнони ташкил қилади. Масалан: Бобурнинг ўз синглиси Хонзодабегим билан учрашуви (7-миниатюра) тўрт планда берилган. Биринчи планда — Бобур ва унинг кузатувчиси Муҳаммад Кукалдошларнинг отини хизматкор ушлаб тургани; иккинчисида — Бобур ва Муҳаммад Кукалдошнинг Хонзодабегим билан суҳбати; учинчисида — юқорида ўнг томонда, саройнинг кўриниши; тўртинчи планда эса Ҳиндистон табиати берилган. («Бобурнома» расмлари. «Фан», 1970.)

Умуман, бобурийлар даври тасвирий санъати ранг-баранг ва сермазмундир. Мусаввирлар шарқ анъаналарини ҳар жиҳатдан ўзлаштирган ҳолда Ҳиндистонда маълум ва машҳур бўлган бобурийлар сулоласи вакиллари сиймоларини тасвирларда муҳрлашга эриша олганлар. Бобурийлар маданият, тасвирий санъат борасида Марказий Осиё билан боғланиб туришга доимо интилишган. Улар Марказий Осиёдаги етук санъаткорларни жалб қилиш истагида бўлганлар. Ана шундай миниатюра санъатининг моҳир усталаридан яна бири Муҳаммад Мурод Самарқандийдир.

1556 йилда хаттот Ҳамадоний томонидан Хоразм ҳокими Эшмуҳаммад учун Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари кўчирилган бўлиб, бу асардаги 116 та нафис миниатюра расмлари ана шу Муҳаммад Мурод Самарқандий томонидан бажарилган. Бу қўлёзма китоб ва ундаги миниатюра расмлар Абу Райҳон Беруний номли шарқшунослик институтида сақланади.

Самарқандий ижоди ўз характери ва мазмуни билан серқирра кўринишларга эга. Мусаввир ўз давригача бўлган тасвирий санъат усталарининг анъана на услублари билан чегараланиб қолмасдан янада чуқурроқ изланишлар олиб боради. У чизган миниатюралар оддий кўринишларга эга бўлса-да, моҳияти позик ва усталик билан очиб берилади. Бунга «Шоҳнома» асаридаги миниатюра тасвирлари мисол бўла олади.

XVII аср бошларидаги тасвирий санъатда ҳам Муҳаммад Мурод Самарқандий ижодига хос анъаналар давом этганини кўриш мумкин. Бунга Санкт-Петербурзнинг Салтиков-Шчедрин кутубхонасида сақланаётган «Шоҳнома»га ишланган миниатюра расмлар яққол мисол бўла олади. Афсуски, унинг муаллифи номаълум. Санъатшунос олимларнинг фикрларига қараганда, бу

расмларни ишлагап мусаввир Самарқандийнинг шоғирдларидан бири бўлиши мумкин.

XVII аср миниатюрасидаги портрет санъатининг маҳоратли усталаридан бўлган Ҳожа Муҳаммад мусаввир, Давлат Муҳаммад, Нодир Муҳаммад каби рассомлар ҳақида баъзи манбаларда маълумотлар учрайди. Айниқса, Ҳожа Муҳаммад мусаввир утмиш Ҳирот, Самарқанд, Бухоро мактаби анъаналарининг давомчиси эканлиги таъкидланади. XVII аср тасвирий санъати меъморчиликда ҳам кенг ишлатилганлигини кўришимиз мумкин. Бу борада, айниқса, 1619—1635 йилларда қурилган Самарқанддаги Шердор мадрасаси пештоқига ишланган тасвирлар катта эътиборга эгадир. Бу бино пештоқининг пақшинокор композицияси билан уйғуи тасвирланган офтоб фонида оҳуга ташланаётган шернинг сурати жозибали бир кўринишда акс эттирилган. Шер ва оҳунинг тасвири чиройли шакл, аниқ мазмун ва кўринишга эга бўлиб қолмасдан, табиат оламининг сирли асрорларини эслатаётган рамзий белгига ҳам ўхшаб кетади.

Кейинги давр миниатюрочи рассомлари ҳақида маълумотлар жуда кам бўлса-да, улар яратган асарлар ҳорижий давлатлардаги кўпгина музей ва кутубхоналарнинг қимматли хазиналари сифатида сақланиб келмоқда.

XVIII—XIX асрларда ижод қилган тасвирий санъат усталаридан Муҳаммад Муқим, Аҳмад Қалла, Аҳмад Дониш, Мулла Ҳусниддин, Мулла Ортиқ, Раҳматий, Иброҳим Даврон каби рассомлар фаолияти эътиборга моликдир. Мақсалан, Ўзбекистон санъатшунослик институтида сақланаётган XIX аср бошларида Аҳмад Дониш томонидан ишланган «Мажнун саҳрода» деб аталган миниатюра ўлкамиз табиат манзарасини акс эттириши билан алоҳида қимматга эга. Худди шунингдек, XIX аср миниатюра санъатининг характерини Аҳмад Қалла ишлаган расмларда ҳам кўрамиз. Хулоса қилиб айтганда, бу даврда ҳам Ўзбекистон тасвирий санъати кенг миқёсда тараққий этган.

#### IV БОБ. XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИ

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон тасвирий санъати ўзининг янгича шаклланиш даврига аста-секин кириб ке-

ла бошлади. Асосан бу даврга Оврушнинг илгор тасвирий санъати анъаналари рус ва бошқа халқларнинг вакиллари орқали ўз таъсирини ўтказди. Бу янги босқичнинг характери ҳақида алоҳида тўхталиб лозим. Минималга хос ишланиш услублари ва қонуниятларидан фарқли ўлароқ, Овруло давлатларида анча илгорлик кетган уч ўлчамлилик қонуниятлари асосида ривожланган бу тасвирий санъат айнан ўша даврларда бизнинг ўлкамизда деярли мавжуд эмас эди. Аждодларимизнинг санъатга ихлосманд илгор вакиллари эса кўпроқ халқ амалий безак санъати билан машғул бўлганлар.

Ҳар бир тарихий даврнинг ижобий ва салбий томонлари бўлганидек, бу давр ҳам шундай жиҳатлардан ҳоли эмас эди. Ўлкамиз тарихининг ана шу палласида ҳам рус ва бошқа халқ вакилларининг таъсири тасвирий санъатни ҳар томонлама равиноқ топиши учун алоҳида аҳамият касб этди. Аста-секин маҳаллий анъаналар билан уйғун ривожланган тасвирий санъатимиз ривожини М. Новиков, Л. Бурэ, С. П. Юдин, И. С. Казаков, Н. В. Разанов, Н. И. Гречанинов, Т. Н. Никитин сингари расомлар катта ҳисса қушиди.

XX асрнинг 20—30 йилларига келиб эса Ўзбекистон тасвирий санъати ўзига хос шакл-шамойилига эга бўла бошлади. Тасвирий санъатнинг ижод майдонида етук расомлар фаолияти ўрин олди. Булардан А. Волков, П. В. Кузнецов, М. И. Курзин, С. И. Финкельштейн, Н. Г. Карахан, В. И. Уфимцев, Уста Мўмин (А. Н. Николаев), Н. Қашина, О. К. Татовосьян, П. П. Бенков, С. М. Ковалевская, И. Икромов, У. Тансиқбоев, Ч. Аҳмаров, Л. Абдуллаев ва бошқаларнинг ижодий намуналари эътиборга моликдир. Аста-секин Ўзбекистон тасвирий санъати вакилларининг бадий тафаккури миллий руҳ билан бойиб янгида янги эстетик дунёни кашф эта бошлади.

Шу даврда халқимиз ҳаётининг ранг-баранг қирралари ўзига хос ифодасини тасвирий санъатда ҳам топади. Ўзбек халқининг миллий анъаналарини жамлаб ўзбекиона тасвирай олган рангтасвир устаси Уста Мўмин (асли исми Александр Васильевич Николаев) ана шундай санъат усталаридан бири эди. У 1897 йил 30 августда Воронежда ҳарбий инженер оиласида таваллуд топган. Тақдир тақозоси билан йигирманчи йилларда Самарқандга келиб яшайди ва меҳнат фаолиятини давом эттиради. У собиқ совет даврида, Ўзбекистон тасвирий санъ-

етини ҳар томонлама тарғиб ва ташвиқот қилишда самарали меҳнат қилган мусаввирдир. Уста Мўмин ўзбек санъатининг санъати, маданий мероси билан астойдил қизиққани. Ва уни қадрлаган ҳолда маҳаллий халқ характери ва табиатига мос асарлар ярата олишга муяссар бўлади. Рассомнинг тиниб-тинчимай изланишлари яхши натижалар беради. Халқимиз характерига хос хусусиятлар ийниқса «Баҳор» (1923 йил), «Куёв» (1923 йил), «Чуторчи бола» (1924 йил), «Чойхоначи» (1928 йил) каби асарларида яққол акс этган. Бундан ташқари, Насриддин Афанди латифалари тўпламига мос ажойиб ва тиниққарли иллюстрация ҳамда расмлар ишлаган. Умуман, Уста Мўминнинг ижодида ўзбек санъаткорларига хос анъаналар ўз аксини тўла-тўқис топди. У ўзбек халқ турмуш тарзига бағишланган кўплаб асарлар яратар экан, миллий қиёфа, урф-одат, шунингдек, либосларнинг тўлақонли характерини ўз асарларида биринчи навбига чиқарди.

Асримизнинг 20—30-йилларида Ўзбекистон тасвирий санъати алоҳида услубий изланишлар эвазига ривож тاپна бошлади. Ана шу йилларда эришилган ижодий муваффақиятлар ўз таъсирини кейинги авлодларга улашар экан, натижада тасвирий санъатда маҳаллий вакилларнинг сафи кенгая борди. Ў. Таисиқбоев, Ч. Аҳмаров, А. Абдуллаев, М. Набиев, Л. Абдуллаев, Ш. Ҳасанова, Р. Темуров, Х. Раҳмонов, Б. Ҳамдамий, Л. Насриддинов ва бошқа бир қатор ижодкорлар етишиб чиқа бошладилар. Мана шу даврда бир қатор рассомларнинг стуклик шллапоясига чиқишларида устозлик қилган Николай Степанович Туркестанскийнинг фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Бу устоз рассом ўз даврида тасвирий санъат сирларини ёшларга ўргатиш борасида ва кўرғазмалар ташкил қилиб тарғибот, ташвиқот ишларини олиб боришда самарали меҳнат қилган.

XX аср биринчи ярми тасвирий санъати тарихида Ўзбекистон халқ рассоми Александр Николаевич Волковнинг ижоди бебаҳо қимматга эга. А. Волков 1886 йилда Фарғонада таваллуд топган. У яратган асарлар бадний қиммати, характери жиҳатидан ҳам халқимизга хос анъаналарни намойиш қилади. Умуман, Волков тасвирий санъатда ўзбекона мактаб ярата олди. Дастлаб, Волков машҳур рассом М. Врубел анъаналарини давом эттириш билан бирга ўз асарларида жаҳон тасвирий санъатининг илғор тенденцияларини пухта эгаллаганли-

ги билан ҳам ажралиб туради. Рассом 20 йиллардаёқ тинимсиз ишлар, ўз асарларининг кўргазмаларини кетма-кет намоёниш қилиб ҳисобот бериб турар эди. А. Волков Марказий Осиё жумладан, Ўзбекистон санъати меросини ўз даврида маълум ва машҳур бўлишида катта ҳисса қўшган.

Шу урида академик, рассом Урол Тансиқбоев ҳақида тўхталмасдан ўтиш мумкин эмас. Манзара жанрининг маҳоратли устаси бутун ҳаёти ва ижодий фаолиятини Ўзбекистон табиатини тасвирлашга бағишлаган. Урол Тансиқбоев серқўш ўлкамиз табиатини ўткир мўйқаламига таяниб санъаткорона тасвирлаши билан тасвирий санъат ривожига беизбир ҳисса қўшган буюк рассомдир. У 1904 йил, 4 майда Тошкент шаҳридаги қозоқ миллатига мансуб оилада дунёга келади. Урол таваллуд топган оила серфарзанд, ота-оналари ҳокисор писонлар эди. Оталари Тансиқбой ота жуда эрта дунёдан ўтадилар. Оналари Халифа опа ва уларнинг катта ўғли Нурмонга 5 ўғил ва 3 қиз бўлган бу оилани тебратиш вазифаси юклади. Уролнинг ёшлик йиллари қийинчилик даврларига тўғри келади. Шундай бўлишига қарамасдан, у жуда ёшлигиданоқ расм чизишга астойдил қизиққанлиги туфайли табиатнинг сеҳрли оламини кузатар ва уни маҳлиё бўлиб тасвирлашга иштирак эди. Илк бор мактабда расм сабоқларини Ярослав Фёдоровичдан ўрганган. Кейинчалик эса тасвирий санъат сирларини ўзлаштиришда машҳур рус рассоми Репиннинг шогирди Розановнинг таъсири катта бўлган. Кўргазма заллари, Ўзбекистон тасвирий санъат музейининг экспонатлари Тансиқбоевнинг энг севимли маскани эди. Шунинг учун ҳам у кўргазма ва музей залларида картиналарни кузатиш, уларни сир-асрорларини ўрганни орқали ўз йўлини, ўз овозини топишга иштирок эди. 1927 йилда яратилган «Рассом Акром Тошканбоев портрети» дастлабки ижодий ютуқларининг намунасидир. 20—30-йиллардаги ижодий изланишлар, ҳамкорликда олиб борилган машаққатли меҳнатлар, айниқса, устоз рассомларнинг фаолиятларини ўрганни Урол Тансиқбоевга самарали таъсир қилди. 1934 йилнинг август ойида Масковда ўтказилган ўзбек рассомлари кўргазмаси унинг ижодий намуналарининг ўзинга хос ажралиб туришини яна бир бор кўрсатди. Бу ерда рассомнинг «Она овулда», «Кўчманчилар маңзили», «Мева териш», «Озод аёл» каби асарлари кўпчиликти ўзинга жалб қилди. Кейинги из-

табиатлар, табиат бағрида қилинган ижодий меҳнатлар  
Урол Таисикбоевни табиат манзарасига ошно қила бош-  
тади. Рассом энди бутунлай манзара жанрига ўзини ба-  
садилар экан, санъатнинг сирли чуққиларини эгаллаёт-  
ганини кўрамиз. Бу ўринда, айниқса «Сирдарё» (1935),  
«Муртимулла» (1936), «Боғистон» (1937), «Тоғ манза-  
раси» (1937), «Баҳорги ишлар» (1938), «Орол денгизи»  
(1939) ва бонқа бир қанча табиат манзарасини акс эт-  
тириши экани ва этюдлари унинг маҳорат чуққиси сари  
қодирликдан далолат беради. Урол Таисикбоев ўзи-  
нинг илми-инги манзараларини яратар экан табиатимиз-  
ни хос ранг мажмуаларининг характерини топишга  
муваффақ бўлган. Масалан, рассомнинг 1947 йилда иш-  
лагани «Баҳор» номли асари тўлақонли, сермазун, бўёқ-  
ларга бурканган табиат манзарасини намойиш қилади.  
Мисли яратилаётган манзараларда кенг бўшлиқнинг жу-  
да усталлик билан тасвирланиши, бу бўшлиқ бағридаги  
табиатнинг позик ва нафис сирлари ўта маҳорат билан  
акс эттириляётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу ўринда  
айниқса «Иссиқ кўлда кеч», «Тахнатош» (1951), «Қора-  
қум сув омбори» (1957) каби асарлари диққатга сазо-  
вордир. Урол Таисикбоев буюк санъаткор бўлишининг  
еббаби шундаки, у баҳорнинг ошуфтаси бўлиш билан  
бирга она табиатга шундай меҳр қўйди. Бирор-бир да-  
қиқани табиат бағрисииз ўтказмасликка ҳаракат қилди.  
Баҳор кезларида табиат бағрига нафақат шўнгиб кетар,  
балки шу фасл ҳавоси билан қоришиб меҳнат қилар, ана  
шунинг учун ҳам унинг асарларида табиатнинг ҳеч ким  
инитмаган жарангли ва сеҳрли куй-қўшиқлари янграр  
эди. 60-йилларда ҳам ўнлаб шундай ранг-баранг асар-  
лар яратдики, улар тасвирий санъат тарихига дурдона  
намуналар бўлиб кирди. «Қорақум ГЭСи тоғи»  
(1957), «Ўзбекистонда март» (1958), «Ала-тов» (1960),  
«Ангрендаги тоғ йўли» (1962), «Ангрен дарё» (1963),  
«Туғи тоғ қишлоғи» (1962), «Кеч» (1971) ва бир қан-  
ча асарлари кишини табиат манзарасига сайр қилдира-  
ди. 1972 йилда яратган «Менинг қўшиғим» полотноси  
довруғ топди.

Аввало, шунини айтиш керакки, ҳар бир нарсани ўрга-  
ниши — она табиатдан бошланади. Серқуёш ўлкамиз та-  
биатининг гўзаллигини, табиатнинг ўзига хос куй билан  
жаранглашини, айни баҳор гулларга тўлган пайт-  
да эса унинг кўйида ҳаётнинг нақадар жозибadorлиги-  
га ҳайратланасан киши. Урол Таисикбоев серқуёш ўлка-

мизми, ранго-ранг табиатини ана шу йўсинда моҳирона тасвирлайди. «Менинг қўшиғим» картинаси мусаннир умрининг сўнгги йилларида яратилган. Шунинг учун ҳам ушбу ажойиб манзарада рассомнинг бутун ижодий меҳнати, ҳаёт йўли мужассамлашгандек кўринади. Асарнинг олдинги планида тоғ тошлари баҳор табиатининг гулларига бурканган ҳолда жозибали қилиб тасвирланган. Бир қарашда оддий кўринса-да, баҳайбат ва ниҳоятда улкан тоғлар бағрида тошлар тарих сирларини ҳикоя қилаётгандек туюлади. Рассом ўзининг бу асарида табиатнинг нафис ва нозик гўзалликларини чизади. Қўшиқчининг овози-ю бастакорнинг куйи — барча-барчасини яна широк эйтираётгандек кўринади тасвирларда... Гўё Она табиат бағрига кириб, ўз овози билан куйлаган ёқимли қўшиғини «Менинг қўшиғим» деб айтади.

Урол Тансиқбоев табиатнинг нозик сирларини аке эйтира олган иқтидорли санъат устаси сифатида муҳлисларини ўзига ром қила олди.

Манзара жанрининг ана шундай яна бир илғор нақили Николай Георгиевич Қарахан ҳисобланади. Рассом Қарахanning ораси нақшин гиламлар тўқийдиган чевар бўлган. Ажабмаски, Қарахanning табиатга ошно бўлиши аввало муштилар онадан ўтган бўлса. «Онасига жон-дилдан кўмаклашиб юрар экан, бола ундан бениҳтиёр гўзаллик сабоғини олар, нақшларининг ритмик қонуниятларини ўзича идрок этиб, бўёқларининг жилваланишини завқ билан кузатар эди».

Н. Г. Қарахан ўлкамиз табиатида доимо сайр қилар ва ҳар бир фаслнинг ўзига хос гўзалликларини сержило ранглар билан тасвирлаб беришга интилар эди. 30-йилларда ишлаган «Қизлар ҳовуз бўйида», «Уч машшоқ», «Ҳовлида узум узини», «Тўғон қурилшини», «Баҳор», 1940 йилларда яратган «Хирмончи қиз», «Она динёр», «Нанай йули» каби манзаралари унинг ўзига хос тасвирий санъат устаси эканини исботлайди. Айниқса, 1957 йилда ишланган «Олтин куз» асари табиатимизга хос гўзалликни ўта маҳорат билан кўрсата олганлигининг намунасидир.

## ИСКАНДАР ИКРОМОВ—Ўзбекистон халқ рассоми, графика санъати устаси (1904—1972).

Рассом Искандар Икромовнинг ижодий фаолияти асосан графикаси санъати билан chambarchас боғлиқдир. У 1904 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ёшлик йилларида раем ишлашни иштиёқ билан ўрганди. 1923 йилдан келиб Искандар Икромовнинг графика санъатига бўлган қизиқиши янада ортиди. Унинг расмлари «Бола-лар дунёси» журналида, ҳажвий расмлари эса «Муш-тум» журналида чоп этиля бошлайди. Рассом тасвирий санъат сирларини чуқурроқ ўрганиш учун Санкт-Петербургга бориб ўқийди. У Санкт-Петербургда «китоб санъатининг техник рассоми» дипломи билан қайтади. Бундай мутахассис кадр ўз даврида республикамизнинг лавлат наشريёти учун жуда зарур эди. Искандар Икромов Ўзбекистоннинг биринчи полиграфчи рассоми сифатида танила бошлади. Бу борада самарали ижод қиллиш билан бирга тасвирий санъатнинг графика турига доир қўлашмалар яратди. 1932 йилда рассомнинг «Расми ўрганиши», 1933 йилда «Китоб ва журналлар қандай нашр этилади» альбому, 1935 йилда «Ҳарфларни ёзиш-ни ўрган» каби китоблари чоп этилди. Искандар Икромов педагогикага боғлиқ китоблар яратиш билан бирга, китоб графикасини янада пухта ўрганиб, ўзбек шоир ва сулувчиларининг асарларига кўплаб расмлар ишлайди ва китоб мазмунини очиб бера олган ҳолда маҳорат билан безайди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳозиржавоб ҳарбий плакатлар, фронт учун чиқарилган китобларнинг асосий қисми бўлган «Жанговар варақалар»ни белатиш ҳам Искандар Икромов зиммасига тушди. Дўшқиса, ўзбек адаблари, шоирлари китобларини ўзига хос миллий ва анъанавий безаклар билан бойитилиши рассомин тез орада санъат ва адабиёт вакиллари ўртасида обрў-эътибор қозонишига сабаб бўлди. Ана шунинг учун ҳам Искандар Икромовга 1944 йилда Ўзбекистон халқ рассоми унвони берилди. 50-йилларга келиб ижодкор китобга бадий безак бериш борасида машҳур тасвирий санъат устаси бўлиб танилди. Шу даврда нашр этилган кўплаб китобларни асосан Искандар Икромов безаган. У яратган асарлар китоб, журнал ва газеталарнинг чиройига чирой қўшиб, ўқувчиларга манзур бўлиб қолди. У узоқ йиллар давомида Ўзбекистон рассомлар уюшмасига раҳбарлик қилган.

**ЧИНГИЗ АБДУРАҲМОНОВИЧ АҲМАРОВ (1912—1995) —  
Ўзбекистон халқ рассоми, монументал деворий  
расмларнинг моҳир устаси**

Чингиз Аҳмаровнинг номини эшитмаган, унинг ижоди билан боғлиқ бўлган нафис тасвирларни билмаган санъат ихлосмандлари бўлмаса керак. Ўзбекистон тасвирий санъатида миниатюрага хос ажойиб ранг волот-нолар яратиб миллий санъатимизнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган бу буюк рассомнинг ўз ижодий йўли ва санъат мактаби мавжуд. Чингиз Аҳмаров 1912 йилда Россиянинг Троицк шаҳрида таваллуд топган. Давр тақозоси билан уларнинг oilаси Ўзбекистонга келишди. У ёшлик йилларидаёқ Қарши, Самарқанд шаҳридаги шарқона меъморчилик обидалари амалий санъат сирлари билан астойдил танишди. Чингиз Аҳмаров ўзбек халқининг тарихи, унинг анъанавий санъат меросига қизиқади. У жуда кўплаб ўзбек адибларининг, жумладан буюк бобомиз Алишер Навоий асарларини ўрганар экан ўзбек миллий адабиётига, шеъриятига маҳлиё бўлади. Гўзаллик сирларини қидириш мусаввирни Навоий ижодига янада чуқурроқ «кириш»га жалб қилади. «Хамса»даги воқеалар нафислигини сезган Чингиз Аҳмаров уни буюқларда жонлантиришга киришар экан, ҳар бир асар устида қайта-қайта меҳнат қилиб тўлақонли ва гўзал сиймоларни яратишга муяссар бўлади. 1945 йилда яратилган «Ширин портрети»да ана шундай бетакрорликин курамыз. Шириннинг шарқона чеҳраси, либослари ҳатто хатти-ҳаракатидаги ҳолатлар бир-бири билан уйғушлашиб ута маҳоратли тасвирланган. Бу портретда бошлари бир оз эгилган, назик қарашлар билан эшик ёнида турган Шириннинг тўлиқ гавдаси акс эттирилган. Бундай асарларда Навоий бобомиз орзу қилган ўзбек аёлларига хос гўзаллик, ифбатлилик ва ўта назокатли хусусиятларни Чингиз Аҳмаров буюқлар орқали жонли тасвирлашга муваффақ бўладилар. Мусаввирнинг мўйқаламига хос шарқона образлар ва қиёфалар такрорланмас тарзда юзага кела бошлайди. Айниқса, Алишер Навоий номли ўзбек давлат академик катта театрининг безатилишида рассом ўз имкониятларини намойиш эта билган. Бу ерда акс эттирилган рамзий маънодаги тасвирлар воситасида ўзига хос санъат сирлари очиб берилди. Қези келганда кўйидаги рамзий тасвирларни таъ-

индаб ўтиш зарур. «Тасвирий санъат рамзи», «Рақс», «Шеъринг», «Куй» каби санъатнинг рамзий тасвирлари диққатга сазовордир. Бу ерда ишланган монументал тасвирлар «Садди Искандарий», «Фарҳод ва Ширин», «Баҳром Гур ва Дилором», «Лайли ва Мажнун» каби деворий суратларда миллий туйғу ва анъаналар гавдалантирилади. Бу асарларнинг ҳаммаси мусаввир томонида 1947 йилда яратилган. Рассом 60-йилларда ҳам муносиб адабиётимизга таяниб ажойиб деворий полотнолар яратди. Унинг ҳар бир асарида ўзбек халқининг тарихи, улус мутафаккирлари сиймолари, гўзаллик тимсоллари шундай бир жозибали тасвирланадики, ҳали ҳеч бир рассом Чингиз аканинг мўйқаламига ҳос бундай хусусиятларни жамлаштира олгани йўқ. Чингиз Аҳмаров Ўзбекистон тасвирий санъатида миллий анъаналарни бундай тўқитиб ва характерини тўлалигича ифодалиб бера олган машҳур рассомдир.

Чингиз Аҳмаровнинг рассом сифатида шаклланиши 40-йилларгача бўлган тасвирий санъат тарихида алоҳида рол ўйнаганини қайд қилиш мумкин. 40-йиллардаги Ўзбекистон тасвирий санъатининг равнақиға самарали ҳисса қўшган яна бир қатор рассомлардан П. П. Бенков, В. Ҳамдамий, Л. Абдуллаев, А. Абдуллаевлардан таниқари, графика санъатининг устаси Владимир Елпидоронич Кайдалов ҳақида тўхталиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Маълумки, буюк аллома Алишер Навоийнинг 500 йиллик таваллуди муносабати билан жуда кўплаб тасвирий санъат усталари Навоий образига мурожаат қилинган. Бу ўринда, айниқса, В. Е. Кайдалов яратган «Навоий портрети» ўзининг мукамал ишланиши билан диққат-эътиборга сазовордир.

Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган маҳаллий рассомлардан Ҳикмат Раҳмонов, Самир Абдуллаев кабилар бир қўлида мўйқалам, бир қўлида қурол ушлаб фаолият юритишган. Истеъдодли санъат усталарида В. Ҳамдамий ва Л. Насриддиновлар, афсуски, фронтдан қайтишмади. Шу нарса яна эътиборга моликки, айнан иккинчи жаҳон уруши йилларида ўйлаб машҳур санъат усталари Россия, Украина ва бошқа жойлардан Ўзбекистонга келишди. Натижада уларнинг ижодий ютуқлари, услублари маҳаллий санъат вакиллариға таъсирини ўтказди. 50-йилларга келиб бир қатор ўзбек рассомлари ижодида янги-янги асарлар юзага кела бошлади. Юқорида кўрганимиздек, У. Тансиқбоев, Қарахан кабилар

манзара жанрида фаолиятини давом эттиришган бўлса, Абдулҳақ Абдуллаев, Малик Набиев каби рассомлар портрет жанрида самарали ижод қила бошлади.

### **АБДУЛҲАҚ АБДУЛЛАЕВ—Ўзбекистон халқ рассоми**

1918 йилда Туркистонда таваллуд топган. Портрет санъати устаси.

Абдулҳақ Абдуллаев портретчи рассом сифатида таъинланган бўлиб, унинг асарлари чуқур руҳий кайфият акс этиши билан ажралиб туради. Бу борада айниқса, машҳур ўзбек актёри Аброр Ҳидоятонинг Отелло ролидаги портрети (1946) эътиборга молик.

Маълумки, ўз даврида Аброр Ҳидоятон Отелло роли орқали жаҳонга танилди. Ана шу образни астойдил кузатган, ҳар жиҳатдан ўрганган рассом уни ўзига хос тарзда тасвирлашга муваффақ бўлади. Ута таъсирчан ва тўлақонли бу портрет рассомнинг маҳорат чўққисидан далолат беради. Образда ўткир кўзлар, қандайдир куч ва ички бир ҳаракатлар билан тасвирланган бу портрет бир қарашдаёқ томошабин эътиборини ўзига ром этишига шак-шубҳа йўқ. Асарда умумий қизғин ранг гаммаси портретдаги образнинг ички гоёсини очиб беришга хизмат қилади. Умуман Абдулҳақ Абдуллаев портрет яратинида образнинг ички қиёфасини кўрсата олиши билан алоҳида ажралиб туради. 1949 йилда ишланган ёзувчи Ойбек портретини кузатар эканмиз, инсоннинг психологик оламининг тасвирланишига яна бир бор тан берамиз. Рассом инсон қиёфасини тасвирлашга қайта-қайта мурожаат қилар экан, ҳар бир суратда ўзгача бир олам, ўзгача бир янгиликларни кашф этади. У яратган асарлар қандай қилиб бўлмасин томошабин қалбини ҳаяжонга солади. Абдулҳақ Абдуллаев кўплаб замондошлари ва бир қанча автопортретларни яратин борасида ҳам бундай муваффақиятларни қўлга киритган.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий образи устида бу рассомчалик кўп меҳнат қилган санъат устасини тасвирий санъат вакиллари ичйда топиш амри маҳол бўлса керак. «Бир неча нусхада чизилган Алишер Навоий портрети ўзининг мўътадиллиги, софлиги ва руҳий дунёсининг бойлиги билан ажралиб туради. Бунда рассомга хос романтик туйғу билан тасвирланмиш шахснинг руҳий дунёсини чуқур тушуниш қобилияти бир-бири билан уйғунланиб кетади»,— деб таърифлайдилар Тилаб Мажмудов. Рассом ўз устида тинимсиз ишлар экан шогирд-

дорига ҳам ҳақиқий ижоднинг натижаси тишимсиз меҳнат, астойдил изланишлар эвазига чиқишини амалда исботлаб келмоқда.

Рассом «Назарали Ниёзов» (1949), «Онам портрети» (1952), «Индирга Ганди» сурати (1957), «Буви билан набира» (1960), «Рассом Чингиз Аҳмаров» каби ўнлаб баёжоҳ асарлар муаллифидир. Муҳими, Абдулҳақ Абдуллаев яратган портретлар аллақачон Ўзбекистон тасвирий санъатининг ноёб дурдоналарига айланиб қолган.

Пил сайини тасвирий санъат соҳасига бир қатор янгинини асарлар кириб кела бошлади. Бу борада маҳаллий рассомлардан Рашид Темуров, Сапоғ Муҳаммедов, Зокир Иноғомов, Раҳим Аҳмедов, Маннон Сандов каби ижодкорларнинг фаолияти кенгрок кўзга ташлана бошлаганини кўрамиз. Манзарада Р. Темуров, З. Иноғомовлар ижодий муваффақиятлар қозонди. Р. Аҳмедовнинг тематик композициялари, натюрморт ва бир қанча портретлари томошабинлар қалбига ёқимли кайфият улашди. Раҳим Аҳмедовнинг ижодидаги ўзинга хослик, изланиши — ўзбек тасвирий санъатида алоҳида бир мактаб бўлиб шаклланганлиги маълумдир.

#### **МАЛИК НАБИЕВ**—Ўзбекистон халқ рассоми, профессор

«Ҳаётда ўз қўшиғини топа олган, уни қайтарилмас соҳанга кўнчилиikka манзур қилиб куйлай олган санъаткорни бахтли деса бўлади»,— деб таъкидлаган эди таниқли рассом Урол Тапсиқбоев. Рассом Малик Набиев ҳисси ва ижод йўлида У. Тапсиқбоев таъкидлаганидек, нифақат ўз овозига, балки бахтига ҳам эришган устоз санъаткор даражасига кўтарилди. У тажрибали педагог, усулбиятчи олим сифатида ҳам танилди.

Санъат шундай бир мўъжиза эканки, уни севиб бағрига кирган инсон доимо ўзини ёш, навқирон сезиб, меҳнат қилиб толмас, ўзи севган машғулоти сиз яшай олмас экан. Тасвирий санъатга умр бўйи ана шундай мафтуни бўлиб келаётган рангтасвирчи рассом Малик Набиев 1916 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Малик Набиев тасвирий санъатининг илк сабоқларини рассом Баҳром Ҳамдамийдан ўргангач, устоз маслаҳатига биноан рассомлик билим юртига ўқишга киради. 1937 йилда билим юртини имтиёзли диплом билан муваффақиятли тугатгандан сўнг эса шу ерда ўқитувчи бўлиб ишлай бошлайди. Уша йиллардан бошлаб санъат борасидаги мустақил ижодий йўли бошланган эди. У ўз асарлари билан кўр-

газмаларда иштирок этди. 1938 йилда эса рассомлар уюшмасига қабул қилинди. Мусаввир уруш йилларида профессор Михаил Фёдорович Шемякин раҳбарлигида тасвирий санъат сирларини янада чуқурроқ урганниги киришди. Урушнинг оғир йилларида қишлоқларни кезиб, портретлар ишлади, фашистларни қораловчи плакатлар чизиб, чақириқлар, шнорлар ёзиб, уруш орқасидаги меҳнат билан ғалабани яқинлаштиришга ўз ҳиссасини қўшди.

Ёшлигидан тарихий мавзуларга бўлган қизиқиши ва ҳаракатлари зое кетмади. Вақтлар ўтиши билан рассомнинг тарихдан ҳикоя қилувчи ранг-лавҳа, чизма-тасвир ва кичик композициялари катта-катта полотноларга айланди. Малик Набиев ўз асарларида тарихий воқеалар мазмунини аниқ ифодалашга ҳаракат қилади.

Мўйқалам соҳибининг асарларида гоёвий жиҳатдан бой бўлган мавзулардан бири тарихий сиймолар образидир. Буюк қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг портрети (1972) ҳар жиҳатдан мукамал ишланган.

Мутафаккир Беруний образи рассомнинг бир неча йиллик изланишлари, портретнинг бир неча бор эскизлар ва рангламаларини ишлаши натижасида юзага келган. Шу тариқа асарнинг бир нечта, бир-биридан фарқ қилувчи нусхалари яратилган.

1949 йили Ал Беруний вафотининг 900 йиллиги муносабати билан олим портретини яратиш учун конкурс эълон қилинади. Бу конкурсда ўттиз нафардан ортиқ ўзбекистонлик ва бошқа халқларнинг йирик рассомлари иштирок этишади. Шу танловда Малик Набиев ҳам қатнашди. Мусаввирнинг асарларидаги буюк олим образи бошқа рассомлар томонидан ишланган намуналарга нисбатан тўлақонли, деб эътироф этилади. 1973 йилда эса Беруний таваллудига 1000 йил тўлиши муносабати билан иккинчи мартаба конкурс эълон қилинади. Рассом Малик Набиев Беруний образи устида изланишини давом эттириб ва ниҳоят иккинчи мартаба ҳам конкурс ғолиби бўлди. Бу портрет конкурсдан сўнг ЮНЕСКОнинг «Курьер» журнали муқовасида ва хорижий мамлакатларнинг кўпгина журнал ва газеталарида ҳамда откритка, марка, плакат тарзида бир неча бор нашрдан чиқарилди. Портретда илм муаммоларини ечишга чоғланган, вазмин, нигоҳи олисни кузлаётган аллома характери ифода этилган. Рассом илм сирларини ечиш учун бутун вужуди билан киришган инсонпарвар

олим Абу Райҳон Берунийнинг бутун салобатини тасвир-  
ди гавдалантиради. Картинанинг кейинги планларидаги  
китоблар илм-фанга боғлиқ бўлган буюмлар — Беру-  
нийнинг қомусий олим ва мутафаккир эканини янада  
бўрттириб кўрсатилишига хизмат қилган.

Мусаввирнинг улкан ютуқларидан яна бири буюк  
шоир, адиб, файласуф ва давлат арбоби Заҳриддин  
Бобур образидир. Бобур образини яратиш учун рассом  
Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа бир қанча хорижий  
мамлакатларда ҳам бўлди. Бобур яшаган, ижод қилган,  
жонинг қилган жойларни ўз кўзи билан кўрди. М. Наби-  
евнинг Бобур шеърятини билан батафсил танишигани,  
унинг аччиқ ва сермазмун ҳаётини мукаммал ўрганган-  
лигини, Бобурнинг навқирон ва тулақонли гавдалантир-  
ган портрети воситасида ҳис этамиз.

Кўпдан бериким ёру диёрим йўқдир,  
Бир лаҳзаю бир нафас қарорим йўқдир.  
Қелдим бу сари ўз ихтиёрим бирла  
Лекин борурилда ихтиёрим йўқдир.

Бобур ўз юртидан олисларга кетиб, она юртига меҳру  
муҳаббатини ана шунга ўхшаш изҳор қилаётган ҳолати,  
рассомнинг жонли бўёқларида намоен бўлган. Хуллас,  
Бобур портретидаги турли хил бўёқларда акс эттирил-  
ган туйғулар уйғушлиги бутун борлигинингизни ранглар  
сеҳри билан қамраб олади.

Тасвирий санъатда тарихий шахслар образини Ма-  
лик Набиев ижодисиз тўлиқ тасаввур қилиб бўлмайди.  
Айниқса, соҳибқирон Амир Темур образига рассомнинг  
мурожаат қилиши сабаблари хусусида тўхталмиш жоиз-  
дир. Тақдир тақозоси билан 1941 йил июнь ойида Амир  
Темур даҳмаси, сўнгра Мирзо Улуғбек ва Бибихоним  
қабрлари очилганлиги маълум. Бир оз вақт ўтгандан  
сўнг қабрдан топилган ашёлар, жумладан соҳибқиро-  
нининг бош суяги ҳам Тошкентдаги Ўзбекистон халқлари  
тарихий музейига олиб келинган. Бу ҳақда мусаввир  
ҳикоя қилади: «М. Герасимов музей биносига жаҳонгир-  
нинг бош суяги асосида хайкал портрет ишлашни бош-  
лаб юборади. Мен бу жараённи ўз кўзим билан кўрган-  
ман. Ичора, замон тақозоси экан. Албатта, бу воқеа  
ростдан ҳам даҳшат! Соҳибқироннинг арвоҳи чирқираб,  
руҳи азоб чеккан бўлиши табиий... Ўша 1941 йилдан  
бери улуғ саркарда сиймосини яратиш нияти мени бир  
дақиқа ҳам тарк этгани йўқ». Эллик йилдан ортиқ вақт

ичида Амир Темур образини ҳар томонлама ўрганиш учун олиб борган тадқиқотлари, изланишлари ҳақида сўзлаб беришларини сўраганимизда рассом бизга яна шу фикрларни баён қилдилар:

«Шу давр ичида Амир Темур ҳақида кўплаб асарлар билан танишдим. Мавжуд миниатюраларни, қаерда бўлмасин, имконият даражасида қидириб топдим. Мен Ҳиндистоннинг Қалкутта, Бомбай шаҳарларидаги музейларда, Эроннинг Теҳрон, Исфахон, Туркиянинг Истамбул, Кунё, Измир ва бошқа шаҳарларида, Англиянинг «Британия» музейида, Франция, Испания каби мамлакатлар музейларида сақланаётган миниатюраларнинг асл нусхаларини кўришга муваффақ бўлдим. Уларда Амир Темур турлича тасвирланган. Ҳиндистоннинг Бобур миниатюра мактаби, Беҳзод (Ҳирот) миниатюра мактаби вакиллари чизган Амир Темур қиёфаси бир-биридан тўндан фарқ қилади. Истамбул музейидан жой олган Темур портрети ҳам бутунлай бошқача...

Хуллас, Амир Темур сиймосини яратиш учун бир эмас, бир неча миниатюра мактабини ўрганиб чиқдим. Тарихий асарларни яратишда аввало мен боболар руҳидан мадад сўрайман, ана шу нарса менга доимо далда бериб туради...» Ҳақиқатдан ҳам рассом бу портрет асарини яратиш борасида астойдил изланишлар олиб борган, ютуққа юксак маҳорати, мўйқаламининг кучи туфайли эришган.

Санъат ихлосмандлари эътиборини ўзига жалб қилган Амир Темур портретида Соҳибқирон саркарда қиёфасида гавдалантирилган. Бошига олтин тож кийган Темурнинг нигоҳи бир нуқтага қаратилган. Ва жиддий хаёл оғушида эканлиги чап қовоғини бир оз кўтарилиб, қоши тепага чимприлганидан сезилиб туради. Улуғвор фикр билан бандлигидан далолат беради. Юз қиёфаси асосан буғдой ранг туслар орқали тасвирланган. Пешона, юз қисмида пайдо бўлган чизиқлар, шунингдек, бурун, лаб, қулоқ, соқол, мўйлов каби жойларидаги ҳолатлар Темурнинг ёши бир оз ўтганлигини кўрсатса-да, унинг тетик ва бақувватлилиги сақланганлиги яққол сезилиб турибди.

Айниқса бу ҳолат юзда кўзга ташланаётган тишиқлик, чайирлики тасвирланишида янада аниқроқ кўрилади. Жиддий фикр ва хаёл билан бандлиги эса соҳибқиронни янада салобатли қилиб кўрсатади. Елкадор, қўллари эса бамайлихотир қиличга таянган ҳолда тас-

шан. Портретда қўл бармоқлари шундай харак-  
тер тасвирланганки, бу соҳибқирон Темурнинг машақ-  
қатчану жадаллардан мардонавор ўтганини яна бир  
таъкидлаб турибди. Шарқона безатилган шоҳ саро-  
фининг бир бўлаги, деразадан Самарқанд шаҳрининг  
кўчаларини кўринади. Девордаги фонда нақшин безак-  
лар, соҳибқирон ўтирган салтанат курсисининг бадий  
таъкиди, шунингдек Амир Темур эғнидаги либосларнинг  
наънаво ҳос қимматбаҳо кўрinishига эга бўлиши томоша-  
ларни таъқ уланади.

Малик Набиев буюк инсон. Амир Темур образини  
тасвирлаш борасида катта муваффақиятни қўлга кирит-  
ди. Темурни илм, санъат аҳилларига ҳомийлик қилган  
наърифат ҳомийси эканини ҳам ифодалай олди. Хуллас,  
Малик Набиев шарқона характерга эга бўлган Амир  
Темурни узоқ ва машаққатли жангу жадаллардан сўнгги  
ҳолатдаги образини тасвирлашга эришган.

Хокисор инсон Малик ака аждодлар руҳини қайта-  
қайта бежиз эсламайдилар. Кези келганда яна бир та-  
рихий воқеани айтмасдан ўтиб бўлмайди. 1993 йил июнда  
устоз рассом бутун ижодий фаолияти давомида меҳнат  
қилиб келган Низомий номидаги педагогика институти-  
нинг бадий-графика факультетида жуда катта ёнгин  
пайдо бўлди. Энг хавфлиси шунда эдики, устоз рассом-  
нинг шу бинодаги ижодхонасида «Соҳибқирон Темур»,  
«Мирзо Бобур» каби шоҳ асарлари сақланаётган эди.  
Қарангки, фақатгина шу асарлар турган хона ёнгиндан  
мушук зарар кўрмаган. Бу ҳам буюк алломаларнинг  
приноҳлари кучи бўлса ажаб эмас!

Тарихий шахслар образини яратиш нақадар мушкул.  
Бу мушкулликларни ижодкор тишимсиз меҳнат машақ-  
қатлари билан дадил енга олган. Рассомнинг кўплаб  
портретларида буюк сиймолар образи замонага ҳамоҳанг  
даражада гавдаланганлигини кўрамиз ва беихтиёр ҳай-  
ратланамиз.

Амир Темур, Беруний, Бобур, Ибн Сино, Жомий ва  
Навоий, Ал Розий, Рудакий, Ал Хоразмий каби бир қан-  
ча ийрик арбоблар, олим, шоир, мутафаккирларнинг об-  
разларини жонли тасвирлайди.

Тарихий мавзудаги бошқа асарларида мусаввир халқ-  
парвар қаҳрамонлар образини ҳамда озодлик учун бўл-  
ган халқ кўзғолонлари моҳиятини очиб беради. Бу бо-  
рада, айниқса, «Спитамен кўзғолони» асаридаги жанг  
найти тасвири эътиборга молик. Рангтасвирчи рассом

М. Набиев авлоддан-авлодга ҳикоя қилиниб келинаётган тарихий воқеаларни астойдил ўрганиб, тарих сирларини жонли рангларда тасвирлашга муваффақ бўлган. Ана шундай тарих сирларидан бири Искандар Зулқарнайнга қарши жанг қилган сўғдийларнинг қаҳрамони бўлмиш Спитамен эди.

Шунга ўхшаш «XVII асрдаги Самарқандда ҳунармандлар кўзғолони», «Жиззахдаги 16-йилги кўзғолон» деб номланган картиналари ҳам диққатга сазовор.

Мусаввир Малик Набиевни жумҳуриятимиздаги шоғирди кўп устоз, рассомларнинг етакчиси десак муболаға бўлмайди. Рассом мактаб ўқувчиларининг ҳам яқин дўсти. М. Набиев ўз ижодий ишлари билан нафақат шаҳар, балки қишлоқ мактабларида ўқувчилар ва тасвирий санъат ўқитувчилари даврасида қизиқарли учрашувлар, суҳбатлар билан қатнашиб, уларнинг билим олишларида кўмакдош бўлмоқда. Бу эса рассом-мураббийнинг ҳар томонлама фаол ижодкор эканлигининг белгисидир.

#### МАННОН САИДОВ

Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор, дастгоҳли рангасвир санъатининг атоқли вакилларида бири Маннон Абдусамадович Саидов 1923 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Деҳқончилик ва савдо ишлари билан шуғулланган оталари жуда эрта дунёдан ўтадилар. У пайтда Маннон II ёшда эди. Бешта фарзандни тарбиялаб ўстириш оналари зиммасига тушади.

Рассом Маннон Саидов 1939 йили ўрта мактабни тугатгандан сўнг республика бадий билим юртига ўқишга киради. Аммо билим юрти уруш йилларида Самарқанд шаҳрига кўчирилгач, оилавий шароит оғирлиги сабабли М. Саидов Самарқандга бориб ўқишга имконияти бўлмайди.

1942—1945 йилларда у заводда оддий ишчи бўлиб ишлайди. Уруш тугагандан сўнг 1945 йилдан бошлаб ўзи дастлаб таҳсил кўрган бадий билим юртида ўқишни давом эттиради. Бу ерда А. П. Лунёв ва Малик Набиевдан таълим олади. Билим юртини муваффақиятли тугатиб 1947 йилда Санкт-Петербург шаҳридаги тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва архитектура олийгоҳида дастлаб таниқли рассом Трошев, кейинчалик машҳур рассом Йогансон устахонасида ижод сирларини урганга-

бу институтни муваффақиятли тугатади. 1953 йил-  
нидаб Ёсеньков номидаги бадий билим юртида  
фаолиятини бошлайди. 1956—59 йилларда эса  
Тошкент Давлат педагогика институти-  
нинг графика факультетида ўқитувчи бўлиб иш-  
тади. Мана шу йиллардан бошлаб ранг-баранг ком-  
позициялари билан кўргазмаларда қатнашиб, ихлосманд-  
лик ҳурматига сазовор бўлади. 1956 йилда рассомлар  
ушбу соҳага киради. Рассом ижодий ва педагогик фао-  
лиятини бирга олиб бориб тасвирий санъатни тарғиб ва  
таълим қилишида ҳам фаол иштирок этиб келади. 1959  
йилдан бошлаб М. Сандов санъат олий даргоҳида ўз  
педагогик ва ижодий фаолиятини давом эттиради. 1964—  
1967 йилларда эса шу институтда рангтасвир кафедра-  
сини бошқариб кўнлаб ёшларга таълим беради. Санъат-  
кор ҳолини пайтгача шу институтнинг профессори си-  
фатини фаолият кўрсатмоқда.

Рассомнинг «Аския» мавзусига бағишланган бир неча  
асарлари бўлиб, унда ўзбек халқига хос самимий кул-  
ги шикоятларининг маънавий қиёфаси ўз аксини топ-  
ган. 1973 йилда ишланган мана шу картинада чойхонада  
ҳайла-мутобиқа қилиб ўтирган ўзбек кишиларининг хат-  
ти-ҳаракатлари, шўх қаҳқаҳалари рассом томонидан  
устулик билан тасвирланганини кўрамиз. Манаион Сандов  
халқимизнинг меҳнаткаш кишиларини, тарихий во-  
қеаларни, Ўзбекистон табиатини ранг-баранг кўринишда  
тасвирлаб муваффақият қозонди.

Бу ўрнида айниқса «Оила», «Аския», «Хумсон», «Ўзум  
теринида», «Каттақўрғонлик пахтакорлар», «Тоғ манза-  
раси», «Ҳосил» каби ўнлаб асарларини мисол келтириш  
мумкин. Айни пайтда ҳам самарали ижод қилмоқда.

#### ҒОҒУР АБДУРАҲМОНОВ

Ўзбек рангтасвир санъатининг иқтидорли вакилла-  
ридан бири, таниқли рассом Ғоғур Абдураҳмонов ижо-  
ди такрорланмас намуналарга эга.


Ғоғур Абдураҳмонов рангтасвир санъатининг кўпги-  
ни жанрларига дадил мурожаат қила олган рассом си-  
фатида ажралиб туради. Бу ўрнида айниқса тематик  
композициялар, манзара, натюрморт, портрет жанрла-  
ридаги фаолиятларини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

У 1936 йили ишчи оиласида (оталари Муҳаммаджон  
ака пахта заводида ишчи бўлиб ишлаганлар), Тошкент  
вилоятидаги Тошкент (эски Қалинин) райони Кўк терак

қишлоғида дунёга келади. Тасвирий санъатга бўлган иштиёқи жуда эрта уйғонган бўлиб, дастлаб мактабда, расм ўқитувчиси Қ. П. Чибисов қўлида таълим ола бошлайди.

Расмга бўлган қизиқишнинг мустақамланишида турли сабаблар таъсир ўтказганини эслаб рассом шундай дейди: «Эски шаҳар бозорининг бир четида шиддат билан матога тасвир тушираётган бир рассомнинг жонли образлари кўз олдидан ҳали ҳамон кетмайди. Образлар шундай жонли эдики, бозордаги ҳаракат яққол сезилиб турарди, айниқса қоп кўтариб кетаётган ҳаммол, бозорнинг орқасидаги мачитда ташриф буюраётган чоллар тасвири бўёқларда ўз аксини топган эди. Бу тасвирларни кўриб, расм чизиш нақадар завқли эканини яна бир бор ҳис қилган бўлсам керак.» Рассом ёшлик йилларидаги бундай хотиралардан кўплаб воқеаларни эслайди. Хуллас, расмга бўлган қизиқиш уни 14 ёшида П. П. Бенков номидаги жумҳурият бадий билим юртига ўқишга етаклади. Муваффақиятли имтиҳонлардан сўнг рассомлар Ҳ. Раҳмонов, М. Набиев кейинчалик юқори курсларда эса Т. Оганесов, И. Қўзибоев кабиларнинг қўлларида тасвирий санъат сирларини ўрганadi. Уша йилларда П. П. Бенков номидаги жумҳурият бадий билим юртида рангтасвир сирларини анча мукамал ўзлаштириб олишига имкоиниятлар булганини рассом қувониб эслайди. Билим юртини тугатар экан, «Хирмонда» номли диплом ишини ҳимоя қилади.

Билим юртидаги талабалик йилларида қизиқишлар ва интилишлар, эскиз, этюдлар устида олиб борилган изланишлар зое кетмади. Билим юртидан кейин у 1955 йили Тошкент шаҳридаги М. Уйғур номли санъат (ўша пайтдаги А. Н. Островский номли Тошкент театр ва рассомчилик) институтига ўқишга киради. Олий ўқув юртининг дастлабки йилларида устозлар эътиборига туша бошлади. Биринчи курсда ўқигандаёқ ишларнинг рангбаранглиги, пишиқлиги билан ажралиб турарди. Бу ерда у Р. Аҳмедов, А. Қирвонос каби рассомлар қўлида таълим олди. Гофур Абдураҳмонов талабаликнинг 1-ёзи таътили пайтида 100 дан ортиқ этюд ишлаб, устозларнинг мақтовига сазовор бўлган эди. 1960 йили институтни тугатишига 1 йил қолганда диплом ҳимоясига чиқади. Шу йилнинг ўзидаёқ ўзи ўқиб таълим олган П. П. Бенков номли бадий билим юртига таклиф қилинади. Шундай қилиб, талабалик йилларидаёқ педагоглик фао-



лиятини бошлаб юборади. Институтни эса 1961 йили «Шахтёрлар» номли диплом ҳимояси билан тугатади. Талабалик йилларини эслаб Иссиққул, Ангрен, Олмадиқ каби жойларда ўнлаб манзараларни кузатганлиги ва у жойларда кўплаб этюдлар ишлаганлиги, ана шу вақтлардаёқ манзара жанрига нисбатан қизиқиши шаклланишини таъкидлайди.

«Устозлар айтган нарсани бажариш энг сеvimли ижод жараёни эди. Яхши ишларни кўриб, шундай ишларни орзу қилардик, этюд, наброскалар муҳимлигини билар эдик. Устозларимизнинг эса ишимизга фикр айтишини жуда истар эдик. Бу ивтилишларимиз зое кетмади шекилли» — деб таъкидлайди Ғофур ака. 1961 йиллардан бошлаб мустақил яратилган ижодий композициялари билан кўрғазмаларда актив иштирок этади. У 1965 йилга келиб эса рассомлар уюшмасининг аъзолигига қабул қилинади. Бир неча йиллик устозлик ижодий изланишлардан сўнг ана шу рассомлар билим юртида директор бўлиб ишлай бошлайди. Бу эса рассомнинг нафақат

ижодига, балки унинг педагогик фаолиятига берилган юксак баҳо эди.

Рассом учун янада масъулиятли давр бошланади. Тинимсиз ижод ва раҳбарлик фаолиятларида қаттиқ меҳнат талаб қилинар эди. Ун йилга яқин директор, ун тўрт йиллик рассомчилик билим юртидаги педагогик даврида кўплаб навқирон ёшларга мураббийлик қилди. Гофур ака директорлик пайтларида билим юртида таълим олган талабалардан Шухрат Абдурашидов, Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Алишер Мирзаев, Акмал Икромжонов каби унлаб ўзбек халқининг иқтидорли рассомлари етишиб чиққанини алоҳида таъкидлаш керак. Гофур акани қўлларида таълим олган, бугунги кунда тасвирий санъатни кўпгина соҳасида ижод қилаётган шоғирдларидан Б. Назаров (кино рассоми), К. Каримов (наққош), Ш. Рашидов (санъатшунос) каби рассом ва ҳайкалтарошларни мисол келтириш мумкин.

Рассом яратган композициялари кенг қамровлиги ва ранг-баранглиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу, айниқса, «Тўй», «Ғалаба», «Бахмаллик қизлар», «Қирқ биринчи йилдаги кузатув», «Ҳосил байрами» каби асарларида очиқ кўринади.

Рассом Гофур Абдураҳмонов ижодининг ажралмас ва ўзига хос томонларидан яна бири натюрморт жанри бўлиб, ўз натюрмортларида она табиат саховатини маҳорат билан тасвирлаб беради.

«Қўшиқ» асарини томоша қилар экансиз табиатнинг жозибали оҳанглари билан инсон қалбидаги туйғулар ҳамоҳанг жаранглаётганини тинглагандай бўласиз. Баҳор гуллари тўшалган қирлар, унга маҳлиё булган қизларнинг нафис ҳаракати, тоғ чуққилари, шунингдек, оқисдаги будутларнинг бир-бири билан узвий борлиқ бўёқларда тасвирланиши кишини ўзига сеҳрлаб қўяди. «Бахмалда тонг» номли манзарасида эса табиатда янгиланаётган ҳолат рассом томонидан илғаб олинган. Тасвирда эрта тонгдаги жонланиш, ер барридаги барча борлиқнинг уйғонаётганлиги яққол сезилиб турибди. Бу асарлар томошабинда яхши кайфият уйғотиш билан бирга мароқли дам олишига ёрдам беради. Табиатга булган муҳаббатни уйғотади ва эстетик завқ бахш этади. Рассом ижодида манзара жанрига бўлган қизиқиш куртакларини унинг дастлабки этюдларидаёқ кўриш мумкин. Гофур Абдураҳмонов Франция, Польша, Болгария каби хорижий мамлакатларда ижодий сафарларда

булиб, бир қанча ютуқлар билан қайтди. Хорижда, Мустақил Мамлакатлар Ҳамдўстлигининг бир қанча шаҳарларида бўлиб ўтган кўргазмаларда рассом асарларини олқиш ва қизиқишлар билан қабул қилишди.

Ҳозирги тасвирий санъат янги ютуқлардан дарак бермоқда. Рангтасвир санъати борасидаги бундай янги-ланишларнинг шаклланишида, Ғофур акага ўхшаган рассомлар ижодининг таъсир кучи яққол сезилади. Ғофур ака нафақат рассом, тажрибали педагог сифатида бир қанча рассомлар, рассом ўқитувчиларнинг устози ҳамдир.

### ҲАЙКАЛТАРОШ ДАМИР РЎЗИБОВ

Ҳайкалтарошлик санъатининг улкамиз ҳудудидаги замонавий жиҳатларини истеъдодли ижодкор Дамир Рўзибоев фаолиятида яққол кўриш мумкин. Дастлаб рангтасвир ва графика санъати билан шуғулланган Дамир Рўзибоев ҳайкалтарошлик оламига асосан 60-йилларда кириб келади.

У 1939 йилда Самарқандда туғилган. 1958 йилда эса республика бадний билим юртини муваффақиятли тугатади. Ана шу билим юртида таълим олган йиллари таниқли рассом Александр Николаевич Волков билан танишиши унинг ижодий фаолиятини шаклланишида катта аҳамият касб этди. Машҳур рангтасвир устаси А. Н. Волковнинг таъсири бўлса керак, Дамир Рўзибоев ҳайкалтарошликда рангтасвир ва графикани қўшиб янгича муваффақиятга эришиш ниятида ижод йўлига астойдил кира бошлади. Д. Рўзибоев ҳайкалтарошлик санъатининг ўтмишдаги рангли намуналари ўзига хос анъанавий мактаб эканлигини ҳам ўрганиб чиққан, мусиқа ва тасвирий санъатининг ўртасида азалдан боғлиқлик мавжудлигини кузатган. Шунинг учун ҳам у бир қанча асарларида халқимизнинг мусиқа меросига, оғзаки ижодига мурожаат этиб келмоқда.

Санъаткор ижодида шакл ва ҳажмларнинг ўзига хослигини ҳаракатларни табиийлик билан тасвирланиши, у танилаган мавзуларнинг ранг-баранг ва кенг қамровлигидан ҳам яққол сезиш мумкин. 60-йилларда ишлаган бир қанча ҳайкалларида халқимизнинг маданий ҳаёти ва эъелилар қиёфасини акс эттирган асарларга дуч келамиз. 1962 йилда ишланган «Чойхона» деб номланган асарида кекса ва нуроний чоллар суҳбати, ҳаракатлари ва характерлари шарқона бир кўринишда акс

эттирилган. Санъатшунос олим Р. Тақтош портрети, рас- сом В. Савицкий ва Саида портретларида замондошларимиз образлари тўлақонли ифодасини топган.

1965 йилда rassomлар иттифоқига аъзо бўлиб кириши ҳайкалтарошнинг санъатдаги ижодий масъулиятини янада оширди. Энди унинг асарларида янгича изланишлар, образларни чуқурроқ таҳлил қилиш замонавий ҳайкалтарошликда ўз урнини қидираётганлигини кўрсатади. Ҳақиқатда ҳам, 60- йилларда яратилган бир қатор асарларидаёқ Д. Рўзибоевнинг ижодий муваффақиятлари аниқ кўринади. Утмиш ҳайкалтарошлигидан таъсирланиб яратган «Қора рельеф» асарида қадимги ривоятларни эслатувчи қиёфа гавдаланади. Бир қатор портретларида эса замонавий руҳ ва ҳамюртларимизнинг образлари ўз аксини топган. Бу ўринда ёғочдан ишланган «Саида» (1962 й.) портретида гўзаллик ва латофат ички бир туйғу билан акс этганлиги диққатга сазовордир. Етмишинчи йилларнинг бошига келибоқ, ҳайкалтарошнинг асарларида бадий ифодалар қамрови кенгайди. Масалан, чуқур фалсафий мушоҳадаларга эга бўлган Абу Райҳон Беруний портрети бу ўринда диққатга молик. У 1972—75 йилларда ижодий изланишлар билан биргаликда Ўзбекистон rassomлар иттифоқининг ҳайкалтарошлик бўлимини (секциясини) бошқаради. 70- йилларнинг иккинчи ярмига келиб эса ҳайкалтарошнинг ижоди мазмунан ва шаклан янада бойиди. «Созандалар» (1977) деб номланган асарида катта бир байрамона тус акс эттирилиши билан бирга ҳар бир образнинг ўзига хос характери, хусусияти киши эътиборини жалб қилади.

Дамир Рўзибоев ҳайкалтарошлик санъатига бирданига кириб келгани йўқ. Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги ҳайкалларни таниқли археологик ва санъатшунос олимлар Г. Пугаченкова, Б. Турсуновлар билан ҳамкорликда қидириб топди ва урганди. Бу жараёнларда уларни шаклу шамоилни таҳлил қилар экан, ўтмиш ҳайкалларида ўзига хос бир оламни кашф этди. Шунинг учун бўлса керак, санъаткор ўтмиш ҳайкалтарошлигидаги анъаналарга қайта-қайта мурожаат қилади.

Дамир Рўзибоев дастлаб графика ва рангтасвир санъати билан астойдил шуғулланганлиги учунми ёки ўтмиш ҳайкалтарошлигидан катта таассурот олганлиги натижасини рангтасвир санъатини ҳайкалтарошликка сингдирмоқда.

Дамир Рўзибоев ҳайкалтарошлик санъатида катта

бир мактабни ўтаб келаётир. Унинг изланишлари ранг-баранг услубларга бой. Буни биз санъаткор ижодида рангли ҳайкалтарошлик санъатининг юзага келганлиги орқали гувоҳи бўлишимиз мумкин. Д. Рўзибоев ҳайкаллардаги шакл ва ҳажмларга бўёқ бериш билан уларнинг сەҳрли оламини янада мўъжизали қила олади. Санъаткор бу билан қониқмасдан ҳайкалда акс эттирилаётган воқеани рангин сирларини матоларда янада тўлдиради. Яна бир муҳим томони Д. Рўзибоевнинг изланишлари келажак муаммоларини талқин қилишга қаратилган. Санъаткор кўтаришчи руҳ билан мусиқа, рангтасвир асарларини ўрганиб ўз ҳайкалларида жамлашга интилади. Ҳайкалтарошнинг ажойиб фазилатларидан яна бири унинг асарларида ҳиссий мазмундорлик бойиб бораётганлигидадир. Ана шундай мазмундорлик орқали у инсон маънавиятини тобора тўлароқ қамраб ифодалашга ҳаракат қилади. Дамир Рўзибоев асарларини кузатар эканмиз, Ўзбекистоннинг ва бутун жаҳоннинг классик ҳайкалтарошлик санъатини қизиқиб ўрганганлигини аниқ сезамиз.

### ЖУЛДОСБЕК ҚУТТИМУРОДОВ

Қорақалпоғистон тасвирий санъати равнақига ҳисса қўшиб келаётган атоқли ҳайкалтарош Жўлдосбек Қуттимуродов ўз халқининг маънавий гўзаллигини жонлантириш билан томошабинлар ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда. Ҳайкалтарош Жўлдосбек Қуттимуродов 1934 йилда Кегайли районининг Оқтуба қишлоғида туғилган. Мактабдан сўнг республика рассомчилик билим юртида А. П. Лунёвдан таълим олади. Кейинчалик санъат институтида тасвирий санъат сирларини астойдил ўрганади. Шу тарзда Жўлдосбек Қуттимуродов 1960 йилларда ҳайкалтарошлик санъатига эркин ижодий изланишлар билан дадил кириб келади.

Жўлдосбек Қуттимуродовнинг «Орзу» (1960), «Арслон» (1965), «Бош кийимли қиз» (1965), «Келин» (1965) каби бир қанча асарларида гўзаллик, латофат, қорақалпоқ халқига хос анъаналар мужассамлашганини кўрамиз. Ҳайкалтарошнинг ижодий камолоти айниқса «Искандар Зулқарнайн» (1967), «Шамол», (1967—68), «Ниҳол» (1970), «Беруний», «Оққуш ва қиз» (1970—78) каби асарларида яққол сезилади. Уйғун тасвирланишлар, яъни бадиий образнинг жонлилиги, бутунлигини таъминланиши Ж. Қуттимуродов асарларида ҳар жиҳатдан

ўз ифодасини топган. Бу ўринда айниқса «Балиқларни қутқараётган Анахита» (1981), «Иккиюзламачи аёл» (1980), «Фарҳод» (1981), «Гулдурсун» (1982), «Ўтирган қиз» каби ҳайкаллари эътиборга молик.

Талантли ҳайкалтарош Жўлдосбек Қуттимуuroв тасвирий санъатда ўз йўли ва ўз услубини топар экан, бу ўринда ҳам жаҳон маданиятидаги илғор намуналарга таяниб, шарқ халқларининг анъана ва турмуш тарзига ҳурмат-эҳтиром билан қарайди.

### ИЛҲОМ ЖАББОРОВ

Илҳом Жабборов 1945 йили 30 июнда Чуст районининг Олмос қишлоғида таваллуд топган.

Азал-азалдан амалий санъат усталари билан машхур бўлган бу қадимий Чуст замонамизнинг таниқли ҳайкалтароши Илҳом Жабборовнинг она юрти ҳисобланади. Олмос қишлоғидаги мактабда 8 йиллик маълумотни олгандан сўнг Илҳом 1961 йили Тошкентдаги бадий билим юртининг театр безакчиси бўлимига ўқишга киради. Маълумки, тасвирий санъатнинг марказий мактабларидан бўлиш бу билим юртида расм сабоқларининг барча қирралари ўргатилар эди. Театр безакчи рассоми бўлишнинг мураккаб жиҳатлари мавжудлиги сир эмас. Билим юртида унга таниқли рассом Грищенко устозлик қилган. Ана шу йиллар Илҳом Жабборов учун тасвирий санъат сирларини ўрганишида алоҳида бир мактаб вазифасини ўтаган. Бу ерда у театр безакчилиги бўлимини тугатиб Намангандаги театрга ишга боради. Атоқли мусавир Урол Тансиқбоев таъкидлаганларидек, санъаткор бўлиш улкан бахт, ammo унинг машаққатлари ҳам бор. Тасвирий санъатга бўлган иштиёқ бўлгуси ҳайкалтарошни 1966 йилда санъат институтига бошлади. Бу ерда у таниқли ҳайкалтарош Анвар Аҳмедовдан сабоқ олди.

Маълумки, ҳайкалтарошликни ўрганишда қаламтасвир сирлари алоҳида аҳамият касб этади. Бу ерда олинган таълим 1971 йилгача давом этиб, санъат сирларини ўрганишнинг кейинги босқичи ҳам ўз самарасини бера бошлади. Албатта, илм ва санъатни ўрганиш устозларнинг меҳру маҳоратларига боғлиқ. Илҳом Жабборов билим юрти ва санъат институтида таълим олган йилларидаёқ ўзининг иқтидори билан ажралиб турар эди. Шунинг учун ҳам у яратган асарларда ранг-баранглик, композицияларнинг бойлиги яққол кўзга ташланади. Ай-

ниқса унинг «Хаёл» номли асари диққатга сазовордир. Шундай қилиб, Илҳом Жабборов ижодида ўта ранг-барангликка бой ҳайкаллар вужудга кела бошлади. Ҳайкалтарош бир қатор тарихий алломалар образини яратишга муваффақ бўлди. Булардан, айниқса «Ибн Сино», «Форобий», «Навой ва Жомий», «Ғафур Ғулом» каби асарлари эътиборга моликдир. Ҳайкалтарош турли композициялар, ранг-баранг портретлар яратар экан, замонавий ҳайкалтарошликда маҳорат эгаси эканлигини исботлади.

Янгилашиш, уйғониш, ижодий камолот сари астойдил ҳаракатлар Илҳом Жабборов ижодига қанот бахш этди. У буюк саркарда Амир Темур образини монументал ҳайкалда тиклади. Ҳайкалтарош Темур образига мурожат қилар экан, соҳибқирон ҳақидаги адабиётларни, миниатюра тасвирларни, рассомларнинг ишларини астойдил талқин қилганлигини таъкидлайди.

— Амир Темур образини яратиш орузи менда илк бор бундан 25 йилча аввал пайдо бўлди. Ушанда Самарқанд шаҳрида бўлганимда тепамда худди улуғ бобомиз руҳи учиб юргандай қалбим ларзага келган эди. Самарқандга иккинчи марта борганимда Зарафшон бўйида тепаликнинг устида шоҳ руҳи шаҳарни қўриқлаб тургандай кўз олдимга келди. Неча асрдан кейин етиб келдим, учиб келдим, деяётгандай... Ҳайкалимнинг ғояси ҳам шу фикр-ўйлар, хаёлда туғилган образ асосида шаклланди. Темур 27 давлатга маданият олиб борган, волиmlарнинг додини берган, қаерда қўзғолон бўлса, бориб бостириб, тинчитиб келган. Ҳайкалдаги от жилловини маҳкам ушлаб турганининг рамзий маъноси бор — катта бир мамлакатни бошқариб тургандай ҳолати ифода этилган. Гўё мамлакатда осойишталик, тинчлик гуллаб-яшнасин, деб тургандай ғоя илгари сурилган, дея эътироф этади ҳайкалтарош.

Дарҳақиқат Илҳом Жабборов бугуинги монументал ҳайкалтарошликка дадил кириб келган ва бу соҳада ўзининг улкан асарларини ярата олган етук ижодкордир.

XX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ҳайкалтарошлик санъати ҳам аниқ бир қиёфани ўзида жамлади. Бу борада самарали ижод қилган рассомлардан Ҳакимхўжа Ҳусниддинхўжаев, Бапиро Яков Иосифович, Абдумўмин Бойматов, Эйнулла Алиев, Жўлдосбек Қуттимуродов, Анвар Аҳмедов, Илҳом Жабборов, Улугбек

Мардиев каби кўплаб ҳайкалтарошлик санъати усталарини мисол келтириш мумкин.

Атроф-муҳитнинг бадиий бойлиги халқ ёки миллатнинг маънавий қиёфасини ўзига хос гавдаланишида монументал ҳайкаллар алоҳида ўринда туради. Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби республикамиздаги шаҳарларда сайр қилсак кўплаб салобатли ҳайкалларга дуч келамиз. Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Беруний, Ибн Сино, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулوم каби ўзбек халқининг сеvimли фарзандларининг образлари муҳрланган монументал ҳайкаллар қад кўтарган.

Монументал ҳайкалларда қонли жангларда ҳалок бўлган ота-боболаримиз қиёфалари ҳам мукамал ифода этилган. Афсонавий халқ қаҳрамонлари, достонлардаги Алпомиш, Фарҳоду Ширинлар образлари ҳам ўзгача талқин қилинган. Хуллас, Ўзбекистон ҳайкалтарошлик санъати халқимиз руҳиятига мос шаклу шамоилини топа олган.

## ЖАВЛОН УМАРБЕКОВ

### Ўзбекистон халқ рассоми

Раиғтасвир санъатида улкан муваффақиятларни қўлга киритган истеъдод эгаси Жавлон Умарбеков 1946 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган.

1961—1966 йилларда П. П. Бенков номидаги республика рассомлик билим юртида таълим олади. Ана шу талабалик йилларининг ўзидаёқ Тошкент шаҳрида ўтказилган кўргазмада қатнашиб (1965 й.) «Ҳосил» номи асари билан биринчи мукофотга сазовор бўлган. Рассом Жавлон Умарбеков 1966—1972 йилларда собиқ Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтида таҳсил кўрган. Мана шу йиллари ҳам бир қатор асарлари билан кўргазмаларда иштирок этиб, санъат ихлосмандлари ҳурматини қозонди.

Санъаткор ижодининг дастлабки намуналаридаёқ шарқона руҳ яққол кўзга ташланади. Бунинг замирида мусаввирнинг шарқ анъаналарини пухта ўрганганлигини кўрамиз.

Ж. Умарбеков «Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг ёшлиғи» га бағишланган, 1968 йилда яратилган асарида икки дўстнинг шарқона образини тасвирлайди. Бу борада ўзининг катта маҳорат эгаси, шунингдек, раиғтасвир санъатининг чинакам устаси эканини намо-



ён қила олган. 1969 йилда ишланган «Қўшиқ» деб номланган картинасини кузатар эканмиз ўз давридаёқ ўзига хос мўйқалам юритишда катта муваффақиятни қўлга киритганига гувоҳ бўламиз. Бу композиция ечимида най чалаётган уspirин йигитнинг қиёфаси, ёшлик, беғуборлик ижодий парвозлар руҳини куйлаётган бир оҳангда мужассамлашган.

Умуман, талабалик давридаги ижодий намуналаридан бўлмиш юқорида қайд қилинган асарларидаги образларни мутаносиб тасвирланиши рамзий ифодалар билан композицияни уйғунлаштирган. Рассомнинг талабалик йилларига тегишли диққатга сазовор ишларидан яна бири «Менинг дўстим» (1971 йил) деб номланган. Унда ўзбекона кайфият билан йўғрилган асар орқали Жавлон Умарбеков рассом дўстига ва композициядан ўрин олган оналик сиймосига меҳр ва муҳаббатини ифода этади. Жавлон Умарбеков ўз устози Чингиз Аҳмаровдан нафақат таълим олибгина қолмасдан санъ-

атга садоқат, аждодлар меросига ҳурмат ва муҳаббатни ҳам ўрганган. «Сувга» (1975 й.), «Ёз» (1976 й.), «Илбиринчи қор» (1977 й.), «Олтин натюрморт», «Автопортрет» (1975 й.), «Сувга келаётган аёл» каби асарларида рангтасвир санъатининг илғор замонавий анъаналарини мукаммал эгаллай бошлагани аниқ кўзга ташланади. Ж. Умарбеков олийгоҳни тугатгач, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейининг бош рассоми, кейинчалик (1974 йилдан) А. Н. Островский номидаги (ҳозирги М. Уйғур номидаги санъат) Тошкент театр ва рассомлик институтида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1984 йилдан 1987 йилгача Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси бошқаруvinинг раиси сифатида ҳам самарали хизмат қилади. 1980 йилларга келиб рассомнинг мазмуни кенг қамровли ва композиция жиҳатидан янада мураккаб асарлари тасвирий санъат ихлосмандларининг ҳурматиغا сазовор бўлди. Бундай асарларда тарихий-фалсафий гоялар олға сурилган экан, ижодий изланишлар билан боғлиқ меҳнат самараси юзага чиққанини таъкидлаш ўринли. Ж. Умарбеков доимо ижодий изланиш ва янгилик яратиш руҳи билан яшаб келаётган санъат усталари билан бир-бирини такрорламайди. 1990--1995 йилларда яратилган «Гуллар», «Натюрморт: Гуллар ва тиканлар», «Мешкоб», «Натюрморт: Идиш-товоқ», каби асарлари бу ўринда фикримизнинг яққол далилидир. Ҳақиқатда ҳам рассомнинг иссиқ табиатли шарқона бўёқлари қамрови ичидаги рангин асарларини кузатар экансиз ўзбекона руҳни илғайсиз. Санъаткор ранг-баранг композициялар, портретлар, бой мазмуни манзара ва натюрмортларнинг муаллифидир. Унинг ижод намуналарида санъат қиёмега етказилади, профессионал тугаллик ўз ўрнини топади.

Жавлон Умарбеков асарларида тарихий шахслар қиёфаси тўлақонли композициялар қамровида гавдаланади. Бу ўринда айниқса Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур каби тарихий шахслар образларининг тўлақонли гавдаланиши диққатга сазовордир. Кейинги йиллардаги асарларида рассом миллий меросимизга, жумладан амалий безак санъатидаги анъаналарга эътиборини кучайтирди. У халқ амалий санъатидаги рамзий белгилар калитини топиш, уша сиру асрорларни бўёқлар орқали жонлантириш борасида изланишлар олиб бормоқда.

## БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ

Баҳодир Жалолов — Ўзбекистон халқ рассоми, Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотиининг совридори, номинант раивга санъати ривожига ҳисса қўшиб келадиган таланти рассомлардан биридир.

Баҳодир Жалолов 1948 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1968 йили П. П. Бенков номидаги Республика рассомлик билим юртини тугатади. 1974 йилда у ва Н. Е. Решин номидаги Санкт-Петербург рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик институтининг безатиш институти факультетини тамомлайди. Ёшлик йилларида портрет санъатининг устаси Абдулҳақ Абдуллаевдан таълим олади. Рассом ижодий фаолиятининг дастлабки ишларида миллий ҳис-туйғулар турли хил равишда ўз ифодасини топади. Б. Жалолов тасвирий санъат борасидаги таҳсилни давом эттириб кейинчалик Чингиз Аҳмаров, Рўзи Чориев, Мильников, Королевлардан тасвирий санъат сирларини ўрганди. Шу сабабли ҳам у яратган портретларда маҳоратлилик кўзга аниқ тилиниб туради. Унинг ижодидаги туйғулар уйғунлиги томонинини ўзига маҳлиё этиб қўяди. Дарҳақиқат, «Рақсининг тугилиши» композицияси ўзбек раққосаларини улуглабгина қолмасдан, уларга бўлган самимий ҳурмат ва муҳаббатни намоён қилганини кўрамыз.

Баҳодир Жалолов портрет санъатида кўп ютуқларга эришди. Унинг тўлақонли асарларида ўзбек халқининг самимий фарзандлари сиймоси ўз ифодасини топган. Бу ўринда айниқса академик рассом Урол Тансиқбоев, буюк олим, академик Воҳид Зоҳидов, санъатнинг машҳур даргалари Комил Ёрматов, Малик Қаюмов, Муҳитдин Раҳимов, Ҳамро Раҳимова, Ақром Тошканбоев, Дамир Рўзибоев каби улуглар сиймоси сўзимизга мисолдир. Рассом инсон шахсини доимо ўрганишга, уни ҳар томонлама ҳис қилишга интилади. Дарҳақиқат, юқориди кўрганимиздек Баҳодир Жалолов ижодий фаолиятининг яқин кўлами инсонлар образига, яъни портретлар яратишга қаратилган. Тасвирий санъатда у киши ўз рағбати оламни янгидан янги жиллолар билан тобора бойитиб келмоқда.

Баҳодир Жалолов эришган етукликининг яна бир жиҳати шундаки, у шарқ ва гарб анъаналарини ўзлаштириб, ана шу анъаналардаги муштаракликни топиб, уни юзага чиқаришга муваффақ бўла олган рассомдир. Ана шунинг учун ҳам хорижий давлатларнинг санъат ихлос-

мандлари эътиборига муяссар бўлган. Рассом ўзининг монументал паннолари билан дунёнинг илғор давлатларида ҳашаматли сарой ва биноларни безатиб келмоқда. Рассом ижодига таниқли олим Тилаб Маҳмудов баҳо бериб шундай дейди: «Баҳодир учун инсон ва инсоният тарихи жумбоқ эди. У бу жумбоқни ечишга, ўз халқи тарихини башарият тарихи билан ҳамоҳанг нуқталарини топишга ҳаракат қилади». Дарҳақиқат, рассом кенг тафаккурли ижодкор сифатида одам, олам, коинот сирларини ўрганишга интилади.

Баҳодир Жалолов ижодида олам сирлари ўзгача талқин этилади. Бу ўринда «Гул ва Райҳон афсонаси», «Нидо», «Бахт қуши», «Абадий ва навқирон Ҳиндистон», «XXI аср мадоннаси» каби кўплаб асарларни мисол келтириш мумкин.

Мустақил Ўзбекистон тарихига бағишланган Ўзбекистон халқлари тарихи музейи деворига ишланган монументал кўринишдаги сурат жиддий ва мазмули тарихий далиллар орқали салобатли тасвирланиши билан ҳар қандай томошабин эътиборини ўзига жалб қила олади. Полотнони кузатган томошабин тарих сирларига эга бўлган ўзбек халқининг буюк ва қудратли эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Умуман, тасвирий санъат асарларини бир марта кўришдаёқ тўлиқ идрок қилиб бўлмайди. Албатта, уни қайта ва яна қайта кўриш, кузатиш, мушоҳада қилиш туфайли асар композициясида ифода этилган ғояларни янгидан-янги қирраларини кашф этиш мумкин. Баҳодир Жалолов ижодиёти шу жиҳати билан қадрлидир. У ўзбек тасвирий санъати ривожига астойдил ҳисса қўшиб келмоқда.

#### АЛИШЕР МИРЗАЕВ

Алишер Мирзаев — Ўзбекистон халқ рассоми, ранг-тасвир устаси. У 1948 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Замонавий рангтасвир санъатининг илғор вакилларидан бири. Серқуёш Ўзбекистон табиатини рангин оламини тасвирлашда бебаҳо ютуқларни қўлга киритиб келаётган истеъдод эгасидир.

Рассом Алишер Мирзаев халқимиз анъаналарига, бой ва сермазмун ўтмиш тасвирий санъат меросига ҳурмат билан қарайди. Рассом ўз халқига хос психологик кечинмаларини чуқур таҳлил қила олади. Шунинг учун ҳам картиналарида фикр тиниқлиги бўёқлар мажмуаси билан уйғунлашган. Энг муҳими, рассом ўз ижодий из-

ланишларида буюк бир парвозларга астойдил ҳаракат қилаётгани эътиборга моликдир.

Алишер Мирзаев кимгадир тақлид қилмайди, ўз изланишлари уни чинакам санъат бағрига тортади. Етмишинчи йилларнинг иккинчи ярмидаёқ А. Мирзаев асарлари ихлосмандлар эътиборини қозона бошлаган. Бу унинг полотноларга туширган бўёқлари халқимиз руҳияти ва характериға тўла-тўқис мослиги билан изоҳланади. Рассом тинимсиз меҳнат қилар экан, ҳар бир кунги ҳаракатида чинакам ижодий парвозларға интилади.

Алишер Мирзаевнинг яна бир ажойиб хусусиятларидан бири — ўз ижодий ютуқларидан қониқмайди, ижод намуналарига танқидий кўз билан қарай олади, ана шу танқидий назарлар санъаткорни янги ижодий довлонлар сари етаклайди. Рассом асарлари бугунги кунда халқимиз ҳурматини қозониш билан бирға, кўпгина хорижий давлатларда ҳам маълум ва машҳурдир. Бу борада, айниқса, Германия, Болгария, Руминия, Италия, Франция каби хорижий давлатларда қўлга киритган муваффақиятларини таъкидламоқ керак.

Рассом она табиат бағрида ўзбекона анъаналарни, тўйларни, беғубор ўзбек болаларини, лобар қизларни, муштипар оналар каби образларни акс эттира олишиға муваффақ бўлади. Жумладан, «Тошкент — тинчлик ва дустлик шаҳри» триптихи, «Болахонада», «Интизорлик», «Еш она ҳақида қўшиқ» ва шулар каби ўнлаб асарлари мойбўёқларда ўз аксини топди. Умуман рассом табиат ва жамиятда бўлаётган ўзгаришларни эътиборсиз қолдирмайди. Рассом тасвирларға шундай жон бағишлайдики, ундаги гўзаллик сирлари одамларни эзгуликка етаклайди. Тасвирий санъат қудрати, рассом таъбири билан айтганда, безовта юракларни тинчлантиради. Дарҳақиқат Алишер Мирзаев ана шундай туйғу ва фикрлар билан ўз қалб қўрини матоларға жо қилмоқда. Бундай маърифат ва гўзаллик тарқатиш, чинакам кучға эға бўлган ҳақиқий санъат асарини яратиш — бу рассомнинг асосий шиоридир.

#### АКМАЛ ИКРОМЖОНОВ

Акмал Икромжонов — таниқли рангтасвир устаси, ўз фикр ва ғояларига эға бўла олган талантли рассомдир. Унинг ижодига назар ташлар эканмиз, давр руҳи, давр кайфияти, қувончи-ю ташвишлари намоен бўлаётганини кўрамиз.

Акмал Икромжонов 1952 йил Тошкент шаҳрида тиваллуд топган. Санкт-Петербург шаҳридаги И. Е. Репин номли олийгоҳда санъат сирларини ўрганди. Ижодий парвозлар сари йўл олар экан, Акмал Икромжоновнинг асарлари кўرғазма залларида тез-тез намойиш этила бошлади. Бу кўрғазмаларга қўйилган картиналар унинг ижодидаги такрорланмас ва мазмундор композициялар билан бойитилаётганини кўриш мумкин эди. Рассом ижодининг ўзига хослиги тасвирий санъат тараққиётидаги услубларни яхши билганликлари ва шу замондаги хос композициялар ярата олганлиги билан ҳам изоҳланади. Аввало шунини айтиш керакки, бундан бир неча йил муқаддам А. Икромжонов ўз даврининг аччиқ қисматларини бир неча композицияларда маҳорат билан кўрсата олган. Айниқса, «Орол меининг дардим» (1988 йил), «Ҳисор фожияси» (1989 йил), «Чақмоқ» (1989 йил) каби асарларида давримизнинг мураккаб муаммоларини акс эттирибгина қолмасдан, табиатга, инсониятга меҳр-шафқат, адолатпарварлик зарурлигини таъкидлайди. Бу асарлар ҳар бир композицион ечимини тугаллиги, фикрларнинг тиниқлиги билан томошабинга воқеликни тўла-тўқис аниқлатади. Собиқ совет даврида бундай муаммоларни очиқ-ойдин айтиш жуда мушкул вазифа эди. Рассомни она табиатга бўлган меҳр-муҳаббати тинч қўймайди. Айни ўша йилларда у кетма-кет Орол дарё аламларини акс эттирувчи қатор асарларни яратди.

Акмал Икромжонов бир қатор асарларида авангардчиларга хос анъанани давом эттириб ўз фикрлари билан бу йўналишни бойитишга ҳаракат қилади. Масалан: «Нигоҳ» номли полотноси бу ўринда диққатга сазопардир. Унда Салвадор Дали қиёфаси орқали ҳаётнинг поэтик, шунингдек муаммоларга бой сирларини ўзига хос тарзда очиқ беришга эриша олган. Бу билан бирга у Салвадор Далига бўлган жуда катта ҳурматини ҳам акс эттиради.

Рассом ижодига назар солар эканмиз, ижодининг янада серқирра ва ранг-баранглигини гувоҳи бўлишимиз. Айниқса, бу ҳол ҳинд халқининг ҳаёти ва тарихига бағишланган асарларида кўзга яққол ташланади. Акмал Икромжонов Калкуттада бўлган кезларида ҳинд халқларининг тарихини, ҳаётини, эътиқодини астойдил кузата олганлигини «Хиндистон I», «Камасутра», «Хинд қиз», «Роҳиб» каби асарлари орқали илғаймиз. Рассом ҳаётни, унинг сирли оламини ўз ички кечинмалари



билан ёритиб беришга ҳаракат қилади. Бу ўринда эса унинг «Дарвеш» номли асарини мисол келтириш мумкин.

Акмал Икромжонов асарлари бир қатор хорижий давлатларнинг кўرғазмаларидан, музейларидан ўриқ олган. Жумладан, Америка, Англия, Германия, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа давлатларда унинг ихлосмандлари кўп. Рассом доимо ижодий изланишлар билан банд. Ани шунинг учун ҳам рассом фаолиятида тез-тез янгиинги асарларга дуч келамиз. Бу меҳнат ва ҳаракатлар зор кетмади. Рассом эл назарига тушди—1990 йилда Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг совриндори бўлди. Дарҳақиқат, рассомнинг ҳар бир кўрғазмасида ян-

гича ижод намуналарига дуч келар эканмиз, ҳар бирида ўзига хос парвозлар намоён бўлади.

Рассом портрет санъати борасида ҳам ижод қилиб буюк бобомиз Мирзо Улуғбек сиймосини тўлақонли гавдалантиришга муваффақ бўлди. Бу портрет махсус конкурсда аъло баҳоланиб, эталон сифатида қабул қилинди. Бу ҳам рассомнинг маҳоратидан дарак. Умуман, рассом турли композициялар билан биргаликда портрет санъатининг устаси сифатида ҳам аллақачон шуҳрат қозонган.

Акмал Икромжонов ижодидан кенг ўрин олган соҳалардан бири натюрморт жанридир. Тўқсонинчи йилларнинг бошларида кўргазмага қўйилган «Гулдонли натюрморт» асари киши эътиборини ўзига тортади. Қизиқарли томони шундаки, доривор ўсимликлардан бўймадорон гулларининг тасвирланиши ва бу ердаги шиша идишларнинг материал жиҳатдан характери тўла-тўқис ўз қиёфасини топа олган. Рассом ишлаган натюрмортларда предметнинг хусусиятлари маҳоратли тасвирланиши билан бирга фалсафий мушоҳадалар рангларда акс этади.

Рассом ранг-баранг натюрмортларида буюм ва нарсалар мева ва сабзавотларнинг гўзаллигини тасвирлабгина қолмасдан она табиат сир-асрорларини талқин қилишга эришади.

Акмал Икромжонов ўзи тенги ҳамкасбларининг кўп ҳолларда пешвоси бўлиб мазмундор кўргазмалар ташкил қилади. Бу борада Муҳаммадхон Нуриддинов, Собиржон Раҳметов, Имяр Мансуров каби дўстлари билан амалга оширган ижодий кўргазмалари эътиборга моликдир. Бир қараганда уларнинг ижодий ҳамкорлигида қандайдир уйғунлик мавжуд бўлиб кўринса-да, аммо ҳар бирининг ўзгача изланиши, ўзгача ютуқлари намоён бўлади. Масалан: С. Раҳметовнинг асарларида шарқона миниатюра характерига хос анъаналар бадқиб турса, Муҳаммадхон Нуриддиновнинг ижодида эса портрет жанри етакчидир. 90-йиллар тасвирий санъатининг илгор вакиллари бўлмиш бу рассомлар айни пайтда ёшларга маҳорат сирларини ўргатишмоқда.

## ТЕМУР САЪДУЛЛАЕВ

Халқимиз тасвирий санъат мероси анъаналарини ўзлаштириб, замона руҳиятига, характериға мос равишда давом эттира олиш ҳар қандай мусаввирға ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун аввало тасвирий санъат тарихини ўзбек мумтоз адабиёти билан чамбарчас ва узвий боғлиқлигини рассом чуқур ҳис қилмоғи лозим.

Машҳур мусаввир Чингиз Аҳмаровнинг севимли шогирдларидан бири Темур Саъдуллаев бу борада улкан ижодий муваффақиятларға эриша олган рассомлар сирасига киради. Дарҳақиқат, рассомнинг бу борада ўз ижодий йўли, сермазмун асарларининг алоҳида яратилиш тарихи ҳам мавжуд.

Темур Саъдуллаев 1948 йил 20 апрелда Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги Қангли қишлоғида Саъдуллахон исмли диний илмлардан яхшигина хабардор бўлган саводхон кишининг oilасида таваллуд топади.

Саъдуллахон ота ўз фарзандларини илмли ва диёпатли бўлишға етаклаган, шунингдек, қишлоқ аҳли ҳам у кишининг маслаҳатлари, йўл-йўриқлари билан иш кўришган. У киши билимдон булиш билан бирға дутор чертиб хиргойи ҳам қилиб юрганлар.

Умуман, Темур Саъдуллаевнинг аждодларидан нафосат сирларини яхши билганлар кўп бўлишган. Шулардан бири Ҳошимхон исмли амакилари Рустами дoston, Алпомиш каби халқнинг севимли қаҳрамонларига бағишлаб кўплаб расмлар ишлаб юрганлар.

Темур Саъдуллаев дастлаб ўзи туғилиб ўсган қишлоғидаги Алишер Навоий номли мактабда таълим олади. Бу мактабда Навоийхонлик кечалари, учрашувлар бўлиб турар эди. Уша анжуманларда қатнашган ёш рассом Темур ишлаган расмлар кўпчиликининг эътиборини тортар эди. Шундай қилиб, Темур мактабда ўқиган пайтидаёқ миниатюра санъатига хос тасвирларни иштиёқ билан кузатар ва улардан илҳомланар эди. Шунинг учун ҳам таниқли рассом Чингиз Аҳмаров билан учрашиш, ундан маслаҳатлар олиш истагини ўз акаси Амирга билдиради.

— Энг бахтли кунларимдан бири — илк бор 1966 йилда ўзим ишлаган кўплаб суратларни кўтариб акам билан Чингиз Аҳмаров ҳузурига борганимиз ҳали-ҳали иўз ўнгимда турибди, — деб эслайди рассом.

Т. Саъдуллаев ўша кишининг маслаҳатлари билан шу йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тасвирий санъат ўқитувчилари тайёрлайдиган факультетига ўқишга киради. Бу ерда таниқли рассом профессор Малик Набиевдан рангтасвири ва ҳайкалтарош Абдумўмин Бойматовдан қаламтасвир сирларини ўрганади.

Талабалик йилларидаёқ тез-тез Чингиз Аҳмаров хузурига бориб турар, у кишига хос сурат ишлаш анъаналари Темур Саъдуллаевга жуда ёқар эди. Тасвирий санъатдан анчагина билим ва малакага эга бўлгандан кейин, Навоий лирикасига бағишлаб диплом иши қилиш нияти борлигини устоз Чингиз Аҳмаровга билдиради. Ана шундан сўнг атоқли адабиётшунос олим Ҳамид Сулаймонов билан учрашиш ва танишишга муяссар бўлади.

Адабиёт ва тасвирий санъатнинг жонкуяр вакиллари билан яқинлашиш Темур Саъдуллаев зиммасига уш масъулиятли вазифаларни юклайди. Ёш рассомдиги интилиш, қизиқиш ва истеъдодни кўрган Ҳамид Сулаймонов унга оталарча ғамхўрлик қилиб, талабалик пайтидаёқ адабиёт музейига рассом сифатида ишга ўтказилади. Ҳамид Сулаймонов бу ёш рассомнинг сичков ва билимдонлигини сезгандан кейин у ишлаган расмларни тез-тез кўздан кечирар эди. У бўлажак мусаввирнинг шаклланишига ўз вақтидаёқ катта имконият яратган эди.

Алишер Навоий асарларига бўлган қизиқиш музейга ишга келганидан сўнг рассомда янада кучайди. Натижада аста-секин мусаввирнинг ранг-баранг мушоҳадага ундайдиган портретлари юзага кела бошлади. Бунинг яққол далили сифатида «Алишер Навоий ва Камолиддин Беҳзод» номли асари эътиборга моликдир. Тоza табиат бағрида худди шу табиатдек берубор ва пок ижод вакиллари образини рассом тасвирлашга муваффақ бўлган. Асарга жиддий назар ташлаган томошабин иккита улкан санъаткорни ижодий мулоқотга нечоғлик бандлигини сезади. Мана шу ижодий суҳбат икки буюк санъаткор яшаган давр руҳиятини намоён қилиб тургандек. Рассом Темур Саъдуллаев истеъдодини юзага чиқишида ва санъаткор сифатида шаклланишида шубҳасиз отахон устозлар Чингиз Аҳмаров ва Ҳамид Сулаймоновларнинг хизматлари каттадир. Албатта бундай инсонларни ишончини оқлаш рассомга жуда катта масъулият юклайди.

Ана шунинг учун ҳам у ўз устида янада жиддийроқ ишлар билан санъатнинг назик ва машаққатли йўлини чуқурлашди ва босиб ўтишга эришади. Бу муваффақиятлар 70-йиллардаги асарларидаёқ яққол кўзга ташланган. Айниқса кўпчилик томошабинлар эътиборини қозонган «Наврўзда қизлар баъзи», «Қиз портрети», «Омон Матжон», «Навой ва Беҳзод», «Хосият Бобомуродона», «Солиҳ Муталибов» каби асарларини мисол келтириш мумкин. Адабиёт ва тасвирий санъатнинг ҳам-барчас боғлиқлиги рассом ижодининг бош мавзусидир. Темур Саъдуллаев ижодий фаолияти давомида бу анъанани содиқ бўлиб келмоқда.

Саксонинчи йилларга келиб рассом портрет жанри борасида янада сермахсул ижод этди.

У бир қатор шоир ва адибларнинг образларини муваффақиятли тасвирлаб беришга эриша олади. Атоқли олим Ҳамид Сулаймонов портретини яратиш билан рассом отахон устозга бўлган самимий муҳаббат ва ҳурматини ифодалайди. Рассомнинг бир қатор деворий суратларидаги ижоди эътиборга моликдир. Бу ўринда «Афшонда», «Алпомиш ва Барчиной», «Беҳзод» каби асарлари диққатга сазовордир.

Темур Саъдуллаев доимий равишда кўплаб китобларга бадиий безак бериш билан бирга давримиз рассомлари ичида миниатюра санъатидаги анъаналарни яхши ўзлаштирганлиги билан ажралиб туради. У миниатюра анъаналарини тасвирий санъатнинг замонавий ютуқлари билан уйғунлаштириб ўз овозига эга бўлган халқчил рассомдир.

## НЕЪМАТ ҲАКИМОВ, ОСИМХОН ВОСИХОНОВ

Ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида энг кўп учрайдиган тасвирий санъат турларидан бири графика санъатидир. Бу санъатнинг айниқса китоб, газета, журнал графикасига хос намуналари янада кенг тарқалгандир. Бир қараганда киши эътиборига унчалик ташланавермайдиган замонавий китобат санъатининг ўзига хос машаққатли йўли ва меҳнат жараёни мавжуддир.

Неъмат Ҳакимов ва Осимхон Восихонов бу борада самарали ижод қилишмоқда.

Биз биринчи синфдан оқ ўқувчиларимизга берадиган билимларни улар қанчалик тез ва осон ўзлаштира олишлари учун дарсликдаги тасвир ва безакларнинг роли, ўрни бениҳоя каттадир. Китоб графикаси санъатига китобнинг тузилишига қараб муқова, титул муқова яратиш киради. Аввало китобга берилаётган тасвир ва безаклар шу китоб мазмунини очиб беришга хизмат қилмоғи шарт.

Неъмат Ҳакимов ўз ижодида ўзбек адабиёти илғор намоёндалари яратган асарларни бадий тасвирлар билан безайди. Рассом Самарқанд вилоятининг Нурота туманидаги Оқтепа қишлоғида 1951 йилда таваллуд топган. Тасвирий санъат борасида Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг бадий-графика факультетида профессор Малик Набиевдан таълим олган. 1980 йилларнинг бошларидаёқ эл эътиборига тушган.

Неъмат Ҳакимов дастлаб тинчлик, ёшлиқ, табиатни асраш каби мавзуларга мурожаат этади. Ўз асарларида халқимиз характерига хос анъаналарни табиатимизнинг беғубор гўзалликларини тасвирлайди ва шу баробариди уни қадрлаш нақадар муҳимлигини уқтирди. Рассомнинг ижодий ютуқлари шундаки у давр руҳи билан ҳам-оҳанг боришга интилади. Бу ўринда айниқса санъаткорнинг «Уйингизга тинчлик» асари эътиборга молик.

Рассом плакатларини кузатар эканмиз ундаги мавзуларнинг ҳозиржавоблиги, долзарблиги эътиборимизни тортади.

Неъмат Ҳакимов ижодининг сермахсул ва сермаъно бир бўлаги Алишер Навоий образига қаратилган. Маълумки, халқимизнинг илғор рассомларидан Абдулҳақ Абдуллаев рангтасвирда, Владимир Қайдалов қаламтасвирда, Эйнулла Алиев ва бошқалар ҳайкалтарошлик санъатида Навоий образини тасвирлаган бўлсалар плакат санъатида бу муваффақиятни Неъмат Ҳакимов қўлга киритган. Умуман, плакат санъати ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб боришда тасвирий санъатнинг бошқа турларига нисбатан ҳозиржавоб ва жанговардир. Биз юқорида рассомни плакат санъатидан ташқари замонавий китобат санъатидаги ижодий ютуқларини эслаган эдик. Бу ўринда унинг атоқли адиб Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» каби асарларига ишлаган график тасвирлари диққатга сазовордир.

Рассом замонавий шеърятимизнинг илғор вакили Абдулло Ориповнинг «Сайланма» китобларини янада янги ва нафис бўлишига ўз улушини қўшди.

Китобат санъатига худди шунингдек самарали ҳисса қўладиган келаётган рассом Осимхон Восихоновнинг ижодидан ҳам талайгина муваффақиятларни кўрамиз. У тейга ва рассомчилик институтида Чингиз Аҳмаров, Ёлчиёр Бобоев, Алишер Мирзаев қўлида таълим олиб санъат сирларини ўрганди. Миниатюра ва замонавий китобат санъати билан биргаликда яхшигина рангтасвир асарларини яратди.

О. Восихонов кейинги йилларда тез-тез ижодий кўрсаткичларда ўзининг ранг-баранг асарлари билан фаол иштирок этиб келмоқда.

## ТАҲРИРИЯТДАН

Ватан... Бу сўз нимани англатади? Ватан сарҳадни қаердан бошланиб қай нуқтада ниҳоя топади? Ватан деганда аввало ўша муқаддас сарҳаднинг ер-суви, муҳити, табиати, унда макон топган жонлию жонсиз маъжудотларни англамоқ керак. Ота-боболардан мерос қолган маънавиятни, санъатни ва жамики қадриятларни тушунмоқ керак. Кимгаки шу нарсалар азиз туюлса, кимки шуларни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга одатланган бўлса, демак, у чин маънодаги ватанпарвардир. Худди шу нуқтани назардан қаралганда биз Истиқлолдан кейинги даврдагина Ватан сўзининг туб моҳиятини илғай бошладик. Уша муқаддас йўлда Беруний, Улуғбек, Навоий, Бобур, Огаҳий сингари улуғ бобокалонларимизнинг ҳаёт ва ижод иули бизга ҳар қачонгиданда қадрлироқ, қимматлироқ туюлди.

Истиқлолдан бурунги даврларда уша қадриятлар коммунистик мафкура доирасида даврга мослаштириб, чеклашлар, чегаралашлар билан ўрганилар эди. Минг таассуфки, ёш авлод улуғ ватандошлари маърифий қарашларидан кўра Оврўпо маданиятини кўпроқ ўқиб-ўрганишга маҳкум этилган эди. Бугунги кунда эса ўша мажбуриятларга чек қўйилди. Эндиликда Шарқ мутафаккирлари, санъаткорлари ижодини ўрганишга жадал киришилдики, қўлнингиздаги рисола ана шу йўлдаги илк уринишлардан биридир.

Маълумки, Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи қамрови кенг мавзудир. Уни бир-икки рисолада батафсил ўрганиб бўлмайди. Бундан ташқари дастлабки ишда ҳатто ва камчилик рўй бериши табиий ҳолдир. Муҳим жиҳати шуки мазкур рисола элг қадимги даврдан ҳозирги кунгача тараққий этган тасвирий санъат борасида муҳтасар маълумот беради. Рисола муаллифи қадимги давр тасвирий санъат усталари ижодиёти билан ҳозирги замон рассомлари ижоди орасида муштарак нуқталарни топиб меҳру муҳаббат ила тавсиф қилади.

Бир қарашда санъат жуда оддий тушунчадек туюлади. Суврат чизишлар, кўргазмалар, мутахассислар мулоқозлари... Бироқ, бу тушунча вақт ўтган сайин ўзгача маъно касб эта боради. Буни, муҳтарам китобхон, маъкур ростишни ўқиб ўзингиз ҳам тушуниб етгандирсиз: темир йиллар даврига оид кўпгина ноёб сувратлар республикамиз музейларида эмас, Америка Қўшма Штатлари, Франция, Буюк Британия, Россия каби давлатларнинг нуфузли музейларида сақланаётган экан! Бу сувратларнинг асл маконига келтириш тугул улардан нусха кўчиришнинг ўзи машаққатли иш. Негаки, хориждаги тасвирий санъат бизнесменлари бу дурдона асарлар қадр-қимматини жуда яхши билишади. Дуру жавоҳирга бергисиз бундай санъат намуналари улуғ боболаримиз мўйқаламига мансублигидан чексиз ифтихор туйғусига чулганган ҳолда музейларимизни шундай шоҳ асарлардан бўш кўриб кўнглимиз бир қадар чўкади. Аммо кўнгилга бир нарса таскин беради: боболаримиз забт этган бу чўққилар биз учун орзу бўлиб қолмас! Истиқлол очган йўл бизни эзгуликлар сари етаклайди, мусаввирлар юрагига чўғ ташлайди. Оққан дарё оқмай қолмас, деганларидек бир вақтлар жаҳонни ларзага солган бу минтақа илгаринги шону шуҳратига эга бўлса ажабмас.

Ватан... Ватан деганда нимани тушунамиз? Олис моҳийнинг ягона гувоҳи — Замин қаърида нелар яширинган? Тошлардаги битиклар, обидаларнинг омон қолган деворларидаги тасвирлар нени сўзлайди? Бир мунгли куй каби янграйди тасвирлар...

Собиқ Совет даврида ватанпарварлик туйғу исми эмас, баландпарвоз сўзларни ифода этадиган тушунча эди. Бугунги ёшлар ўша тушунчани асл маъносини илгаб камолга етадилар.

Санъат — ёш авлодда нафосатни тарбияловчи восита. Азал азалдан санъат шундай вазифани адо этиб келган. Жумладан, тасвирий санъат соҳасига ҳам шу нуқтани назардан диққат-эътибор қаратилиши бежиз эмас. Ёш авлодни ватанга меҳру садоқат руҳида тарбиялашда тасвирий санъатнинг ҳам роли катта.

Собиқ совет даврида тасвирий санъатга ғоявийлик жиҳатидан ёндошилгани сир эмас. Охир оқибатда кўпгина асарлар у қадар шуҳрат топмади. Камолиддин Беҳзод каби донғи етти иқлимга етган мусаввирлар диёри-мизда кейинги даврларда етишиб чиқмагани шу билан изоҳлаиса керак. Сўнги тўрт-беш йил ичида эса ёш му-

саввирлар ғарб тасвирий санъатини пухта урганиб авангардизм, модернизм йўналишларида самарали ижод қилмоқдалар. Албатта, бу миллийлик назардан соқит қилинди, деган гап эмас. Тасвирий санъат миллийлик ўзанида замонага мосланмоқда. Бизнесинг асрда фан-техника ривожини шуни тақозо этаётир.

Жаҳоннинг бир қатор ривожланган мамлакатларида ўзини маданиятли деб санайдиган кишилар тасвирий санъатни алоҳида ихлос билан ўрганишади. Суратлар кўргазмасини томоша қилиш, музейларга бориб дурдона асарлардан завқу шавқ олиш уларда урфга айланган. Очигини айтадиган бўлсак бизда ўшандек меҳру ихлос йўқ ҳисоби. Бу эса майтаб партасидаёқ жиддий тайёргарликни тақозо этади. Ўқувчилар республикамизнинг номдор мусаввирлари ижод ва ҳаёт йўлини билдишса, уларнинг асарлари борасида ўз фикр-мулоҳазаларига эга бўлишса қандай яхши!

Ўн йиллар мобайнида бизда археология фани у қадар тараққий этмай келди. Археологик қазишмалар жараёнида топилган ноёб ашёлар ўзга юртларга олиб кетилди. Буларнинг ҳаммаси яна Ватан тарихига тақалди, Ватанпарварлик тушунчаси асоси мўрт бўлганлигини билдиради. Демакки, санъатнинг ҳамма тармоқларини ўрганишни замоннинг ўзи тақозо қилиб турибди.

Азиз китобхон! Ушбу рисола юзасидан Сизда қандай таклиф-истаклар бор? Юқорида таъкидлаганимиздек, бу рисола нуқсонлу камчиликлардан холи эмас. Сизнинг мулоҳазаларингиз мазкур рисола билан бойитишга ва яна бир қатор китоблар яралишига сабаб бўлади. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихининг қайси давлари ҳақида рисолалар ўқишни истайсиз? Қайси ўзбек рассомлари ижоди Сизни кўпроқ қизиқтиради? Ушбу саволларга жавоб топиб бизга хат йўллашингизни сўраймиз. Адресимиз:

Индекс: 700129. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, «Ўқитувчи» нашриёти, умумий педагогика ва психология адабиётлари таҳририяти.

## МУНДАРИЖА

|  |           |
|--|-----------|
| Муқаддима . . . . .  | 3         |
| <b>I боб Тасвирий санъат тушунчаси, унинг тур ва жанрлари</b>      | <b>5</b>  |
| Санъат ўзи нима? . . . . .   | 6         |
| Тасвирий санъат турлари . . . . .                                  | 10        |
| Тасвирий санъат жанрлари . . . . .                                 | 12        |
| Тасвирий санъатда композиция . . . . .                             | 13        |
| <b>II боб. Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги тасвирий санъат</b>       | <b>13</b> |
| Ибтидоий тасвирий санъат намуналари ҳақида . . . . .               | 15        |
| Тасвирий санъат тарихининг кейинги такомил босқичлари              |           |
| Юпон-Бақтриядан араблар истилосигача бўлган давр-                  | 20        |
| лардаги тасвирий санъат равнақи . . . . .                          | 22        |
| Қадимги ҳайкалтарошлик санъати . . . . .                           | 28        |
| Қадимги рангтасвир санъати . . . . .                               | 35        |
| <b>III боб. Ислом маданияти даврида тасвирий санъат</b>            | <b>35</b> |
| Темурийлар даврида тасвирий санъат . . . . .                       | 38        |
| Қамолиддин Беҳзод . . . . .  | 42        |
| <b>IV боб. XIX аср охири ва XX аср Ўзбекистон тасвирий санъати</b> | <b>53</b> |
| Искандар Икромов . . . . .   | 58        |
| Чингиз Абдурахмонович Аҳмаров . . . . .                            | 60        |
| Абдулҳақ Абдуллаев . . . . .                                       | 62        |
| Малик Набиёв . . . . .   | 63        |
| Маннон Саидов . . . . .  | 68        |
| Ғофур Абдурахмонов . . . . .                                       | 69        |
| Ҳайкалтарош Дамир Рўзибоев . . . . .                               | 73        |
| Жўлдосбек Қуттимурадов . . . . .                                   | 75        |
| Илҳом Жабборов . . . . .   | 76        |
| Жавлон Умарбеков . . . . .   | 78        |
| Баҳодир Жалолов . . . . .  | 81        |
| Алишер Мирзаев . . . . .   | 82        |
| Акмал Икромжонов . . . . .   | 83        |
| Темур Саъдуллаев . . . . .   | 87        |
| Ҳеъмат Ҳакимов, Осимхон Восихонов . . . . .                        | 89        |

## НОРСАИД ОЙДИНОВ

### ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

*Ўрта махсус мактабларнинг ўқитувчилари ва  
махсус билим юрталарининг талабалари  
учун ўқув қулланма*

Тошкент «Ўқитувчи» 1997

Таҳририят мудир *С. Очил*  
Муҳаррир *Б. Раҳиммуҳаммад*  
Бадний муҳаррир *Э. Абдурасулов*  
Техник муҳаррир *С. Турсунова*  
Мусаҳҳих *Д. Умарова*

ИБ № 7130

Терингга берилди 8. 08. 96. Босишга рухсат этилди 17. 10. 96. Формати 84×108/32. Тип. қоғози. Кегли 10 пиксиэл. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли 6. л 5,04. Шартли кр. отт. 5,145. Навир. л. 4,68. 3000 нусхада. Буюртма № 54.

«Ўқитувчи» нашриети. Тошкент. 129. Павсий кўчаси, 30. Шартнома 07—28—96.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара китоб фабрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1996.